

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ  
ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

**Суюнов Дилмурод Холмуродович**

**Қаландаров Аълохон Қосимжонович**

# **Толлинг операцияларини ташкил этиш ва уни бошқариш**

**Ўқув қўлланма**

**“Akademiya”  
Тошкент-2012**

Иқтисод фанлари доктори , профессор  
Иминов Одилжон Каримов таҳрири остида

Тақризчилар: И.ф.д., проф. Р.Р.Хасанов  
И.ф.д., Д.В.Расулова

Ўқув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг 2012 йил январдаги илмий-услубий кенгашининг қарори билан чоп этишга тавсия этилган.

**Суюнов Д.Х., Қаландаров А.Қ. Толлинг операцияларини ташкил этиш уни бошқариш.- Т.: “Akademiya” нашриёти, 2011 йил, 132 бет.**

Ўқув кўлланмасида толлинг операцияси тушунчаси, моҳияти ва мазмуни, иқтисодий моҳияти, халқаро саноат-ишлаб-чиқариш кооперациясида толлининг ўрни, толлинг операцияларини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаси, Ўзбекистон Республикасида толлинг операцияларини амалга оширишнинг институционал асослари, толлинг операцияларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш усуллари, Республика нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг операцияларини ташкил этиш амалиёти ва толлинг операциялари самарадорлигини оширишнинг умумий масалалари ҳамда нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг амалиётини такомиллаштириш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклифлар берилган.

Ушбу ўқув қулланмасидан нефтни қайта ишлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва мутахасис ходимлар, Олий бизнес мактаби ва унинг Корпоратив бошқарув маркази тингловчилари ҳамда Олий таълим тизимидаги иқтисодиёт ва менежмент мутахасисликлари бўйича таълим олаётган талабалар фойдаланишлари учун мулжалланган.

**“Akademiya” нашриёти. Тошкент, 2012 йил.**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. Толлинг операцияси тушунчаси, моҳияти ва мазмуни.....	7
2. Толлинг операциясининг иқтисодий моҳияти.....	15
3. Толлинг операцияси корxonанинг сотиш фаолиятини ривожлантириш йўналиши сифатида.....	26
4. Ҳалқаро саноат-ишлаб-чиқариш кооперациясида толлиннинг ўрни.....	31
5. Толлинг операцияларини ташкил қилишнинг хорижий тажрибаси .....	33
6. МХД давлатларида толлинг операцияларини ташкил қилиш тажрибаси...	37
7. Ўзбекистон Республикасида толлинг операцияларини амалга оширишнинг институционал асослари.....	43
8. Толлинг операцияларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш усуллари.....	51
9. Толлинг операциялари ёрдамида корхона активларини бошқариш самарадорлигини ошириш.....	55
10. Толлинг операцияларининг корхона фаолиятидаги рискларга таъсири....	62
11. Толлинг операцияларида бошқарув ҳисоби.....	72
12. Толлинг операцияларида ишлаб-чиқариш режасини тузиш.....	81
13. Ўзбекистон иқтисодиётида толлинг операцияларини амалга оширишнинг зарурияти.....	91
14. Республика нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг операцияларини ташкил этиш амалиёти.....	98
15. Республикада толлинг операциялари самарадорлигини оширишнинг умумий масалалари.....	108
16. Республика нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг амалиётини такомиллаштириш йўналишлари.....	117
Фойдаланилган адабиётлар.....	127

## КИРИШ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини замонавий бозор муносабатлари асосида қайта қуриш учун амалга оширилаётган иқтисодий ислохатларнинг асосий йўналишларидан бири, иқтисодиётнинг реал соҳаларида хўжалик юритишнинг илғор бозор механизмларини ишга солиш асосида корхоналарнинг ишлаб-чиқариш салоҳиятидан имкони қадар тўлароқ фойдаланиш учун шароит яратиш ва корхоналар молиявий барқарорлигини фаолият диверсификацияси асосида таъминлаш ҳисобланади. Бироқ, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш йўлида эришилган ютуқларга қарамай, миллий иқтисодиётнинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан корхона ишлаб-чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги лозим даражада эмас. Бунга кўп жиҳатдан корхоналардаги менежмент одатий ҳолдаги ишлашга ўрганганлиги ва бой хорижий мамлакатлар тажрибасидан амалий фаолиятда қўллашга билим даражаси етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “...ҳолисона таҳлил, ислохотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.”<sup>1</sup> - деб бежиз айтмаган эдилар.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози корхоналар фаолиятини сақлаб қолиш ва кескинлашган рақобатчилик муҳитида уларнинг яшовчанлигини мустаҳкамлаш бўйича кучайтирилган талабларни қўя бошлади. Айниқса бу ҳолат айланма маблағларининг етишмаслиги оқибатида ўз ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконияти кам бўлган корхоналар учун ўринлидир. Ана шу ҳолатда толлинг операцияларидан

---

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов.-Тошкент:“Ўзбекистон”, 2010.-566.-Б.ц.

фойдаланиш асосий воситалари етарли бўлган, бироқ жорий активлари тўлақонли ишлаб-чиқариш фаолияти билан шуғулланишга имкон бермайдиган корхоналарга қўшимча имкониятлар яратади.

Толлинг операциялари маълум бир даражада хўжалик юритувчи субъектларнинг интеграциясини талаб қилади. Ушбу операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистонда зарур ҳуқуқчилик ва тузилмавий негиз мавжуд. Ҳақиқатда, республика саноат тармоқларида яратилаётган интеграциялашган тузилмалар ишлаб-чиқаришларнинг сифат жихатидан янги савиядаги комбинацияси бўлиб, у мураккаб иқтисодиёт ички хўжалик алоқаларини самарали равишда тиклашга ёрдам бермоқда. Бунда холдинг компаниялари саноат корхоналари бирлашмасининг фойдали шаклидир. Мазкур интеграцияланган тузилмаларнинг ўзагини бир неча акциядорлик корхоналари ташкил қилиб, уларнинг теварагида ягона ишлаб-чиқариш занжири билан ўзаро алоқадор бўлган бошқа корхоналар уюшадилар. Бу ҳолда «ички толлинг» операцияларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасида ўз вақтида ишлаб-чиқилган ва амалга оширилган давлатнинг иқтисодий сиёсати хўжалик юритишнинг турли шакллари кўллашга имкон беради. Бунда юқори интеграциялашган корпоратив тузилмалар ҳосил қилиш жараёнининг фаоллашаётганини республикамизнинг йирик товар ишлаб чиқарувчилари мисолида кўришимиз мумкин. Масалан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида нефтни қайта ишлаш бўйича толлинг операциялари кенг қўлланилмоқда.

Толлинг битимлари саноатни вертикал ташкил этишнинг ўзига хос шакли бўлиб хизмат қилади, бунда технологик занжирда оралиқ ҳолатни эгаллайдиган қайта ишловчи корхоналар ҳам-ашё ва материаллар бозорига чиқмайди ва пировард маҳсулотлар бозорида кам даражада намоён бўлади.

Толлинг амалиёти ижрочилар учун бозор фаолияти рискларидан қутулиш имкониятини берса, буюртмачи учун юқори ишлов талаб қиладиган маҳсулот ишлаб-чиқаришни йўлга қўйишни

рағбатлантиради. Бошқа томондан, толлинг шакли касаначилик каби республикамизда мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ёки янги иш ўринларини яратишда ёрдам бериши мумкин. Республикамизда толлинг хизматига буюртма беришдан манфаатдор бўлган хорижий хамкорлар, унинг учун ишлаб-чиқариш қувватлари етарли бўлмаганда зарур сармойани беришлари мумкин. Бу эса мамлакатимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишининг яна бир шаклига айланиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган шароитларнинг мавжуд бўлиши саноатнинг стратегик тармоқларига, хусусан Ўзбекистон нефтгаз комплексида толлинг операцияларини ташкил этиш ва самарали бошқариш муаммосини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш орқали корхоналарнинг рентабеллигини ошириш учун ички имкониятларни излаш заруриятини келтириб чиқаради.

## 1. Толлинг операцияси тушунчаси, моҳияти ва мазмуни

Яқин ўн йилликларда жаҳондаги илмий ва иқтисодий адабиётларда толлинг тушунчаси тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда, унинг самараси ва миллий иқтисодиётларга таъсири жуда катта мунозараларга сабаб бўлмоқда<sup>2</sup>. Шуниси аҳамиятлики, турли манбаларда толлинг атамаси турлича таърифланмоқда. Толлингни иқтисодий ҳодиса сифатида тавсифига ўтишдан олдин адабий манбаларда энг кўп тарқалган толлинг таърифларини кўриб чиқиш мумкин.

**Толлинг** (инглизча таърифдан give and take raw material, customer owned raw materials, customer-furnished raw materials) — бу кейинчалик тайёр маҳсулотни хорижга қайтариш шарти билан хориж ҳом-ашёсини қайта ишлаш<sup>3</sup> деган маънони англатади.

Бошқа олимлар эса, толлинг механизми ўзи билан божхона режимини назарда тутган шароитда хорижий ҳом-ашёнинг қайта ишланишидан иборат<sup>4</sup> деб кўрсатадилар. Мазкур божхона режимининг қўлланилиши бож тўламасдан чет элдан ҳом-ашё олиб келиш ва тайёр маҳсулотни олиб чиқишига имкон беради. Толлинг операцияларини амалга оширишнинг зарур атрибути сифатида толлинг битими қатнашчиларининг давлатлар чегаралари орқали импорт-экспорт операцияларини амалга оширувчи ташқи савдо айланмасидаги бевосита иштироки мавжуд бўлади.

«Толлинг» сўзининг ўзи инглизча «toll» (бож) сўзидан келиб чиқиб, иқтисодий адабиётда божхона режими остида божсиз хориждан олиб кириладиган ҳом-ашёни қайта ишлаб бериш тушунилади. Бунда икки хил: ташқи (ҳом-ашё хориждан келтирилади) ва ички (хорижий фирма ҳом-ашёни мамлакатнинг ўзида сотиб олади) толлингни фарқлайдилар<sup>5</sup>. Хорижда бундай операциялар актив ва пассив қайта ишлаш операциялари деб номланади.

<sup>2</sup> Белова И.А. Толлинг как экономическое явление. //Менеджмент в России и за рубежом. №3, 2000 г.

<sup>3</sup> www.wikipedia.ru

<sup>4</sup> Райзбер Б. А., Лозовский, Л. Ш. и Стародубцева, Е. Б. Современный экономический 4.словарь. — М. : ИНФРА-М, 2005 г. 4-е изд., перераб. и доп., стр. 480.

<sup>5</sup> Иванов Н., Белкин Д. Толлинговая атака на правительство//Коммерсантъ. — 1999. — № 192.

Операциянинг толлинг эканлигини фарқлашнинг муҳим шарти – қайта ишлаб берувчи мамлакатлардаги корхона хориждан келтирилган ёки мамлакатда сотиб олинган ҳом-ашёни қайта ишлашнинг божхона режимига ўтказди.

Россиядаги иқтисодий адабиётларда толлингга турлича тушунча берилган:

- Россия Давлат Божхона Қумитаси томонидан яратилган алюминий экспорт қилиш тизими<sup>6</sup>;

- кейинчалик божхона назорати остида хорижга олиб чиқиш шарти билан россия корхоналарида бериб туриладиган ҳом-ашёнинг қайта ишланиши<sup>7</sup>;

- корхона ишлаши схемасининг шундай турики, унда хорижий буюртмачи таъминлайдиган ҳом-ашё россия корхонаси томонидан маълум бир ҳақ эвазига қайта ишлаб берилди ва буюртмачи олинган металлнинг эгаси сифатида хорижга олиб чиқади ва хорижий бозорларда сотади. Бундай битимлар россия ҳукумати қарори билан қўшимча қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод қилинган<sup>8</sup>;

- хорижий буюртмачилар берадиган ҳом-ашё асосида ҳақ эвазига россия металлургия корхоналарининг алюминий ишлаб чиқариши бўлиб, қайта ишлашнинг ҳар бир босқичида буюртмачи ҳом-ашё ёки махсулотнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолади<sup>9</sup>;

- бу шундай операцияки, унда хорижий ёки россия ишлаб чиқарувчиларидан глиноземни воситачи (толлингер) сотиб олади, алюминий заводи эса фақат глиноземни қайта ишлагани учун «комиссия» ҳақини олади<sup>10</sup>;

- бу шундай схемаки, унда металлургия заводлари учун хорижий ёки россиялик ҳом-ашё етказиб берувчи айрим божхона ва солиқ тўловларисиз махсулотни чет элга олиб чиқиб кетади<sup>11</sup>;

<sup>6</sup> Орлов Д. Прощание с TWG. // Журнал «Новое время», № 50, 1997 г.

<sup>7</sup> Сысоев А. Кому мешает толлинг. // Журнал «Металлы Евразии», № 6, 1999 г.

<sup>8</sup> Любин А. То ли толлинг, то ли грабёж. // Газета «Труд», 23.09.99 г.

<sup>9</sup> Сапожников П., Лихина О. Толлинг — это не Чубайс. // Журнал «Коммерсантъ деньги», № 38, 29.09.99 г.

<sup>10</sup> Онуфриев А, Сиваков Д. Люди бьются за металл. // Журнал «Эксперт», № 40, 25.10.99 г.

<sup>11</sup> Иванов Н. Грабить можно на 15% меньше. // Газета «Коммерсантъ», № 212, 17.11.99 г.

- ички толлинг – шундай режимки, унда алюминий махаллий таъминланадиган ҳом-ашё асосида алюминий ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади. Ташқи толлинг – импорт ҳом-ашёсини қайта ишлаш<sup>12</sup> деганидир.

Агар россия корхонасида қайта ишлаш учун ҳом-ашё Россия худудининг ўзида сотиб олинса, ҳом-ашё божхона назорати остида қайта ишлаш божхона режимига ўтказилади.

Шундай қилиб, *толлинг ўзи билан мамлакатга божсиз олиб кириладиган буюртмачи таъминлайдиган ҳом-ашёнинг қайта ишланиши бўлиб, солиқ имтиёзлари бериладиган ёки берилмайдиган толлингга бўлинади.*

Юқорида келтирилган таҳлилдан кўриниб турибдики, кўпчилик россиялик муаллифларнинг фикрича толлинг схемаларининг қўлланилиши алюмин ишлаб чиқариш саноати билан чегараланар экан. Бунга сабаб шуки, Россияда толлинг операциялари айнан шу соҳада кенг тарқалган (Россияда ишлаб чиқарилган алюминийнинг 80 фоизига яқини экспортга кетади, уларнинг 70 фоизи толлинг схемалари асосида ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга, россияда толлинг схемалари металлургиянинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатилади: олтин, кумуш, платиноидларнинг аффинажи, мис, никел, кобальт , шунингдек, энгил, электрон, авиация саноатида қўлланилади).

Толлинг бир мамлакатда ўйлаб топилмаган. Толлинг операциялари бутун жаҳонда анча йиллардан бери қўлланилиб келинмоқда<sup>13</sup>. Масалан, немис тилида толлинг тушунчасига «Lohnveredelung» келади<sup>14</sup>, кўп ҳолларда эса «neue internationale Arbeitsteilung»<sup>15</sup>, инглиз забон мамлакатларда «International Subcontracting» ёки «Offshore Assembly/Production» сўз

<sup>12</sup> Оганесян Т. Канонада алюминиевых войн. // Журнал «Эксперт», № 47, 13.12.99 г.

<sup>13</sup> Dieckheuer, G. und Langenfurth, M. Passive Lohnveredelung: Faktor des Wirtschaftswachstums in Osteuropa? — Muenster: Institut fuer industriewirtschaftliche Forschung, Beitrag Nr. 208, 1995.

<sup>14</sup> Werner, Klaus-Juergen. Analyse der internationalen Lohnveredelung anhand von Fallstudien in Malaysia und Singapur. — Bad Honnef: Bock und Herchen, 1982.

<sup>15</sup> Wolfgang Koenig, Joachim Peters, Wolfgang Ullrich. Betriebliche Kooperation mit den Entwicklungslaendern. Moeglichkeiten und Grenzen des Mittelstandes. — Tuebingen: J.C.B.Mohr (Paul Siebeck), 1987.

бирикмалари ҳам қўлланилади, испан тилида эса толлинг битимлари «taguila» деб аталади.

Толлинг операцияларни амалга оширишнинг мотивлари турлича бўлади. Буюртмачи ёки бажарувчи турли манфаатларни кўзлаши мумкин (1.1-расм).

Толлинг операцияларининг илмий ва амалий масалаларига бағишланган ихтисослашган сайтда берилган таърифга кўра мазкур операцияга таалукли қуйидаги атамалардан фойдаланилади<sup>16</sup>:



1.1-расм. Толлинг операцияларини амалга оширишнинг мотивлари (сабаблари, томонларнинг манфаатлари).<sup>17</sup>

<sup>16</sup> www.tolling.ru

<sup>17</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

**Толлинг** – бу хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг шундай турики, унда ҳом-ашё эгаси уни қайта ишловчи корхонага беради ва тайёр маҳсулот кўринишида қабул қилиб олади ва қайта ишловчи корхонага у сарфлаган харажатларни қоплаб беради ҳамда олдиндан келишилган даромадлилик фоизини тўлайди. Яъни буюртмачи ҳом-ашёсини қайта ишлаб бериш операциясидир.

**Толлингер** – қайта ишлашга бераётган ҳом-ашёнинг эгаси бўлган компаниядир. Толлингер бўлиб, ҳом-ашё етказиб берилишини молиялаштира оладиган ва маҳсулот нархи билан ҳом-ашё ва қайта ишлаш харажатлари орасидаги фарқдан асосий фойда топишга интилган ҳар қандай компания фаолият юритиши мумкин.

**Таъминланган ҳом-ашё** – буюртмачи-корхонага қаршли ҳом-ашё ресурсларидир. Таъминланган ҳом-ашё деганда унинг эгаси томонидан пул тўловисиз шартнома асосида ижрочи-корхонага бериладиган ҳом-ашё, материаллар, маҳсулотлар тушунилади.

**Қайта ишловчи** – қайта ишлаш, ишлов бериш ва технологик кўшимча ишлов бериш йўли билан таъминланган ҳом-ашёдан тайёр маҳсулот чиқарадиган қайта ишлайдиган корхоналардир.

Толлинг схемаларини амалга оширишда ҳом-ашёни бериш шартнома муносабатлари асосида расмийлаштирилади ва унда таъминланган ҳом-ашё ва ундан ишлаб-чиқариладиган тайёр маҳсулотга толлингернинг эгалик ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлади. Барча қайта ишлаш харажатлари, шу жумладан, қайта ишловчи томонидан мустақил ишлатилган ёки сотиб олинган материаллар толлинг хизмати нарҳига киритилади. Кўрсатилган хизматлар учун қайта ишловчи буюртмачига тўлов учун ҳисоб беради.

**Қайта ишловчи хизматига ҳақ тўлаш шакллари.** Толлинг операцияларини амалга ошириш учун ҳақ тўлашда асосан тўрт усулдан фойдаланилади:

1. Ҳом ашёнинг бир қисми хизмат ҳақи сифатида қолдирилади.

2. Тайёр маҳсулот билан тўланади.

3. Пул билан тўлаш.

4. Хизмат ҳақи олинмайди. Тайёр маҳсулот чиқиш меъёри шу даражада пасайтириладики, меъёрдан ташқари қисми қайта ишловчида қолади ва қайта ишлаш харажатларини қоплайди. Бундай усул қонуний йўл билан таннархни шакллантиришга йўл қўймагани учун, фақат нолегал бухгалтерия юритадиган корхоналардагина ишлатилади.

**Билвосита толлинг** – бартер схемалари тизимида катта маблағ ва кенг алоқаларга эга бўлган воситачилар мавжуд бўлиб, улар саноат молларини истеъмолчиларга сотиш учун сотиб оладилар. Агар маҳсулот сотилмай қолса улар қайта ишлашда ишлатилади.

Мулкка эгалик қилиш (акциядорлар)дан, маълумотлардан фойдаланиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш имкониятига (менежмент) эга бўлишдан, иш ҳақи олишдан (ходимлар) даромад топиш, корпоратив бошқаришда барча манфаатдор гуруҳларнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, корхоналарнинг молиявий (пул) оқимлари устидан назорат ўрнатишни талаб этади. Бунинг учун Россия иқтисодиётида қўлланаётган усуллар жуда турли-туман (бу ҳақда кўп миллиардли капиталнинг хорижий оқими далолат беради): бир кунлик фирмаларни тузиш, даромадлироқ активларга эга бўлиш, оффшор ҳудудлардаги операциялар, бартер битимлар ва бошқалар. Бу ерда давал операциялар муаммоларига тўхталиб ўтмоқчи эдик, чунки айнан улар замонавий Россия корпоратив тузилмаларида молиявий бошқарув ва вертикал интеграциянинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Даваль (толлинг) битимлар қайта ишловчи корхоналарга ҳом-ашё етказиб беришни ташкил этишнинг Россияда кенг тарқалган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Бунда ҳом-ашёни етказиб берувчи бир вақтнинг ўзида пировард маҳсулот бир қисмининг эгаси сифатида ҳам чиқади. Унинг бошқа қисми хусусан ишлаб чиқарувчига қайта ишлаш бўйича хизматга ҳақ тўлаш сифатида берилади. Қайта ишлаш ҳақи пул кўринишида тўланиши ҳам мумкин, бироқ Россия саноатида камдан – кам ҳолларда шундай

қилинади. Даваль битимлар механизми катта фарқ қилади: етказиб берувчи – «давал»чи бўлиб вертикал интеграциялашган тузилмаларда мустақил компания ва бош компания чиқиши мумкин; даваль битим шартлари турли битимлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги узоқ муддатли келишувлар билан белгиланиши мумкин; толлинг тўғрисидаги шартнома давалчининг пировард махсулотнинг қайта ишловчи корхонага ўтадиган қисмини сотишда ёрдам беришликни кўзда тутиши ҳам, тутмаслиги ҳам мумкин.

Бу ерда «толлинг» эмас, «давалчилик» тушунчаси ишлатилади. Бунинг сабаблари иккита. Биринчидан, «давалчилик» тушунчаси кенгроқ: «глиноземани даваль етказиб бериш» тўғрисида гапириш мумкин (гарчи айнан шу ерда «толлинг» сўзи кўп қўлланилсада), аммо миллий хом-ашёни миллий корхоналарга етказиб бериш тўғрисида гапириб, «толлинг» юк жўнатишни белгилашдан амалда ҳеч қачон фойдаланилмайди. Иккинчидан, даваль хом ашё» тушунчаси Россия корхоналарининг бухгалтерия ва бошқа расмий ҳисоботларида кенг ишлатилади.

Даваль битимлар саноатни вертикал ташкил этишнинг ўзига хос шакли бўлиб хизмат қилади, бунда технологик занжирда оралиқ ҳолатни эгаллайдиган қайта ишловчи корхоналар хом-ашё ва материаллар бозорига чиқмайди ва пировард махсулотлар бозорида кам даражада (сотиб олинган хом ашёни қайта ишлаш ва уни кейинги мустақил сотиш моделига нисбатан) намоён бўлади.

Давалчиликни ишлаб чиқарувчилар хулқ – атворини мувофиқлаштиришнинг бозор ва иерархик воситаларини уйғунлаштирувчи ташкил этишнинг гибрид шакли, деб аталган тури сифатида ўрганишга тўла ҳақлимиз.

Россия саноатида амал қиладиган ташкилий шакллари таҳлил қилишда унинг назарий асосини танлаш тўғрисидаги масала муҳимларидан бири сифатида чиқади. Хусусан, неоклассик неоинституционал тадқиқот усулларини қўшиш тўғрисида гап бормоқда. Биз охиргисига устунлик берамиз, чунки даваль битимларидан фойдаланиш мотивларини таҳлилнинг мутлоқ неоклассик услубини қўллаган ҳолда амалда адекват тушунтириш

мумкин эмас. Неоклассик ёндашув доирасида давалчиликка кенг маънода вертикал интеграция воситаси сифатида қараш мумкин эмас, у «икки томонлама устама», деб аталган муаммони ҳал қилиш усули бўлиб хизмат қилади. «Икки томонлама устама» технологик занжирнинг кейинги босқичларида (изчил бозорларда) бозор ҳукмронлигига эга бўлган фирмалар амал қилганда юзага келади. Энг кўп фойда олишга интиланган ва бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қиладиган фирмалар маҳсулот чиқариш ҳажмини чеклайдилар ва бунда уларнинг жами фойдаси пасайишига қараб, уни шунчалик қисқартирадилар. «Икки томонлама устама» муаммоси ечилмоқда, фирмаларнинг жами фойдаси эса тор маънода вертикал интеграциядан ҳамда вертикал чекловларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиши натижасида ўсмоқда. Вертикал чекловлар – битимларнинг қўшимча шарти (масалан, юк ташувчи томонидан хом ашёни чакана нархини тартибга солиш, хом ашё харид ҳажмининг қўйи ёки юқори чегараларини ўрнатиш, ҳудудий чегаралар тизимини ўрнатиш) – фирмаларни қарорларга тортиши мумкин, бозорни вертикал ташкил этиш билан тасвирланадиган вазиятга қараганда жами фойданинг ўсишини таъминлайди.

Бунда мустақил компаниялар ўртасида битимлар фақат оралиқ маҳсулотга эга бўлиш нархинигина қайд этади. Турли вертикал чекловларнинг нисбий самарадорлиги бозор хатари устувор турларига боғлиқ бўлади. Агар пировард маҳсулот бўлғуси ҳолати ва компаниялар вертикал чеклов харажатлари юзасидан ноаниқлик мавжуд бўлмаганда, у ҳолда ноаниқлик шароитида улардан фойдаланиш натижалари компаниялар нуқтаи назаридан ҳам, ижтимоий фаровонлик нуқтаи назаридан ҳам анча фарқ қилади.

Даваль битимларни Россия учун вертикал чекловлар маҳсус турларидан бири сифатида ўрганиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, улар «икки томонлама устама» муаммосини қисман ҳал қилиш имкониятини беради. Даваль битимлардан фойдаланишда хом ашё етказиб берувчилар ва қайта ишловчи корхоналарнинг жами фойдаси вертикал интеграциялашган фирма доирасидагига

қараганда паст бўлишига қарамай, юқори бўлади. Шундай қилиб, даваль битимлар ижтимоий фаровонликка муайян ижобий таъсир кўрсатади, чунки пировард ва оралик маҳсулот чиқаришнинг ўсишига, демакки, пировард маҳсулот бозордаги баҳосининг пасайишига олиб келади.

## **2. Толлинг операциясининг иқтисодий моҳияти**

Иқтисодий адабиётларда толлингга пулсиз ҳисоб – китобларнинг бошқа турлари – бартер, ўзаро ҳисобга олиш, маҳсус вексель муомаласи ва ҳ.к.лар билан бир қаторда қараш анъанаси вужудга келди. Бунда муайян маъно мавжуд, чунки бу барча ҳисоблаш шакллари улар барқарор ва такрорланувчан ҳисобланган даражада бозорга муқобил бўлган мувофиқлаштириш механизмидан фойдаланишни кўзда тутди. Бироқ толлинг бундай битим шакли бартер трансакцияларига қараганда кенг маънода каттароқ барқарорликни намоиш этиши учун таҳлилда алоҳида қизиқишни мужассамлаштиради. Россия бюллетени маълумотларига кўра охириги йилларда бартер бўйича маҳсулот сотиш улуши оғишларсиз пасайди: 1996-1998йй.да у ўртача саноат бўйича 52%ни ташкил этган бўлса, 1999-2000йй.да 16% даражада бўлди, 2010й. Апрельда 12%гача пасайди.

Даваль битимларига нисбатан бунақаси кузатилмайди. Даваль хом ашёсидан маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича унинг улуши охириги беш йил ичида амалда ўзгармай қолди.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, толлингдан фойдаланувчи тармоқлардаги хўжалик фаолияти натижаларини тавсифлайдиган маълумотлар толлингнинг ҳақиқатдан ҳам вертикал чекловлар тури сифатида ишлаб чиқилган модели, ундан фойдаланиш рағбатлантирилгандай изоҳлайди. Даваль чизмалардан фойдаланувчи тармоқларда ҳам оралик, ҳам пировард маҳсулот ишлаб чиқаришнинг концентрацияси катта фарқланади. Крупа, ун, ўсимлик ва ҳайвон ёғи ишлаб чиқарувчилар, улар учун хом ашё

кўламлари жиҳатидан нафақат федерал, балки минтақавий бозорларда ҳам етарли даражада кўп.

Шу жиҳатдан бундай бозорларда «икки томонлама устама» муаммоси ҳақиқатан ҳам мавжуд, деб тахмин қилишга асос йўқ. Тўғри қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етказиб берувчилар – давалчилар концентрациясини баҳолаш шунчаки осон эмас, чунки улар билан бирга одатда ишлаб чиқарувчилар эмас, балки воситачи компаниялар ҳам юзага чиқадилар. Хусусан, 1998 й.да Россия қишлоқ хўжалиги корхоналарида қанд лавлаги, кунгабоқар ва буғдой донини сотишда даваль жўнатиш улуши мос равишда 50,4 ва 1,3%ни ташкил этди. Бу рақамларни жадвал маълумотлари билан таққослаб, даваль юк жўнатишнинг катта қисми воситачилик ташкилотлари томонидан амалга оширилаётганлигини кўриш осон. Воситачилик тузилмалари, саноат корхоналари, шу жумладан, «Интеррос» Россия агросаноат мажмуасига кучайиб бораётган экспансиясини айнан шу орқали изоҳлаш мумкин.

Бозорларда оралик ва пировард маҳсулот концентрацияси «икки томонлама устама»нинг вужудга келиши тўғрисида тахмин қилиш учун етарли асос бермайди. Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бундан мустасно, бироқ бу ерда бошқа муаммо вужудга келади. Вертикал чекловлар одатда вертикал интеграциялашган фирмалар доирасида муқобил иерархик мувофиқлик воситаси сифатида интерпретацияланади. Аммо нефтни қайта ишлаш учун ташиб келиш вертикал интеграциялашган нефтни қайта ишлаш компаниялари доирасида амалга оширилмоқда. Толлинг юк жўнатиш шартлари холдинг бош компаниялари томонидан тартибга солинар экан, агар толлинг битимлар ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни мувофиқлаштиришнинг иерархик воситаларининг ўрнини босмаса, балки тўлдирса, улар қандай роль ўйнайди, деган савол туради.

Вертикал чекловлар, шу жумладан, толлинг ҳам бошқа мақсадга эришиш воситаси сифатида қаралиши мумкин, масалан, потенциал рақобатчиларнинг оралик ёки пировард маҳсулот бозорига кириши учун тўсиқлар яратиш мақсадига эга бўлиши

мумкин. Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан толлинг юк жўнатиш пировард махсулотни сотишни чеклаган ҳолда бир вақтнинг ўзида хом ашё етказиб берувчи бозорига савдонинг кенгайишига олиб келади. Қайта ишловчи корхоналар нисбатан кўп бўлмаган ва толлинг хом ашёни етказиб берувчилар сони уларга қараганда кам бўлган ҳолларда толлинг чизмаларидан фойдаланишининг объектив натижаси пировард махсулотлар бозоридаги концентрациянинг ўсиши бўлади. Қишлоқ хўжалиги махсулотини етказиб бериш учун айнан шундай вазият хосдир.

Бироқ толлинг битимларнинг кўпроқ фойдани ўстириш усули сифатида қаралиши монопол ҳокимиятдан фойдаланиш туфайли нефть махсулотлари, кимё махсулоти, қора ва рангли металлургия махсулотлари бозори учун мос келмайди. Аксинча, бу тармоқларда толлингдан фойдаланиш кўпинча сотувчилар сонининг кўпайиши ва пировард махсулотлар бозорида нархларнинг пасайиши билан боради, бу рақобатнинг чекланиши билан эмас, балки кучайишини кўзда тутаяди.

Яна бир муаммо мавжуд бўлиб, уни толлинг битимлар интерпретацияси шароитида мустақил корхоналарга нисбатан вертикал чекловлар сифатида қайта ишловчи корхоналар фойдасининг миқдорини ҳал қилиш қийин. Толлинг моделида вертикал чекловлар тури сифатида (бу ерда давалчи ҳам, қайта ишловчи корхона ҳам бозорда вужудга келадиган битта нархда сотади) қайта ишловчи корхоналарнинг фойдаси улар ўртасида бозор ўзаро таъсирларига қараганда, анча паст бўлади. Ўз навбатида, давалчининг фойдаси ўсади. Бунда хом ашё етказиб берувчи ва қайта ишловчи корхонанинг бозор трансакциялари ва толлинг чизмалари шароитидаги йўқотишларини таққослаш бир хил бўлмаган натижаларга олиб келади. Бозор трансакцияларига қараганда толлинг битими хом ашё етказиб берувчи учун хатарни оширади, пировард махсулот бозорида талаб пасайганда унинг фойдаси (битим амал қилган даврда) қисқаради. Шу жиҳатдан давалчи учун қўшимча фойда хатар учун мукофот бўлиб хизмат қилади. Қайта ишловчи корхонага нима тегишли бўлса, толлинг

битим доирасида у қайта ишлаш харажатларининг ўсиши билан боғлиқ қўшимча хатарни ўз зиммасига олади. Қайта ишловчи корхонанинг бозор трансакцияларидан кам фойда келтирадиган ва катта хатар билан борадиган толлинг чизмага ихтиёрий ўтишини фақат вертикал интеграциялашган тузилмаларда молиявий оқимларни бошқаришни оптималлаштиришга уриниш билангина изоҳлаш мумкин бўлади.

Бозорни ташкил этишнинг замонавий назариясида вертикал чекловлар ташаббускори шартнома тузадиган фирмаларнинг ижобий иқтисодий фойдаси (ёки иқтисодий рента) бундай келишувларнинг муқаррар атрибути бўлиб хизмат қилади. Эмпирик тасдиқланган бу ҳолатга бир қанча изоҳлар мавжуд. Улардан бири бозор ноаниқлиги ва фирмаларнинг хатарга мослашмаганлиги тушунчасига таянади. Шартнома тузишга розиликка фақат фирмалар мумкин бўлган вазиятлардан ёмонроғида (масалан, энг паст бозор талабини энг юқори қайта ишлаш харажатлари билан уйғунлаштириганда) манфий бўлмаган иқтисодий фойда олган шароитда эришиш мумкин. Битимнинг шундай шартларида экспорт қилувчи фирмалар мусбат иқтисодий фойда оладилар.

Бошқа изоҳлашлар вертикал чекловларнинг рағбатлантирувчи хоссалари билан боғлиқ. Битим рағбатлантириш хоссаларига эга бўлиши учун бундай битим қўллаган фирма у бузилган ҳолларда зарар кўриши керак. Аммо бу бир вақтнинг ўзида битим меъёрида бажарилганда фирма иқтисодий рента олиши кераклигини ҳам кўзда тутаяди.

Харажатлар ва маҳсулот ишлаб чиқаришни давалчилар ва қайта ишловчи корхоналар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги маълумотлар шундан далолат берадики, толлинг хом ашёни қайта ишловчи компаниялар ё ҳатто бухгалтерия фойдасини олмайдилар, ёки минимал фойда кўрадилар. Хусусан, бу корхоналарнинг бухгалтерия фойдаси кўрсаткичини таҳлил қилиш қийин, чунки улар ҳам объектив, ҳам онгли бузилишларга учрайди. Давалчи ва қайта ишловчи корхонанинг харажатлари суммасини улар ўртасида пировард маҳсулот ишлаб чиқаришни тақсимлаш нисбатлари билан

таққослаш бу иқтисодий шериклар томонидан фойда олинishi имкониятларини қайсидир маънода адекватроқ, ўхшашроқ тавсифлайди. Махсулот ишлаб чиқаришни тақсимлаш нисбатлари шундайки, пировард махсулот сотишдан тушган тушум қайта ишлаш корхоналарига фақат жорий харажатларини қоплаш имкониятинигина беради, холос. Статистик маълумотлар бу сингари ҳолатни кўплаб далилларда исботлайди.

Қайта ишловчи корхоналарни толлинг битимлар шартларини қабул қилишга нима мажбур қилади, деган савол туради? Асосий сабаб сифатида анъанавий равишда ликвидлилик тақчиллиги, саноат корхоналари томонидан ашёни мустақил харид қилишга айланма маблағларнинг етишмаслиги келтирилади. Бошқача айтганда, толлингнинг тарқалиши тор маънода бартердан фойдаланиш сифатида изоҳланади. Ликвидлилик тақчиллиги ҳақиқаттан ҳам пулга муқобил бўлган ҳисоб – китоб шаклларида фойдаланишнинг муҳим омили сифатида чиққанлигини инкор этиш мумкин эмас. Шунга қарамай, юқорида қайд этилганидек, даваль чизмалардан фойдаланиш рағбатларини изоҳлаш бартер трансакциялари интерпретациясидан бирмунча фарқланиши керак.

Толлинг вертикал чекловлар тури сифатида чиқсада, уни изоҳлаш ҳам, корхона аҳволига унинг таъсирини баҳолаш ҳам унинг афзалликлари ва камчиликларидан мустақил фирмалар ўртасидаги битим сифатида ажратишга асослана олмайди. Россия корхоналарининг амал қилиш хусусиятларига, жумладан, битимларни таъминлашнинг расмий ва норасмий механизмлари, фирманинг расмий ва ҳақиқий чегаралари нисбатига мурожаат қилиш зарур бўлади.

Битимлар бажарилишини (contract enforcement) таъминлаш расмий дастакларининг етарли бўлмаган самарадорлиги – Россия иқтисодиётининг умуман тан олинган белгисидир. Битимларнинг бажарилишини таъминлашнинг стандартлаштирилган ва барча учун қулай бўлган механизмнинг мавжудмаслиги юқори трансакцион харажатларга олиб келади. Анъанавий равишда трансакцион харажатларни тадқиқ этишда ташқи трансакцион

харажатларга асосий эътибор қаратилади. Бироқ қатор ҳолларда ички трансакцион харажатлар – фирма ичкарасида битимларни таъминлашга қўшимча харажатлар тўғрисида ҳам гап кетмоқда. Россия саноатида толлинг битимларидан фойдаланиш ҳам ташқи, ҳам ички трансакцион харажатларни тежашни таъминлаши мумкин. Бундай чегаралаш ҳам расман ва ҳақиқатда мустақил бўлган корхоналар ўртасида, ҳам молия - саноат грухи ва холдинглар кўринишидаги ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган корхоналар бирлашмалари ичида мувофиқлаштириш бу шаклнинг тарқалишини изоҳлаш учун зарур бўлади.

Бир қараганда, трансакцион харажатлар концепциясига асосланиб, қайта ишлаш корхоналарида даваль битимлардан фойдаланишга рағбатлантирилишни изоҳлаш анча қийин бўлиб, улар давалчи билан акционерлик ёки норасмий алоқалар билан боғланмаган. Аксинча, даваль битимлар ёрдамида қайта ишловчи корхоналардан «рента экспроприацияси» юз беради, деган тасаввур вужудга келади. Бироқ иккита ҳолат қайта ишлаш корхоналарининг трансакцион харажатларини оширади. Биринчиси – бу корхоналарда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг бошида муваффақиятли мустақил маркетинг учун зарур бўлган (жумладан, керакли кўникмалар) хусусий активларнинг мавжуд эмаслиги, иккинчиси, бутун иқтисодиёт учун умумий бўлган бундай активларга инвестициялаш самарадорлигини камайтирувчи рента экспроприацияси хатарининг юқори даражасидир. Пировард маҳсулотни сотиш билан боғлиқ трансакцион харажатлар етказиб берувчилар – давалчиларга қараганда қайта ишлаш корхоналарида юқори, чунки давалчиларнинг кўпчилиги (агар улар қайта ишловчи заводлар билан битта гуруҳга кирсалар) ё ўзлари савдо фирмалари ҳисобланадилар, ёки савдо фирмалари билан аффилирланган бўладилар. Мана нима учун даваль битимлар доирасида яхши ҳолатда жорий харажатларни қоплашга етарли бўлган суммани олган ҳолда Россия корхоналарининг кўпчилиги 1990 йилларнинг ўрталарида ва кўпчилик Украина корхоналари бугунги кунда шу

сингари битим шартларини ўзи учун фойдали, деб қарайдилар. Бир марталик даваль битими ҳақиқатан ҳам хом ашё етказиб берувчи учун ҳам, қайта ишловчи корхона учун ҳам бозор трансакцияларига қараганда самаралироқ бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ташқи трансакцион харажатлардаги тежамкорлик мустақил иқтисодий шериклар ўртасида даваль битимлардан фойдаланиши сабаби сифатида наъмаён бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур вазиятда расмий, балки ҳақиқий мустақиллик ҳам кўзда тутилади. Ўз навбатида, ҳам расмий, ҳам норасмий алоқаларга асосланган ва «интеграциялашган бизнес – гуруҳлар» умумий номини олган бирлашган фирмалар ичида даваль битимларнинг афзалликларини изоҳлаш учун бундай бирлашмаларнинг ички трансакцион харажатларини кўриб чиқиши лозимдир.

Маълумки, даваль юк жўнатиш амалда барча нефть компаниялари ичида қўлланилади. Қора металлургияда гарчи ҳар доим бўлмасада акционерлик алоқалари билан мустаҳкамлаб қўйилган бирлашмалар ичидаги толлинг амалиёти тўғрисида гапириш мумкин. Кўпинча бу битимларнинг интеграциялашган гуруҳлар ичида тарқалишининг асосий сабаби солиқларни тежаш имкониятидир, деган сўзларни эшитишга тўғри келади. Бу фикрга қўшилмасликка камида иккита асос бор. Биринчиси шундан иборатки, қатъий қилиб айтганда Россия солиқ қонунчилигига кўра, юк жўнатиш ва қайта ишлашни даваль расмийлаштириш бугунги кунда солиқ тўлашда устунликлар келтириши керак эмас. Яқин вақтларгача экспортга мўлжалланган хом ашёни қайта ишлаш ва маҳсулотни тайёрлаш бу қоидадан истисно бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, солиқ тўсиқларини пасайтиришнинг айрим имкониятлари ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланадиган корхоналарни солиққа тортиш турли ставкалари билан боғлиқ бўлди. Баъзида ҳатто бир хил солиқ тартиби шароитида даваль чизмалар солиқларни тежаш имкониятини беради, чунки уларни тўлашдан оғишни енгиллаштиради. Ҳақиқатдан, даваль битимлар кенг тарқалган соҳалар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар фаол

яширин муаммоларнинг мавжудлигини кўзда тутиш имкониятини беради. Бироқ йирик қайта ишлаш корхоналари ва йирик етказиб берувчилар устун бўлган тармоқларда (нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, қора ва рангли металлургия, кимё) ҳисоб – китоблар исталган шаклларида фойдаланишда солиқ идоралари ҳеч бўлмаганда потенциал солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини назорат қилиши мумкин.

Агар бундай бўлмаса, сабабини битимларни ташкил этиш шаклидан излаш зарур бўлади.

Интеграциялашган бизнес – гуруҳлар ичида трансакцияларнинг бошқа шаклларига қараганда даваль ҳисоб – китобларнинг нисбий самарадорлиги икки омилга асосланади. Биринчидан, даваль чизмалар гуруҳ ичидаги оқимлар устидан назорат қилиш учун яхши имкониятлар тақдим этади. Эксперт баҳолашларга кўра, бош компания томонидан холдинг доирасида натурал кўрсаткичларга таянган ҳолда таркибий компаниялар амал қилишини назорат қилиш осон, молиявий кўрсаткичларга асосланмасликнинг сабаби Россия корхоналарининг молиявий ҳисоботи мураккаб ва кўп ҳолларда чалкашдир. Шу сингари даваль битимларни қайта ишловчи корхоналар учун рағбатлантирувчи битим тури сифатида ўрганиш мумкин. Маълумки, вертикал интеграциялашган бизнес гуруҳлар доирасида ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш муаммоси ҳаддан ташқари ўткир бўлиб турибди. Гуруҳ доирасида амал қилувчи корхона мустақил амал қиладиган ва мутлақо бозор трансакцияларидан фойдаланадиган корхонага қараганда харажатларни камайтиришдан камроқ манфаатдордирлар. Шу маънода даваль чизмалар кучли рағбатлантирувчи хоссаларга эга, қайта ишловчи корхоналар «қолдиққа даъвогарлар» сифатида чиқадилар ва ҳом-ашёни энг кам харажатлар билан қайта ишлашдан манфаатдор.

Даваль битимлардан фойдаланишга тортадиган аниқ сабаблардан қатъий назар, Россия иқтисодиётида «Қайта комбинациялашган мулк» тармоғини мустаҳкамлаш уларнинг муҳим натижаси бўлиб хизмат қилади. Давалчи ва қайта ишловчи

корхона ўртасидаги барқарор ўзаро таъсир кейингисининг активларга мулкчилик реал ҳуқуқининг қайта тақсимланишига олиб келади. Уларнинг расмий эгаларидан мулкчиликка ҳуқуқини экспроприация қилиш юз бермоқда. Мулкчилик расмий ҳуқуқини тақсимлашдан қатъий назар, барқарор ва такрорланувчи даваль битимлар амалиёти вертикал интеграция йўли билан ягона фирманинг вужудга келишини билдиради. Бундай фирманинг ҳақиқий чегаралари расмий доиралари билан мос келмайди. Ўтиш даври иқтисодиётида бундай фирмаларни вужудга келтириш йўллари жуда турли-туман ва толлинг Россия ва айрим бошқа МДХ мамлакатлари учун хос бўлган, улардан бирини мужассамлаштиради. Норасмий бирлашмаларнинг ривожланиш истиқболларини баҳолаган ҳолда кўпчилик таҳлилчилар камида улардан бир қисми келажакда акционерлик алоқаларига асосланган ташкилий, расмийлаштирилган бирлашмаларнинг негизи бўлиб хизмат қилишидан келиб чиқадилар. Шу маънода саноат ташкилий таркибининг ривожланишидаги толлингнинг роли капиталистик корхоналарнинг вужудга келишида “Эгилган манфуактура” ролига кўп ҳолларда ўхшайди.

Давал битимлардан фойдаланиш амалиёти кўрсатишича, Россия тадбиркорлари уларнинг ролини пухта, биринчидан, мулкчилик норасмий ҳуқуқи манбаи сифатида ва иккинчидан, расмий ҳуқуқ эгалари учун «рента экспроприацияси» хатари манбаи сифатида тушунадилар.

Реал мулкчилик ҳуқуқларига эга бўлиш ва фирманинг ҳақиқатдаги чегараларини кенгайтириш йўллари сифатида даваль битимларининг чирмашуви бу шартномалар шартларини таклиф этувчи ва қабул қилувчи корхоналарнинг хулқ атворини изоҳлашнинг кўпгина муаммоларини бартараф этади.

Даваль битимлардан фойдаланиш қайта ишлаш корхоналарига келтирадиган зарар тўғрисидаги масалани кўйишнинг ўзи маъносиз бўлиб қолмоқда. Бир қараганда нооқилона танлов натижаси сифатида чиқадиган ва етказиб берувчилар – давалчилар томонидан технологик занжир доирасида

ўз имкониятларидан нотўғри фойдаланиши тўғрисидаги тахминни келтириб чиқариши ҳақиқатда фирма доирасида тузилган бизнес-стратегиянинг амалга ошиши бўлиши мумкин. Қайта ишловчи корхоналар бу фирма доирасида “харажатлар маркази” вазифасини бажаради, айти пайтда бошқа бирликлар “фойда маркази” сифатида чиқади. Ягона назорат маркази мавжуд бўлган шароитда бундай вазият тамоил жиҳатдан меъёрида ҳисобланади, аммо у Россия бизнес-гуруҳлари ичида назорат идентификациясини ва корхоналар амал қилиш самарадорлигини баҳолашни қийинлаштиради.

Мулкчилик ҳуқуқини қайта тақсимлаш шакли сифатида толлинг ролини баҳолаш билан боғлиқ оддий бўлмаган масала турибди. Бир томондан, бу жараённинг ўзи ва у қабул қилаётган, Россия иқтисодиётига объектив равишда хос бўлган шакллардир. Мавжуд институционал шароитларда ҳозиргача активлар устидан назорат ўрнатишнинг “норасмий” усуллари расман бириктирилган мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишнинг амалда муқаррар омили бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, нисбатан узоқ давр ичида мулкчилик реал ҳуқуқлари расман қайд этилмасида, амалга ошиши мумкин. Барқарор даваль битимлар бу усуллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Мулкчилик ҳуқуқи амалга ошиши бундай моделининг самарадорлиги- реал ҳуқуқларини расман қайд этмаган ҳолда улардан фойдаланиш бўлиб, уларни баҳолаш қийин. Бундай моделнинг мумкин бўлган қисқа муддатли самарадорлигига қарамай, кўпчилик тадқиқотчилар узоқ муддатли истиқболда унинг яшовчанлиги шубҳали эканлиги билан келиша оладилар. Ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ҳамда реал мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш воситалари билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Расман бириктириб қўйилган мулкчилик ҳуқуқларига эга бўлмаган ҳолда корхоналар молиявий оқимларини муваффақиятли назорат қилиш мумкинлигига шубҳа йўқ. Россия саноатида кейинги 10 йилларда бунга мисоллар етарли даражада кўп. Расмий ҳуқуқларга эга бўлмаган реал мулкдорлар камида бир неча йилга

ҳисобланган муваффақиятли бизнес – режани амалга ошира олдилар.

Бунинг изоҳи бир қанча йўналишларда ётади. Норасмий назорат воситаларидан фойдаланган ҳолда мулкчиликнинг реал ҳуқуқини амалга ошириш “реал” мулкдорларнинг акция эгалари, компания менежерлари, меҳнат жамоаси, ижроия ҳокимияти органлари, йирик харидорлар ва етказиб берувчилар, турли гуруҳлар ва бошқалар билан ўзаро муносабатларидаги шартлар мураккаб мажмуининг бир вақтда бажарилишини кўзда тутаяди. Бундай вазиятда реал мулкдорлик ҳуқуқини келажақда сақлаб қолиш имконияти ҳар доим ҳам мунозарали эмас, агар принцип жиҳатдан очиқ йўл билан ҳимоя қилиш мумкин бўлса, бундай мулкчилик ҳуқуқи жуда мураккаб. Шу туфайли мумкин бўлган инвестициялардан кутилаётган ютуқлар катта эмас, мос равишда инвестицияларга рағбатлар ҳам катта эмас. Иқтисодий шерикларни мотивлаштириш қисқа муддатли мақсадларга қаратилади, бу охир – оқибат назорат қилинадиган активлардан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсата олмайди.

Шундай қилиб, толлингнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагиларда кўрамиз:

1. Меҳнат ресурслари талабдан кўпроқ бўлган мамлакатларда аҳолининг меҳнат бандлигини яхшилаш, вақтинча фойдаланилмаётган ишлаб-чиқариш қувватларидан унумли фойдаланиш, қайта ишловчи мамлакатларда аҳоли даромадининг кўшимча манбасини яратишда кўринади.

2. Мамлакатлар интеграциясининг ошиши, инвестиция жалб қилиниши, янги технология олиб кирилиши, ишлаб чиқиш учун дастлабки материаллар, ишлаб-чиқарилишининг рағбатлантирилиши, тайёр маҳсулот билан ҳалқаро бозорда қатнаша олмайдиган корхоналарга ташқи иқтисодий фаолият юритиш имкониятининг туғилишини таъминлайди.

3. Иш ҳақи харажатлари паст бўлган мамлакатлар билан рақобатда билиниши мумкин.

4. Толлинг битимини олган мамлакатлар тўлов балансига ижобий таъсир кўрсатилиши, мамлакат саноатлашувининг ўсишида кўриш мумкин.

5. Хорижий фирманинг маҳаллий ҳом-ашёни ишлатишдан манфаатдорлиги маҳаллий саноатни ривожланишига ижобий таъсир қилишлигида наъмаён бўлади. Шу билан бирга, ишлаб чиқувчилар толлингерларга боғлиқ бўлиб қолишлари ҳам мумкин.

Толлингер мамлакатлар учун толлинг оқибатлари кўйидагиларда наъмаён бўлишлиги мумкин:

1. Иш ўринларининг экспортида.

2. Ҳалқаро рақобатнинг ўсиши шароитида мавжуд имкониятдан фойдаланишда.

3. Хорижий мамлакатда ўз позициясини мустаҳкамлаш, янги бозорларга киришда.

4. Толлинг операцияларида қатнашмайдиган корхоналар ўзида рационализация қилишга мажбур бўлишларида.

5. Капитал қуйилмаларсиз арзон тайёр қайта ишлаш базасига эга бўлишда.

6. Қайта ишловчи корхоналар технологик ва иқтисодий томондан толлингерларга боғланиб қоладилар. Қайта ишлашда ишлатиладиган бошланғич материаллар толлингер мамлакатларда ишлаб чиқарилгани учун, бажарувчи корхоналар келгусида потенциал харидорлар бўлиб ҳисобланади.

### **3. Толлинг операцияси- корхонанинг сотиш фаолиятини ривожлантириш йўналиши сифатида**

Бозор иқтисодиёти шаклланган шароитда сотиш функциялари одатда маркетинг функцияларига боғланган бўладики, бунда қуйидаги тамойил асосида иш кўрилади: фақат талаб бўлган маҳсулотгина ишлаб чиқарилади. Бошқа шароитда, хусусан ўтиш иқтисодиёти шароитида, мазкур тамойил етакчилик қилса ҳам унинг мураккаброқ шакли амалда бўлади: фақат бозор талаб қилган ва ресурслар билан таъминланган маҳсулотгина

ишлаб-чиқарилади. Бунда собиқ режали иқтисодиёт даврида кенг тарқалган моддий-техник ресурслар дефицити, эндиликда илгаридек аҳамиятли бўлмай қолади. Ишлаб-чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масаласи “табiiй ҳом-ашёси” тушунчаси билан умулаштириладиган айрим товар гуруҳларгагина таалукли бўлиши мумкин. Бошқа товар гуруҳларига нисбатан эса ресурсларни сотиб олишнинг иқтисодий самараси муаммоси вужудга келадики, уларни ҳал қилиш муқобил йўналишлардаги ҳисоб-китобларни талаб қилади. Чуқурроқ асосланган ёндашув қўлланилганда потенциал етказиб берувчилар доираси фақат ўз мамлакатидаги корхоналари билан чегараланиб қолмайди. Агар хориждан ресурсларни сотиб олиш арзонроқ нархга тушса, етказиб берувчиларни қидириш доираси миллий товар ишлаб-чиқарувчилар бозори чегарасидан чиқиб кетиши, ва агар зарур ресурс ўз мамлакатида ишлаб чиқарилмаса, таъминот масаласи тўлиқ ҳажмда хорижий ҳудудларда ҳал қилиниши мумкин. Бунга ҳалқаро меҳнат тақсимооти, экологик ҳавфсизликни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилиш ёки бошқа бир ҳолатлар сабабчи бўлиши мумкин. Моддий-техник таъминот масаласини ҳал қилишнинг умумиқтисодий ёндашуви шундан иборатдир.

Республика иқтисодиётида мавжуд вазиятнинг хусусияти шундан иборатки, ҳом-ашё етказиб берувчиларни излаш ва улар билан иқтисодий муносабатларга кириш фаолияти, корхоналарда ресурсларни сотиб олишга маблағи йўқлиги билан мураккаблашмоқда. Ишлаб-чиқаришнинг моддий-техника таъминоти муаммоси корхона жорий фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш муаммосидан келиб чиқади. Кўпроқ ушбу ҳолат маҳсулотини сотишга қийналмайдиган, бироқ харидордан маҳсулот учун тўловларни ўз вақтида ололмайдиган корхоналарга хосдир. Бундай ҳолларда одатдаги кредит маблағларига мурожаат қилиш усули мақсадга номувофиқ бўлиши мумкин. Чунки, харидорлари ўз вақтида пул тўламайдиган корхона кредит олиш йўлини тутса, келгусида янада оғирроқ вазиятга тушиб қолиши мумкин. Бунда банк кредитлари фоизлари бўйича харажатларни пул тақчиллигига сабаб бўлаётган харидор корхона зиммасига ўтказиш мумкин

бўлмай, ушбу сарфлар махсулот ишлаб-чиқарувчи корхона зиммасига тушади ва кўшимча харажатлар турини ташкил қилади.

Ишлаб-чиқаришнинг моддий-техник ва молиявий таъминотида замонавий муаммоларнинг комплекс ечими сифатида толлинг операцияларини қўллаш мумкин. Ушбу ечимнинг комплекслиги қуйидагиларда кўринади: Толлинг операциясини қўлламаганда корхона ҳом-ашё ресурсларига ва уни сотиб олиш учун молиявий ресурсларга эга бўлмаслиги мумкин. Ушбу ҳолда толлинг операциясининг қўлланилиши вазиятни тубдан ўзгартириши мумкин: ҳом-ашё ресурсларини буюртмачи толлингер таъминлаб беради, корхона махсулот сотмаса ҳам толлинг хизмат ҳақига эга бўлади ва ушбу маблағни ҳом-ашёни сотиб олишга йўналтириш зарурияти юзага келмайди.

Албатта, ушбу ҳолда ижрочи корхоналар толлингерларга маълум бир даражада қарам бўлиб қолишлари мумкин. Бироқ, бундай қарамликнинг ижобий томонлари ҳам бор:

- ҳом-ашё сотиб олишга маблағ сарфланмайди;
- ишлаб-чиқариш қувватлари самарали ишлатилади;
- тайёр махсулот омборларда туриб қолмайди;
- тайёр махсулотни бозорга олиб чиқиш билан боғлиқ сотиш харажатлари амалга оширилмайди;
- корхона ишлаб-чиқариш фаолиятига кафолатланган талаб туғилади;
- толлинг хизматлари учун олинадиган ҳақ корхонанинг харажатларини қоплайди;
- корхона ходимлари ишсиз қолмайдилар;
- толлингер ижрочи корхона жойлашган ҳудудда унга рақобат қилувчи корхоналарни ташкил қилишга эҳтиёжи қолмайди;
- ижрочи корхона ҳалқаро меҳнат тақсимоотидаги кооперация жараёнига қўшилади;
- корхонанинг харакатсиз ва реклама харажатларисиз, у илгари кира олмаган хорижий бозорларга кириш имконияти туғилади ва махсулот ишлаб чиқарувчи сифатида кенгроқ соҳада танилади;

- толлингёр корхонанинг оладиган техник талаблари, корхонани ўз технологик савияси устида ишлашга мажбур қилади ва толлингёр ҳисобига модернизация қилиш имконияти туғилади;

- ички толлинг схемаси қўлланилганда мамлакат ҳудудидаги ҳом-ашё ишлаб-чиқарувчи корхоналар маҳсулотига талаб кучаяди ва улар билвосита равишда ташқи иқтисодий алоқалар доирасига тортиладилар.

Толлинг операциялари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш учун ундаги сотиш фаолияти хусусиятларини инобатга олиб ўзига хос бошқарув логистик тизимларини вужудга келтириш лозимдир. Бунда толлинг операциялари иштирокчилари ўртасида ташкилий-иқтисодий муносабатлар пайдо бўлади.

Корхоналарнинг толлинг операцияларини амалга оширишдаги маркетинг фаолиятини йўлга қўйишда қуйидаги илмий-амалий йўналишларда изланиш олиб боришга тўғри келади:

- корхонанинг стратегик ривожланиши режасида толлингнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш;

- толлинг операцияларини амалга ошириш учун қандай техник-технологик ва иқтисодий-молиявий механизмларни яратиш лозимлигини белгилаш;

- маркетинг таҳлил қилиш натижасида толлинг операциялари корхонанинг рақобатбардошлигига қандай таъсир қилишини ўрганиш;

- корхона фаолият юритаётган бозорда хўжалик алоқаларининг хусусиятлари, иштирокчилари, кўламлари, имкониятлари ва чекланишларни аниқлаш;

- толлинг хизматларини сотишни ташкил қилишда логистика усулларини қўллаш имкониятларини баҳолаш;

- толлингда сотиш фаолиятини юритишда сотиш тармоғини ва логистик занжирларни шакллантириш.

Толлинг-маркетиннинг хусусияти шундаки, одатий фаолият доирасида товар ишлаб-чиқарувчи ва уни сотувчи сифатида корхонанинг иштирок қилиши ва ўз ўрнига эга бўлиши имконияти деярли йўқ бўлган ташқи бозорларда, аслида потенциал рақобатчи

бўлган компания билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини тиклаш мумкин. Толлинг-маркетингда рақобат моҳияти ва объекти ўзгаради. Эндиликда корхонанинг рақобатчилари унинг хизматларини ёллайдиган истеъмолчиларига айланиши мумкин.

Толлингнинг сотиш фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир хусусияти шундан иборатки, толлингер ижрочи корхона учун бозор доирасида воситачилик вазифасини бажариши мумкин экан<sup>18</sup>:

- воситачи, сотиш вазифасини ўз зиммасига олар экан, корхона ва истеъмолчилар ўртасидаги зарур алоқалар сонини қисқартиради ва корхона маркетинг хизмати ишини осонлаштиради, унга янги буюртмачиларни излашга шароит туғдиради;

- кўпчилик ишлаб-чиқарувчи корхоналар таклифларини умумлаштиради. Бунинг оқибатида, корхоналар махсулот бирлиги таннарх харажатлари пасаяди, воситачининг ўзи бозорда йирик ижрочи(сотувчи) вазифасини ўташи мумкин бўлади;

- товарларнинг йирик партиялари билан ишлайдиган воситачи, уларни гуруҳлаш, ихтиёрий катталиқдаги таклиф партияларини яратиш орқали истеъмолчилар учун қулай таклиф ҳажмларини шакллантириши мумкин. Ваҳоланки, оддий корхона ўзгарувчан бозор шароитида истеъмолчилар кутган ҳажм, ассортимент ва етказиб бериш жадвалларини таъминлай олиши жуда қийиндир. Чунки бунда корхона самарасиз тарзда катта ҳажмда тайёр махсулотини сақлаш ва логистик-транспорт инфратузилмасини ташкил қилишга мажбур бўлади;

- воситачи ишлаб-чиқариш ассортиментини савдо ассортиментига айлантиради ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлади. Оддий корхона бундай имкониятга эга бўлмаслиги ёки лозим фаолиятни юритиш учун қўшимча маблағ сарфлашга аажбур бўлиши мумкин. Чунки ишлаб-чиқаришнинг техник бир жинслилиги, моддий ресурслар таъминоти ва технологик имкониятларидан вужудга келадиган

---

<sup>18</sup> Ламбен Ж.-Ж. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. Пер. с франц. СПб.: Наука, 1996. - 604 с.

ишлаб-чиқариш ассортименти бозордаги рақобатбардош товар ассортиментига мувофиқ келиши қийин;

- одатда воситачи истеъмолчига нисбатан яқин туриб, унинг эҳтиёжларини яхшироқ билади, маҳаллий шароитга тезроқ мослашади, сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматларнинг уддасидан яхшироқ чиқади.

#### **4. Ҳалқаро саноат-ишлаб-чиқариш кооперациясида толлиннинг ўрни**

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, хусусан ҳалқаро ишлаб-чиқаришнинг глобаллашуви ва молиявий-иқтисодий инқирознинг товар ишлаб-чиқарувчилардан эгилувчанлик ва мослашувчанликни талаб қилгани ҳолда ишлаб-чиқариш жараёнининг ўзида кооперация (лат. cooperatio - ҳамкорлик) алоқаларини кенгайтиришни ҳам талаб қилмоқда. Бунда кооперация иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим шаклларида бирига айланиб бормоқда.

Кооперация ишлаб-чиқаришнинг ихтисослашувига боғлиқ бўлади ва ўзига ҳос шаклларга эга бўлади. Хусусан кооперация:

- маълум бир маҳсулотни тўлиқ ишлаб чиқариш мақсадида томонларнинг ҳамкорлигини англантиши мумкин;

- тайёр маҳсулот бошқа жойда ишлаб чиқарилгани ҳолда унга бутловчи қисмларни ишлаб-чиқариш билан боғлиқ ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиши мумкин;

- технологик шаклдаги кооперацияда бир неча ҳамкор корхона ўз ишлаб-чиқаришларининг технологик даражаси ва андозаларини мувофиқлаштирадидлар, маҳсулот сифатига талаб ва сифатни бошқариш менежменти яқинлаштирилади.

Саноат кооперацияси – бу ишлаб-чиқаришларнинг ихтисослашуви асосида маълум бир маҳсулотни биргаликда тайёрлаш билан машғул бўлган бир неча хўжалик юритиш субъектларининг узоқ муддатли ва барқарор хўжалик алоқалари шаклидир. Саноат кооперациясида бир неча ўзаро рақобат қилиши

мумкин бўлган корхоналар эндиликда ўзаро фойдали тарзда ҳамкорлик қиладилар. Бу билан бозорда рақобат йўқ бўлмайди. Балки унинг кўлами ва савияси кучаяди. Яъни, кўплаб майда ва нисбатан заиф рақобатчилар ўрнига, озроқ сондаги, бироқ нисбатан кучли рақобатчилар қоладилар ҳамда бозорда ҳукм сурадиган технологик талаблар кескинлашади.

Кенг кўламлик саноат кооперацияси доирасида иш юритувчи корхоналар учун эндиликда уларнинг ананавий (локал, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий, мамлакат ичи) бозорлари торлик қилиб қолиши мумкин. Бунда корпоратив интеграция тузилмалари янги сотиш, ресурслар ва хизматлар бозорига интиладилар ва уларнинг ҳаракатлари ташқи иқтисодий фаолиятга яқинлашиб боради. Натижада ривожланган саноат кооперацияси ҳалқаро кооперация шаклигача ривожланиши мумкин. Ҳалқаро кооперация бир неча қуйидаги шаклларда ривожланиши мумкин:

1. Ҳеч қандай ташкилий тузилма ҳосил қилмасдан фақат шартнома ёрқали амалга ошириладиган кооперация.

2. Ҳалқаро хўжалик бирлашмалари орқали амалга ошириладиган кооперация.

Саноат кооперацияси уч шаклда намоён бўлиши мумкин:

- илмий техник;
- ишлаб-чиқариш;
- илмий-ишлаб-чиқариш.

Илмий техник кооперация ИТТКИ (илмий тадқиқот-тажриба-конструкторлик ишлари) олиб боришдаги ҳамкорликни англатади. Бунда келишилган меҳнат тақсимооти асосида маълум бир танланган мавзу устида иш олиб борилади.

Ишлаб-чиқариш кооперацияси – бу оммавий ёки серияли маҳсулотни ишлаб-чиқаришда хўжалик юритувчи субъектларнинг узок муддатли алоқаларидир.

Илмий-ишлаб-чиқариш кооперацияси – бу «фан – техника – ишлаб-чиқариш» бутун цикли бўйича барқарор ҳамкорликдир.

Саноат кооперациясида энг асосий жиҳат ишлаб-чиқаришга боғлиқ бўлгани учун, аслини олганда саноат кооперацияси – бу айнан ишлаб-чиқариш кооперациясининг ўзидир.

Ҳалқаро ишлаб-чиқариш кооперацияси турли мамлакатларнинг алоҳида хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида, кўп ҳолларда, материалларни, ҳом-ашёни, асбоб-ускунани, дастурий таъминот воситаларини ва мутахассисларни ўзаро айрбошлаш кўринишида шаклланиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида бир корхонага қарашли ҳом-ашё ёки ярим тайёр махсулотлардан иккинчи корхона тайёр махсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги ўзаро битишувлар тобора кенгроқ ўрин олмоқда. Бундай битишув асосидаги тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш толлинг деб аталмоқда.

## **5. Толлинг операцияларини ташкил қилишда хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Толлинг операциялари анча йиллардан бери ҳалқаро иқтисодий майдонда ишлатилаётган бўлиб, ўзи билан мамлакатларнинг ҳалқаро кооперациясининг шаклларида бирини намоён қилади. Толлинг операцияларининг келиб чиқиши дунёда ишлаб-чиқариш қувватларининг нотекис банд бўлиши ва иш ҳақи даражасида нотекисликларни сабабчидир. Зарур ҳом-ашёларнинг бошқа мамлакатларда мавжуд бўлиши ва шу мамлакатнинг ўзида қайта ишлаш харажатларининг паст бўлиши махсулот ишлаб-чиқарувчилар учун толлинг операцияларини янада жозибадор қилмоқда.

Толлинг асосида буюртмаларни жойлаштириш жараёни XX-асрнинг 70-йилларида Германия ва АҚШда, иш ҳақи даражаси ошиши билан сезиларли даражада жонланиб қолган эди. Шу йилларда жаҳон махсулот бозорида толлинг шартномалари бутун битимлар қийматининг 0,5 фоизини ташкил қила бошлади.

1980-йиллардан бошлаб толлинг операцияларининг ҳалқаро кўлланилиши янада кенгайди. Бунга кўп жиҳатдан транспорт

қувватларининг арзонлашиб қолгани сабаб бўлди. Европада толлинг кенг расм бўла бошладик, Германия корхоналари толлингер сифатида Греция, Португалия, Испания, Югославия, Марокаш, Тунис, Гонконг ва Ҳитой каби давлатларида кўплаб толлинг битимларини жойлаштира бошлади.

1990-йиллар бошларида Шарқий Европа билан чегараларнинг очилиши, АҚШ, Канада ва Мексика ўртасида NAFTA (North American Free Trade Agreement – Шимолий америка эркин савдо зонаси) интеграцион бирлашманинг ташкил қилиниши, Жанубий-Шарқий Осиёдаги иқтисодий экспансия, кўпчилик германия корхоналарининг толлинг буюртмаларини ЕИ мамлакатлари, Югославия ва Гонконгдан шарқий-европа мамлакатларига ўтказиши толлинг схемаларининг гуркираб ривожланишига сабаб бўлди.

АҚШ каби иш ҳақи харажатлари нисбатан юқори бўлган мамлакатларда махсулотни қайта ишлаш учун нисбатан паст иш ҳақи даражасидаги мамлакатларда ўз буюртмаларини жойлаштиришга эҳтиёжи анча олдин сезила бошланган эди.

Янги жаҳон бозорларининг очилиши ва ривожлана бориши, ҳалқаро рақобатнинг кучайиб бориши, 1983 йилдан жаҳон иқтисодиётида кўтарилиш юз бера бошлагани сайин толлинг операциялари кўлами кенгайиб борди. Қайта ишлаш бўйича шартномалар Ғарбий Европа, Шимолий ва Марказий Америка, ҳамда Шарқий Осиёд ҳудудларида нисбатан кўпроқ қўлланила бошланди.

Европа Иттифоқининг қатор мамлакатлари ва шарқий-европа мамлакатлари ўртасида толлинг муносабатлари тобора кучайиб бориши кутилмоқда. Шундай қилиб, толлинг операциялари Шарқий Европанинг иқтисодий ўсишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Иш ҳақи харажатлари паст бўлган мамлакатларда мавжуд муаммолардан бири меҳнат бандлиги муаммоси ва ишсиз қолган ишлаб-чиқариш қувватларининг ишга солинишидир. Ривожланаётган мамлакатлардаги ишсизликнинг юқори даражаси

аҳоли ўсиши суръатлари юқори бўлишидадир. Бироқ, 55 мамлакатда эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият юритиши, қайта ишлашга хорижий буюртмачиларни жалб қилиш орқали мавжуд муаммоларни бир қадар ҳал қилиниши кутилаётганидан далолат беради.

Табиийки, толлинглар ва қайта ишловчилар толлинг операцияларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланадилар. Демакки, ушбу корхоналар мамлакатлари толлинг операцияларини қўллашга ва рағбатлантиришга интиладилар. Натижада ХХІ аср бошига келиб, толлинг операциялари ёрдамида 1 млн. кишининг меҳнат бандлиги таъминлана бошланди. Шарқий Европа мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, толлинг операцияларини бажариш миллий тармоқларнинг ривожлантирилишига олиб келади.

Ҳалқаро амалиётда толлинг операцияларининг амалга оширилиши қайта ишловчи мамлакат ҳудудида ҳом-ашёнинг божхона режимида қайта ишланиши шарти билан боғлиқдир.

Турли мамлакатларда толлинг операциялари учун турли шароит туғдирилган. Хусусан, божхона режимлари ва солиққа тортиш даражалари турлича қўлланилмоқда. Айрим ҳолларда, миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, толлингга нисбатан давлатнинг муносабати ўзгартирилмоқда. Масалан, Ҳитойдаги мис концентратларини қайта ишлаш орқали мис ишлаб-чиқарадиган металлургия комбинатлари 2006 йилгача толлинг операциялари бўйича қўшимча қиймат солиғидан имтиёзларга эга эдилар. Бироқ, 2006 йилдан бошлаб, металлургия комбинатлари вакилларининг ички бозорда талаб анча пасайганлиги ва мис концентратларини қайта ишлаш жараёнининг нисбатан кичик қийматга эга бўлиши ҳақида огоҳлантиришига қарамай солиқдан имтиёзлар тўхтатилган эди. Ҳозирда ХХРда ҚҚСнинг икки ставкаси амалда 10% - рафинацияланган мис экспорти, 13% - мис концентратларининг импортидир. ХХР молия вазирлигининг изоҳлашича, мамлакат ҳудудидан металл маҳсулотлари экспортини камайтириш зарур экан. Ҳозирги вақтда мис концентратларини олиш ва қайта ишлаш хизмат ҳақи тоннасига 45-

47 долларни ташкил этади. Бунда ҳом ашёнинг нарҳи 35 долларни ташкил этади.

Ҳалқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, толлинг схемалари турли мамлакатларнинг кўпчилик тармоқларида кенг тарқалмоқда. Толлинг операциялари ҳалқаро иқтисодий ташкилотлари томонидан расман тан олинган. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) толлингни ҳалқаро меҳнат тақсимоти шаклларида бири сифатида тан олди. Толлинг схемаларига яна бир ёрқин мисол – шакар бозоридаги толлинг операцияларидир. Европа ва АҚШнинг ўзида ўнлаб корхоналар шакар-ҳом-ашёсини қайта ишлаш билан шуғулланадилар.

Толлинг схемаларининг миллий иқтисодиётларга фойда ёки зарар келтириши масаласи жаҳон иқтисодиёт фанида ва ҳукумат доираларида катта баҳсларга сабаб бўлмоқда. Толлинг схемаларининг қўлланилиши бўйича бой жаҳон амалиёти шундан далолат бермоқдаки:

- ҳар доим ҳам катта ижобий самара берадиган универсал толлинг схемалари мавжуд эмас экан;
- толлинг схемалари маълум бир иқтисодий ва техник ҳолатга эга бўлган корхоналар учун кўпроқ самара беради;
- толлинг схемасини қўллашдан олдин батафсил иқтисодий таҳлил ва ҳисоб-китоб қилиниши зарур.

Толлинг схемалари корхонанинг асосий фаолияти учун қўшимча фаолият бўлган ҳолларда ҳам, толлинг шарофати билан ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақиси 20-30 фоизга ортиши мумкинлиги кўп кузатилган.

## **6. МХД давлатларида толлинг операцияларини ташкил қилиш тажрибаси**

МХД давлатлари орасида толлинг Россияда кенг кўламда қўлланила бошланган эди. Россияда толлинг схемалари рангли металлургия, кимё ва енгил саноатида кенг қўлланилади. Россияда толлингнинг пайдо бўлиши, миллий иқтисодиётнинг бозор

муносабатларига ўтиш даври билан боғлиқ бўлган дейиш ҳато бўлар эди. Чунки собиқ СССР саноатининг турли тармоқларидаги вертикал интеграциялашган бирлашмаларининг хўжалик айланмасида, бундай ном қўлланилмаса ҳам, толлинг схемалари амалга оширилар эди. Бунга вертикал интеграциялашган текстил бирлашмалари мисол бўлиши мумкин. Бундай бирлашма таркибига пахта базалари, ип йигирув-тўқув ва қайта ишловчи фабрикалар киритилган эди. Қайта ишловчи корхоналарга ўзлик айланма маблағлар деярли талаб қилинмасди. Пахтани сотиб олишни кредитлаш, мато тўқувчи корхоналар томонидан автомат равишда амалга оширилар эди. Пахтани мавсумда сотиб олиш учун ссудалар ҳар йили бериларди ва махсус ссуда ҳисобига ўтказилар эди. Вақт ўтиши давомида ссуда маблағлари тугаб бориши билан пахта базалари берадиган талабга биноан қўшимча маблағлар, махсус ссуда ҳисобига тўхтовсиз равишда ўтказиб турилган. Қайта ишловчи енгил саноат фабрикаларига асосий ҳом-ашё етказилишини кредитлашга ўхшаш схема билан амалга оширилар эди. Бунда мол етказиб берувчилар қайта ишловчилар билан фақат ҳақиқатда бажарилган иш ҳажми ва корхоналар иқтисодий рағбатлантириш фондларига ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб қилар эдилар. СССР тугатилганидан кейин толлинг муносабатлари йўқолиб кетмади. 80-йиллар охирида катта бўлмаган фирмалар ва кооперативлар йирик ва ўртаҳол давлат корхоналарига қайта ишлаш учун ресурслар бериш амалиёти ривожлана бошланди. Бу қуйидаги сабабларга кўра икки томонлама фойдали эди. Ўша даврларда кўплаб ташкил қилинаётган тижорат фирмалари ва кооперативлар ишлаб-чиқариш қувватларига эга эмас эдилар. Уларнинг бор бисоти кичик ўзлик сармоядан иборат эди. Бир қарашда бу аҳамиятсиз устунлик эди. Бироқ, уларнинг ҳаракатчанлиги ва устама харажатлардан деярли ҳоли бўлиши, уларга янги пайдо бўлган Россия биржаларида ҳом-ашё сотиб олишга катта имкониятлар яратар эди. Ушбу майда фирмаларда ўз асосий воситаларига катта миқдорда капитал қуйилмалар қилиш иштиёқи ва имконияти йўқ эди. Шунинг учун, улар ўз ҳом ашёсини

қайта ишлаш учун ўша даврда мавжуд бўлган давлат корхоналарининг ишлатилмаётган ишлаб-чиқариш қувватларидан фойдаланишдан манфаатдор эдилар. Ушбу даврда давлат корхоналарида айланма маблағлар танқислиги кучли эди. Чунки, улар турли фондларга ажратмалар қилишга мажбур эдилар ва уларнинг ортиқча маблағлари юқори ташкилотлар томонидан олиб қўйилар эди. Натижада, эркин пул маблағлари дефицити вужудга келган эди. Бундан ташқари 90-йиллар охирига келиб, Россия корхоналарига ҳом-ашё ресурслари етишмай қола бошлади. Бу кўп жиҳатдан, собиқ СССР республикалари ўртасидаги эски хўжалик алоқалари асосида ётган вертикал-интеграциялашган ишлаб-чиқариш занжирининг бузилиши сабабли рўй берди. Оқибатда ишлаб-чиқариш қуваатлари ишсиз қола бошлади, ишлаб-чиқариш ҳажмлари тушиб кетди ва корхоналар бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитида эркин ва мустақил фаолият юритишга мажбур бўлдилар. Россияда бу вазият енгил саноатда кучлироқ намоён бўлиб, толлинг схемалари илк бора айнан тикув ва трикотаж махсулотларини ишлаб-чиқаришда қўлланила бошланди.

Толлинг ривожланишининг кейинги босқичлари Россия иқтисодиётининг турли тармоқларига толлинг амалиётининг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Бунда Россия ҳом-ашёси хорижий компаниялар томонидан қайта ишланиши ҳамда маҳаллий ҳом-ашёнинг хорижга олиб чиқиб қайта ишлаш схемалари кенг тарқалди. Енгил саноат билан бирга толлинг операциялари шакар ишлаб-чиқариш тармоғида ҳам қўлланила бошланди.

Металлургия соҳасида толлинг, биринчи бўлиб, алюминий ишлаб-чиқаришда қўлланила бошланди. Толлинг операциялари асосан хорижий ва маҳаллий ҳом-ашёларни Россия корхоналарида қайта ишлаш ва кейинчалик тайёр махсулотни хорижий мамлакатларга олиб чиқиш билан боғлиқ бўлди. Алюминий тармоғида толлингнинг раванқ топишига сабаб - божхона йиғимлари ва солиққа тортишда сезиларли имтиёزلарнинг мавжуд бўлишидир. Шунинг учун, айрим йилларида толлинг схемалари жами бирламчи алюминий ишлаб-чиқариш ҳажмининг 90

фоизигача ташкил қила бошлади. Натижада, Россияда толлинг схемалари орқали катта пул оқимлари ўтган бўлиб, уларнинг энг катта қисми хорижий мижозлар буюртмаси бўйича алюминий ҳом-ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган. 1996 йилгача Россияда фақат ички толлингга рухсат берилган эди. 1996 йилдан эса ички толлинг ҳам божхона назорати остида қайта ишлаш режими бекор қилинди. Толлингнинг миллий иқтисодиёт учун фойдаси ёки зарари кенг муҳокама қилина бошланди. Айрим мутахассисларнинг фикрича толлинг ноқонуний даромадларни яширишга имконият берар экан. Масалан, трейдерларнинг бир гуруҳи алюминий нарҳини кескин пасайтиришга ва шу вақтнинг ўзида глиноземнинг нарҳини кўтаришга муваффақ бўлдилар. Натижада, металлургия заводлари ўз ишлаб-чиқариш харажатларини қоплашга қодир бўлмай қолдилар ва банкротлик ёқасига келиб қолдилар. Кейинчалик уларнинг барчаси офшор зоналаридаги трейдерлар томонидан паст нарҳларда сотиб олиндилар. Бунда А8 маркали алюминийнинг нарҳи сунъий равишда тоннасига 2200 АҚШ долларидан 1100 АҚШ долларигача ноҳалол биржа ўйини орқали тушириб юборилган холлар ҳам бўлган эди.

Шу билан бирга, мавжуд қаршиликларга қарамай толлинг амалга оширилиши давом этмоқда. Чунки, ундан олинадиган фойда ҳам катта бўлмоқда. Металлургия заводлари ҳом-ашёсиз қолаётганлари йўқ, айланма маблағлари тўлдириб борилмоқда, хизмат ҳақи ўз вақтида тушмоқда, кредит олиш бўйича муаммолар йўқ, иш ҳақи ўз вақтида тўланмоқда. Умуман олганда толлинг алюминийни тўғридан-тўғри экспорт қилишдан кўра анча фойдали бўлмоқда. Бундан ташқари, алюминий заводлари жойлашган худудлардаги маҳаллий хокимиятлар ушбу корхоналарнинг барқарор ишлашларидан манфаатдордирлар.

Бир вақтнинг ўзида, толлинг операциялари металлургиянинг бошқа соҳаларида ҳам ривожлана бошланди. Ўз вақтида ишлаб-чиқариш қувватлари етишмаслиги сабабли, иссиқ ишловдан чиққан пўлатни совуқ ишловли лист ишлаб чиқаришга қайта ишлаш бўйича ташқи толлинг асосида хорижий мамлакатларга буюртма

берила бошланди. Ҳозирги пайтда толлинг қишлоқ хўжалигида ҳам, хусусан, комбикорм ишлаб-чиқариш, сутни қайта ишлаш, тухумни қайта ишлаш в.б. соҳаларда қўлланилмоқда.

Айрим ҳолларда толлинг схемалари самарасиз равишда қўлланилгани воқеаларига ҳам мисоллар бор. Хусусан, Беларусь давлатининг фабрикаларида толлинг асосида пахта ҳом-ашёсини қайта ишлаш зарар келтирган экан. Беларусь давлатининг енгил саноати корхоналарида 2000-2001 йилларда 6 млрд. БР (беларус рубли) даражасида зарар кўрилган. Шу билан бирга, кўпчилик Беларусь корхоналари учун толлинг схемалари банкротлик ҳолатига тушиб қолмасликнинг ягона усули бўлиб қолмоқда. Масалан, 2008 йилда Баранович пахта-толеси ишлаб-чиқариш бирлашмасининг кредиторлик қарзи – 16,5 млрд.БР, етишмаётган айланма маблағларга эҳтиёж – деярли 32 млрд.БРни ташкил этган. Агар Баранович комбинатига толлинг схемаларини амалга ошириш таъқиқланса корхона 2-3 ой давомида тўхтаб қолиши мумкин экан. Айланма маблағлар билан кам таъминланганлик ва ҳом-ашё базасидаги дефицит – Беларусьнинг кўпчилик енгил саноати корхоналарининг асосий муаммоларидир. Ҳукуматлараро савдо битими сабабли 1997 йилгача Беларусьга пахта толеси Ўзбекистондан муаммосиз келтирилар эди. Ҳозирда эса ҳом-ашё билан таъминлаш муаммосини корхоналарнинг ўзлари ҳал қилишлари лозим бўлиб қолди. Ҳозирда Беларусь корхоналари ҳар йили 5 млрд. долларлик пахта ҳом-ашёсини Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистондан сотиб олмоқдалар. Туркманистонда ҳам юқори навли пахта ҳом-ашёси етиштирилади. Бироқ, “оқ олтин” экспортида муҳим бўлган Туркманистон давлат товар-ҳом-ашё биржаси маълум бир шартларни қўймоқда. Ушбу шартларга кўра пахта ҳом-ашёсининг минимал сотиб олиш партияси 1000 тонна ўрта толали пахта ёки 700 тонна ингичка толали пахта бўлиши лозим экан. Бу эса бир партиянинг нархини 1 млн. АҚШ долларида анча катта қилади. Оқибатда Беларусь корхоналари учун Туркманистон пахтаси – деярли етишиб бўлмайдиган ресурс бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида толлинг келишувлар сингари вертикал келишувлар – хусусан, агросаноат соҳасида тарқалган ресурсларни тежовчи битимлар – айнан ташқи трансакцион харажатларни пасайтириш учун қўлланилади. Бироқ бу харажатлар толлинг битимларда қатнашувчи иқтисодий шериклар харажатида фарқланади. Ресурсларни таъминловчи битим соф иерархик ва соф бозор координацияси ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайдиган мувофиқлаштиришнинг гибрид шаклини ўзида мужассамлаштиради. Гибрид координациядан фойдаланиш кам трансакцион харажатли сифат назорати муаммосини ҳал қилиш имконини беради. Шу мақсадга эришиш учун соф бозор битими доирасида ҳам мумкин – келтирилган мисолда завод узок муддатли битимда олинаётган хом ашё сифатида талабларни келишиб олиши мумкин. Бироқ битимларнинг мажбурий тўлиқмаслиги ва корхона томонидан махсус инвестициялар зарурлиги туфайли томонларнинг трансакцион харажатлари бозор битимлари доирасида жуда юқори бўлади, натижада мувофиқлаштиришнинг гибрид шакли афзал бўлиб қолади.

Бозор битимлари самарадорлигини камайтирадиган трансакцион харажатлар, толлинг битимларда бошқача келиб чиқишга эга бўлиши тўғрисида, даваль хом ашёдан ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг хусусиятлари ўзгача эканлигидан далолат беради. Бу устувор равишда стандартлаштирилган махсулотлар бўлиб, уларга татбиқан сифат назорати муаммоси ўткир эмас. Толлинг битимлардан кенг фойдаланишга уриниш кам стандартлаштирилган махсулотлар-пиломатериаллар, колбаса махсулотлари, текстил буюмларини ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилган бўлсада – бу амалиёт кенг тарқалишига эга бўлмади. Бундан ташқари, айрим далиллар толлинг хом ашёдан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилаётган махсулот ва бутун қайта ишлаш корхонаси ишлаб чиқариш фаолиятининг мураккаблик даражаси ўртасидаги ўзаро алоқалар тўғрисида гувоҳлик беради. Текстил соҳаси менежерларининг гувоҳлик беришича, толлинг хом ашёсидан ишлаб чиқарилган махсулотнинг катта қисмини ишлаб чиқарган

корхоналарда турли-туманликнинг йўқолиб бориши ва унинг маълум даражада емирилиши, янада оддийроқ махсулот ишлаб чиқаришга ўтиш муқаррар равишда юз беришини таъкидлашади.

Бу далиллар толлинг битимлар трансакцион харажатларининг тежалишини таъминлайди. Бу харажатлар корхоналарнинг энг оддий мажбуриятларининг бажарилиши билан боғлиқ. Даваль битимлардан фойдаланиш хом ашё етказиб берувчиларга тўлай олмаслик хатаридан қутилиш имконини беради. Унинг маркетинг операцияларини юқори даражада қайта ишланадиган махсулотлар бозорида жойлаштириш хом-ашё етказиб берувчи учун трансакцион харажатларни камайтиришнинг бошқа омили бўлиб хизмат қилади. Толлинг хом ашёдан ишлаб чиқариладиган барча махсулотлар хом ашёнинг ўзига қараганда юқорироқ ликвидлилик билан тавсифланади. Юқори даражада қайта ишланадиган махсулотни сотадиган фирма рента чегирмасининг камроқ хатарига дуч келади. Шундай қилиб, толлингер учун ташқи трансакцион харажатларни камайтириш манбалари мавжуд бўлади.

Турли мамлакатларда толлинг битимларига иқтисодий сиёсатнинг турли чоралари қўлланилмоқда. Шу билан бирга, уларни бирлаштирувчи умумий белгиси ҳам бор. Ташқи толлингда «қайта ишлаш» божхона режими асосида мамлакатга олиб кириладиган моддий ресурсларидан божхона йиғимлари ва ҚҚС олинмайди.

Ички толлингни олганимизда, бир неча фарқларни кўрамиз. Россияда хорижий фирма хом-ашё сотиб олса, ҚҚСга тортилмайди, Европа иттифоқида сотиб олинадиган хом-ашё мажбурий тарзда ҚҚСга тортилади. Бундан ташқари кўпчилик мамлакатлар хорижий толлингерлар учун солиқдан имтиёзларни қўллайдилар.

Ушбу бўлим якунида хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

- толлинг хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг шундай турики, унда хом-ашё эгаси уни қайта ишловчи корхонага беради ва тайёр махсулот кўринишида қабул

қилиб олади ва қайта ишловчи корхонага у сарфлаган харажатларни қоплаб беради ҳамда олдиндан келишилган даромадлилик фоизини тўлайди. Толлинг замонавий жаҳон иқтисодиётида ишлаб-чиқариш корхоналарининг халқаро кооперациясининг муҳим турига айланиб бормоқда;

- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва кескинлашган рақобатчилик муҳитида корхоналар яшовчанлигини мустаҳкамлаш бўйича кучайтирилган талабларни қўя бошлади. Бундай ҳолатда айланма маблағларининг етишмаслиги оқибатида, ўз ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконияти кам бўлган корхоналар учун толлинг операцияларидан фойдаланиш қўшимча имкониятлар яратади;

- жаҳон амалиёти толлинг операцияларининг толлингер ва қайта ишловчи корхоналар учун ўзаро фойдали шаклдаги ҳамкорлиги эканлигини исботламоқда.

## **7. Ўзбекистон Республикасида толлинг операцияларини амалга оширишнинг институционал асослари**

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятининг институционал асослари, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ шакллантирила бошланган эди. Хусусан, толлинг операциялар билан боғлиқ амалларнинг меъёрий тартибга солиниши юзасидан бир қанча қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига биноан<sup>19</sup>, Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, "божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар қайта ишлаш махсулотлари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб

---

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 25.12.2007 йилда тасдиқланган, 215-модда.

чиқиладиган бўлса, ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

"Божхона ҳудудида қайта ишлаш" божхона режимига жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича бажарилган ишларга (кўрсатилган хизматларга), агар кейинчалик қайта ишлаш махсулотлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ "эркин муомалага чиқариш" режимига жойлаштириладиган бўлса, белгиланган ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига биноан<sup>20</sup>, товарларни қайта ишлашга қуйидагилар киради:

- товарларни бевосита қайта ишлаш ёки уларга ишлов бериш, шу товарларнинг ва фойдаланилаётган бошқа товарларнинг йўқоладиган ўзига хос хусусиятларини қайта ишлаш махсулотларида сақлаб қолган ҳолда;

- янги товарларни тайёрлаш, шу жумладан товарларни уларнинг асосий хусусиятларини қайта ишлаш махсулотларида сақлаб қолган ҳолда монтаж қилиш, йиғиш ёки қисмларга ажратиш;

- товарларни таъмирлаш, шу жумладан уларни тиклаш, янгилаш ва тартибга келтириш, уларнинг шикастланган ёки эскириб қолган таркибий қисмларини (элементларини) алмаштириш ёки тиклаш, шунингдек, нуқсонларини бартараф этиш;

- товарларни қайта ишлашга ёрдам берадиган ёхуд бундай ишни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш.

Айрим товарларга нисбатан қайта ишлаш режимидан фойдаланишга доир чекловлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон ҳудудида толлинг операцияларини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (Толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом»дир<sup>21</sup>. Низом «Ўзбекистон

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, 26.12.1997 йилда тасдиқланган, 30-модда.

<sup>21</sup> «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (Толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш

Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди. Низомга биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш бўйича операциялар (матн давомида “қайта ишлаш бўйича операциялар”) деганда Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий шахслар билан:

- товарларни қайта ишлаш ва уларга ишлов беришга;
- товарларни таъмирлашга, шу жумладан уларни тиклаш ва тартибга келтиришга;
- товар тайёрлашга, шу жумладан монтаж қилиш, йиғиш ва бошқа товарларга мослаштиришга;
- қайта ишлашга ёки уни осонлаштиришга ёрдам берадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланишга доир операцияларни амалга оширишга йўналтирилган фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида қайта ишлаш вақтида хорижий товарлардан белгиланган тартибда уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламаздан ва олиб кириш чоғида тўланган импорт божлари ва солиқларни қайтарган ҳолда божхона ҳудудида қайта ишлаш учун фойдаланилади, бунда қайта ишлаш махсулотлари божхона ҳудудидан ташқарига экспорт режимида олиб чиқилиши керак.

Божхона назорати остида қайта ишлаш вақтида хорижий товарлардан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида белгиланган тартибда уларни божхона назорати остида қайта ишлаш учун бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлламаздан фойдаланилади, кейин қайта ишлаш махсулотлари

эркин муомалага чиқариш режимига ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилади.

Иқтисодий сиёсат чоралари деганда товарлар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни чеклашлар тушунилади, уларга квоталаш, лицензиялаш, шунингдек, республика иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан ўзаро ҳамкорлигини тартибга солишнинг бошқа чоралари киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қайта ишлаш бўйича операцияларни ўтказиш учун белгиланган махсус товарларни олиб кириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Низомга мувофиқ толлинг шартномаларида қуйидагилар кўзда тутилиши мажбурийдир:

- қайта ишлаш учун хорижий товарнинг қиймати ва миқдори;
- қайта ишлашда фойдаланиладиган мамлакатимиз ҳом ашёси ва материалларнинг қиймати ва миқдори;
- тайёр махсулотнинг қиймати ва миқдори;
- қайта ишлаш қиймати;
- қайта ишлаш муддатлари;
- тайёр махсулотни олиб чиқиш муддатлари;
- валюта тушумининг бир қисмини ваколатли банкка мажбурий равишда сотишнинг шартлари, шакллари, тўлаш ва амалга ошириш муддатлари;
- ЭАВ (эркин айрбошланадиган валюта)да белгиланадиган шартнома суммаси;
- тарафларнинг хоҳишига қараб бошқа шартлар.

Тузилган шартнома ваколатли банкка ва Ўзбекистон Республикасининг божхона органларига белгиланган тартибда импорт битими паспортини расмийлаштирмасдан ҳисобга қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари асосида тузилган шартномалар, ҳукуматлараро битимлар Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатга олиниши керак.

Қайта ишлаш учун олиб кириладиган хорижий товарнинг божхона расмийлаштируви “божхона ҳудудида қайта ишлаш” ёки “божхона назорати остида қайта ишлаш” божхона режимларида амалга оширилади.

Товарларнинг божхона расмийлаштируви тегишли ҳудудий божхона органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш билан амалга оширилади:

1. Божхона юк декларацияси.

2. Шартнома (шартнома, келишув).

3. Қайта ишлаш учун товарларга илова қилинадиган транспорт ва товар ҳужжатлари (юкхатлар, коносаментлар, спецификациялар, ҳисобварақ-фактуралар ва ҳоказолар).

4. Қайта ишлашга лицензияларнинг кўчирма нусхаси.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, божхона қиймати декларацияси, ваколатли органлар рухсатномаси, мувофиқлик, келиб чиқиш сертификатлари ва ҳоказолар тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни қайта ишлаш божхона органи белгиладиган муддатларда, товарларни қайта ишлаш жараёни ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини тасарруф этиш қанча давом этишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқиш миқдори шартнома билан белгиланади. Бунда божхона органлари божхона мақсадларида товарларни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўладиган қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқишнинг мажбурий миқдорини белгиланган тартибда аниқлашлари мумкин.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарилган товарларни қайта ишлаш маҳсулотларига алмаштириш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш ва божхона назорати остида қайта ишлаш божхона режимларида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъекти Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг лицензияларини олиши

лозим бўлади. Лицензиялаш тартиби қонун ҳужжатлари томонидан белгиланади.

Товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш ва божхона назорати остида қайта ишлаш учун лицензия қуйидаги ҳолларда берилади, агар:

- олиб кирилган товарлар қайта ишлаш маҳсулотларига қиёслана оладиган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланадиган ҳоллар бундан мустасно;

- қайта ишлаш Ўзбекистон товарларини қайта ишлаш маҳсулотлари кўринишида олиб чиқишга ёки ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишга имкон берса;

- божхона органлари томонидан белгиланиши мумкин бўлган божхона иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга доир бошқа талаблар бажарилса.

Лицензия берганлик учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда йиғимлар ундирилади.

Қайта ишлашни амалга ошириш вақтида калькуляцияга биноан, шартномада назарда тутилган қайта ишлаш қиймати даромад ҳисобланади. Қайта ишлаш шартномалари бўйича хорижий валютада келиб тушган тушумдан белгиланган тартибда мажбурий сотиш амалга оширилади. Қайта ишлаш бўйича операцияларга доир мажбурий сотиш миқдори калькуляцияга биноан, шартномада назарда тутилган қайта ишлаш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади (ҳисоб-китобларни амалга ошириш шаклидан қатъий назар).

Шунингдек, Низомда тайёр маҳсулотларни олиб чиқиш шартлари ҳам аниқланган. Хусусан, Пул маблағларини тўлаш шarti билан шартномалар бўйича “экспорт” божхона режимида қайта ишлашдан сўнг тайёр маҳсулотни олиб чиқиш экспортчи-корхонага хизмат кўрсатадиган ваколатли банкнинг қайта ишлаганлик учун хорижий валютада келиб тушган маблағларнинг сана ва суммалари кўрсатилган маълумотномаси, олиб кириладиган маҳсулотга ҳақ тўлаш шартлари бўлган шартномалар бўйича эса -

олиб кириладиган махсулотнинг ўзаро ҳисоб-китоблари амалга оширилганини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжуд бўлганида амалга оширилади.

Божхона органлари томонидан белгиланган тартибда тегишли ваколатли банкларга боғхона юк декларацияларининг реестрлари тақдим этилади.

Ваколатли банклар ва боғхона органлари томонидан шартномаларни ҳисобдан чиқариш, шартнома тузган тарафлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тугалланганидан кейин ва валюта тушумининг бир қисми ваколатли банкга белгиланган тартибда мажбурий равишда сотилганидан сўнг амалга оширилади.

Қайта ишлаш бўйича операциялар, Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни кўриқлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш билан амалга оширилиши керак. Қайта ишлаш бўйича операцияларни амалга ошириш тартибини бузганлик, қайта ишлаш учун олиб кирилган хорижий товарлардан фойдаланиш шартларига риоя қилмаганлик, шунингдек, боғхона тўловларини ўз вақтида ва тегишли тарзда амалга оширмаганлик учун ариза берувчи жавоб беради. Боғхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузиш тўғрисидаги ишга доир қарор устидан унга нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг вакили ёки адвокати қонунда белгиланган муддатларда юқори турувчи боғхона органига (мансабдор шахсига) ёки боғхона органи жойлашган жойдаги судга шикоят қилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарда толлинг операцияларини ривожлантириш бўйича қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Боғхона кодексининг товарларни қайта ишлаш масалаларига оид қоидалари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.08.2004 йилдаги 398-сон Қарорида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

- қайта ишлашнинг божхона режимларига жойлаштириладиган товарларни қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асосларини келишишга;

- божхона худудидан ташқарида товарларни қайта ишлашнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беришга;

- манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига айрим товарларга нисбатан қайта ишлашнинг божхона режимидан фойдаланишга чекловларга доир таклифлар киритишга вакил қилиниши белгилангандир.

Ушбу Қарорда агар товарлар ва уларни қайта ишлаш махсулотлари:

- товарларни қайта ишлаш тижорат хусусиятига эга бўлмаган;

- товарларни таъмирлаш қайта ишлашнинг мақсади ҳисобланган;

- бир шартнома бўйича қайта ишланадиган товарларнинг божхона қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан ошмаган ҳолларда, айти бир божхона органига тақдим этилганда, қайта ишлаш жараёнининг техник-иқтисодий асослари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишилиши талаб этилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.10.2005 йилдаги 5-сон баённомасида<sup>22</sup> "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси нефтни қайта ишлаш заводларининг ишлаб чиқариш қувватларини иш билан оқилона таъминлаш даражасини ошириш, шунингдек, компаниянинг хизматлари экспортини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига толлинг асосида ҳом-ашёни қайта ишлашни кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклиф киритишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

---

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришжараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазибаларнинг амалга оширилиши тўғрисида»20.10.2005 йилдаги 5-сон баённомаси.

## **8. Толлинг операцияларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш усуллари**

Корхонада толлинг операцияларини амалга оширишда турли ёндашувларни қўллаш мумкин. Бунда айти бир корхонанинг молиявий ҳолати, стратегик мақсадлари ва техник-технологик жиҳозланишига энг мос келувчи ёндашувнинг қўлланилиши унинг самарадорлигининг ошишига олиб келади. Бироқ шуниси муҳимки, корхона ўз олдига қўядиган мақсадлари (самарадорлик меъзони учун негиз), объектив равишда, қўлланиладиган ёндашувдан мустақил бўлиб, ушбу ёндашувлар аслида толлинг самарадорлиги меъзонларини аниқлай бера олмайди. Толлинг операцияси самарадорлигининг баҳолов тизими, бошқарув тизимининг характеридан қатъи назар ўтказиладиган таҳлилга асосланмоғи лозим. Молиявий таҳлил усули ана шундай таҳлиллардан биридир.

Корхонанинг асосий мақсади - соф фойда олиш бўлгани учун унинг молиявий натижалари ва даромадлигининг таҳлили бошқарув тизимининг самарадорлигини баҳолашда асосий усуллардан биридир. 8.1-жадвалда фаолият самарадорлиги рентабеллик даражасига боғланган бўлиб, унда корхона бошқарув тизимининг асосий бошқарув объектлари қандай бошқарилаётгани, асосий ишлаб-чиқариш фаолияти даромадлими, активлардан унумли фойдаланиляптими, мулкдорлар ишониб топширган инвестициялар кутилган даромадлиликни таъминлай оладими, деган саволларга жавоб беради. Толлинг операцияларининг корхона учун самараси, толлинг қўлланилмаган ҳолдаги корхонанинг умумий рентабеллиги билан толлинг қўлланилган ҳолдаги корхона рентабеллик даражасига солиштириш орқали аниқланиши мумкин. Бунда толлингнинг икки турдаги таъсирини алоҳида таҳлил қилиш катта амалий аҳамиятга эга:

- толлинг операцияси қандай қўшимча соф фойда бермоқда;
- толлинг қўлланилиши натижасида корхона ресурслари жалб қилиниши сабабли қандай соф фойдадан воз кечилмоқда.

**Корхона молиявий натижалари ва даромадлигининг таҳлилий  
коэффициентлари<sup>23</sup>**

<i>Коэффициент</i>	<b>Ҳисоблаш усули</b>	<b>Мохияти ва вазифалари.</b>
Сотиш рентабеллиги	Соф фойда ----- Сотишдан олинган соф даромад	Сотиш ҳажмида фойданинг улушини акс эттиради. Фойда меъери баҳо белгилаш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишнинг асосий мезони бўлиш билан бирга ундан асосий фаолият самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида ҳам фойдаланилади. Шунингдек мулк эгаларига улар томонидан амалга оширилган инвестициялар таваккалчилигини қоплаш учун менежерлар томонидан етарлича фойда олиш таъминландими ёки йўқлигини кўрсатади.
Активлар рентабеллиги	Соф фойда ----- Активларнинг ўртача қиймати.	Молиялаштиришнинг келиб чиқиш манбасидан қатъий назар, компания томонидан ишлатилаётган капиталнинг фойда келтириш умумий қобилиятини ифодалайди. Аввалги қабул қилинган инвестициявий қарорларни баҳолашда фойдаланилади.
Хусусий (ўзлик) капитал рентабеллиги	Соф фойда ----- ўзлик капиталининг ўртача қиймати.	Ушбу кўрсаткич мулкдорлар томонидан инвестиция қилинган капиталдан фойдаланиш орқали менежерлар томонидан эришилган даромадлилик даражасини ифодаловчи кўрсаткич. Бунда мулк эгалари олинган даромадларини жойлаштириш, яъни қандай қисмини дивидендларга ва қандай қисмини қайта молиялаштиришга сарфлашга қизиқиш уйғонади. Шунинг учун ўз капитали фойдалилигини узоқ келажакда ҳам максимал оширишни таъминлаш компания раҳбариятининг асосий вазифаларидан биридир.

Корхона иш фаолиятини тавсифлайдиган яна бир гуруҳ кўрсаткичлар – бу корхона иш фаоллиги кўрсаткичларидир. Уларни қўллашдан мақсад – толлинг операциялари натижасида корхона

<sup>23</sup> Гиляровская Л.Т. А.А.Вехорева. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. - СПб.: Питер. 2003

активларидан фойдаланиш унумдорлиги қай даражада ўзгаришини кўришдир. Корхона иш фаоллиги алоҳида бошқа коэффициентлар билан топилади (8.2-жадвал).

8.2-жадвал

**Корхонанинг иш фаоллигини таҳлил қилиш коэффициентлари<sup>24</sup>**

№	Коэффициент	Ҳисоблаш усули	Моҳияти
1	Активларнинг айланувчанлиги	Даромад ----- Ҳисобот давридаги активларнинг ўртача қиймати	Мавжуд инвестиция даражаси ва активлар таркиби билан компаниянинг даромад олиш салоҳиятини ифодалайди.
2	Асосий воситаларнинг айланувчанлиги	Даромад ----- Ҳисобот давридаги асосий воситаларнинг ўртача қиймати.	Асосий воситаларга инвестиция жалб қилинган капиталнинг даромад келтиришини баҳоловчи кўрсаткич сифатида фойдаланилади
3	Дебитор қарзларининг айланувчанлиги (кунларда)	Ҳисобот давридаги дебиторлик қарзларнинг ўртача суммаси ----- бир кунлик даромад (Д:360)	Компания томонидан истеъмолчиларнинг қарзини неча кунда йиғиб олинишини, яъни дебиторлик қарзини пулга айланиш кунларини кўрсатади.
4	Захираларнинг айланувчанлиги.	Ҳисобот давридаги захираларнинг ўртача қиймати ----- бир кунлик даромад (Д: 360)	Мавжуд захираларнинг миқдори ва зарур таркиби билан ўртача ҳажмда маҳсулот сотиш кунларини кўрсатади. Агар захира даражаси кам бўлса дефицит ҳосил бўлади, кўп бўлса айланма маблағлар суммаси ошиб кетади.
5	Айланма маблағлар айланувчанлиги (кунларда)	Ҳисобот давридаги айланма маблағларнинг ўртача қиймати ----- бир кунлик даромад (Д:360)	Айланма маблағларнинг ўртача айланиш кунлари, яъни ҳом-ашёнинг тайёр маҳсулот бўлиб сотилиши ва пулга айланишигача кетган вақт.

<sup>24</sup> Ефимова О. В. Финансовый анализ.- М.: "Бухгалтерский учёт". 2002.

Толлинг операцияларини амалга оширишдан асосий мақсадлардан бири – корхонага етишмаётган айланма маблағлар қўшимча манбасини вужудга келтириш ва корхона тўлов қобилиятини мустаҳкамлашдир. Корхонанинг тўлов қобилияти- бу:

8.3-жадвал

**Корхонанинг ликвидлик коэффицентлари<sup>25</sup>**

№	Коэффи- циент	Ҳисоблаш усули	Моҳияти
1	Қоплаш коэффи- циенти	Жорий активлар ----- жорий мажбуриятлар	Компаниянинг жорий мажбуриятларни тўлаш қобилиятини ,айланма маблағлар билан таъминланганлик даражасини кўрсатади. Коэффицент 1 дан кичик бўлса, жорий мажбуриятлар активдан кўпдир.
2	Мутлоқ ликвидлик коэффицен- ти	Ликвидлик активлар (пул маблағлари + қисқа муддатли қўйилмалар ) ----- Жорий мажбуриятлар	Компаниянинг қисқа муддатли қарзларини яқин орада пул маблағлари билан қай даражада тўлай олишини кўрсатади. Ликвидли активлар ўз ичига пул маблағлари ва осон сотиладиган қимматли қоғозларни ва айрим ҳолларда дебиторлик қарзларини олади. Коэффицент миқдори 1,0 дан кичик бўлса пул маблағлари ва бошқа лик- видли активлар жорий мажбуриятларни тўлаш учун етарли эмас.
3	Қисқа муддатда ликвидлик коэффицен- ти	Пул маблағлари +Қисқа муддат- ли молиявий қўйилмалар + ҳисоблашишлар ва б.молиявий қўйилмалар ----- Жорий мажбуриятлар	Қисқа муддатли мажбуриятларни нафақат пул маблағлари ва қисқа муддатли қўйилмалар ҳисобига, балки дебиторлардан тушиши кутилаётган пул маблағлар ҳисобига ҳам тўлаш имкониятини баҳолайди. Тавсия этиладиган миқдори: 0,7- 0,8.

<sup>25</sup> Пястолов С.М. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия.- М.:Издательский центр <<Академия>>. 2002.

- Компаниянинг барча кредиторлар томонидан бир вақтда қўйилган тўлов талабномаларини бажаришга қанчалик тайёр эканлигини кўрсатади;

- Компанияда қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш билан бир вақтда махсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёни узлуксизлигини таъминлаш учун етарли пул маблағлари мавжудлигини кўрсатади.

Шунинг учун, корхонанинг қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларини бажара олмаслик таваккалчилиги даражасини кўрсатувчи ликвидлик коэффициентлари (8.3-жадвал) бошқарувнинг молиявий фаолиятдаги маҳоратини, хусусан, толлинг операциялардан оқилона фойдалана олиш қобилиятини кўрсатади. Бундан ташқари, молиявий қарамлик даражасини таҳлил қилиш ҳам қўшимча ахборот бериши мумкин.

## **9. Толлинг операциялари ёрдамида корхона активларини бошқариш самарадорлигини ошириш**

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини замонавий бозор муносабатлари асосида қайта қуриш учун амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири, иқтисодиётнинг реал соҳалари корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш учун шароит туғдириш ва корхоналар яшовчанлигини ошириш ҳисобланади. Бироқ, кўп укладли иқтисодиётни бунёдга келтириш йўлида эришилган ютуқларга қарамай, миллий иқтисодиёт корхоналарида ресурслардан унумли фойдаланиш ва активларни оқилона бошқариш савияси паст бўлмоқда.

Охириги йилларда кечаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози йирик корпоратив тузилмалар фаолиятини сақлаб қолиш ва кескинлашган рақобатчилик муҳитида уларнинг яшовчанлигини мустаҳкамлаш бўйича кучайтирилган талабларни қўя бошлади. Яъни, гап корхона активларини бошқариш самарадорлигини лозим даражага кўтариш устида кетмоқда. Толлинг операцияларини амалга

оширишдан асосий мақсадлардан бири – корхона активларидан, хусусан, ишлаб-чиқариш қувватларидан фойдаланиш унумдорлигини оширишдир. Шунинг учун, толлинг операциялари самараси ҳақида сўз юритилганда нафақат унинг рентабелликга таъсирини, балки толлингнинг корхона активларини бошқариш самарадорлиги қандай таъсир қилишини ҳам ўрганиш лозимдир. Шунинг учун, қуйида корхона активларини бошқариш самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва уни баҳолашнинг назарий асосларини кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Корхона активлари менежментнинг муҳим категорияларидан бири бўлиб, фаолиятини бошқаришнинг ҳар қандай масаласи уларни бошқариш масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Бошқарув объектлари сифатида корхона активларини қуйидагича тавсифлаш мумкин <sup>26</sup>:

1. Активлар – хўжалик фаолияти юритилиши жараёнида ишлатиладиган турли турдаги корхонанинг иқтисодий ресурсларидир. Улар маълум бир фаолиятни амалга ошириш мақсадига мувофиқ тарзда шакллантирилади ва мулкӣ ашёлар мажмуасини ташкил этади.

2. Активлар корхонага киритиладиган инвестициялар ҳисобига тикланадиган мулкӣ бойликлардир. Капитал ва активлар категориялари орасида чуқур ички узвийлик мавжуддир. Активлар сармояларни инвестиция қилиш объекти сифатида кўрилиши мумкин. Капитал эса активларга инвестиция қилинишга мўлжалланган иқтисодий ресурслардир.

3. Активлар муйаян қийматга эга бўлган корхона мулкӣ бойликларидир. Активларнинг энг муҳим характеристикаси унинг қиймати бўлиб, активлар қиймати концепцияси бухгалтерия ҳисобида тўлиқ намоён қилинган. Яъни активлар нафақат қийматга эгадир, балки ушбу қиймат аниқ ўлчаниши ҳам мумкин.

4. Корхона активларига фақат корхона томонидан тўлиқ бошқариладиган ва назорат қилинадиган иқтисодий ресурсларгина мансубдир. Бунда ишлатилаётган иқтисодий ресурслар устидан

---

<sup>26</sup> Бланк И.А. Управление активами. - К.: Ника-Центр, Эльга 2002.-720 с.

мулкий эгалик ҳуқуқи тушунилади. Корхона фаолияти давомида фойдаланиладиган, бироқ эгалик қилмайдиган ресурслар корхона активлари бўлиши мумкин эмас. Демак, корхона ўзлик мулклари бўлган активлар тушунчаси корхона ўзлик капитали тушунчасидан фарқланар экан.

5. Хўжалик фаолиятида ишлатиладиган иқтисодий ресурс сифатида корхона активлари, маълум бир ишлаб-чиқариш унумдорлигига эга. Активлар унумдорлиги ўлчанадиган кўрсаткич бўлиб, махсулот ишлаб-чиқаришда унинг самараси кўринади.

6. Активлар даромад келтирадиган иқтисодий ресурслардир. Корхона фаолиятида ишлатилмайдиган ва даромад келтиришда қатнашмайдиган активлар корхона учун ортиқча бўлиб, улардан қутилишга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга шуни айтиш керакки, активларнинг даромад келтириши ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун улар самарали бошқарилишлари ҳам керак.

7. Хўжалик фаолиятида ишлатилаётган активлар доимий айланиш жараёнида бўладилар. Активлар даромад келтиришлари учун доимий айланишда бўлишлари керак. Бунда айрим турдаги активлар қиймати камайиб борса (асосий воситалар амортизацияси), бошқа турдаги активлар қиймати тобора ошиб бориши мумкин (тайёр махсулот миқдори). Бунда активлар бири-бирига трансформация бўлишлари мумкин.

8. Активлардан фойдаланиш вақт омили билан боғлиқ. Пулнинг вақт давомида қиймати ўзгариши концепциясига биноан активлар турли даврда турли қийматга эга бўладилар. Бундан ташқари инфляцион иқтисодиёт шароитида активлар баҳоси ўсиб боради.

9. Активлардан хўжалик фаолиятида фойдаланиш риск омили билан кучли боғлангандир. Риск иқтисодий категория сифатида иқтисодий жараёнлар давомида, жумладан инвестицион лойиҳаларни бошқаришда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, фаолиятни таъминловчи зарур ахборотларнинг етарли эмаслиги, тасодифий, инвестицион муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва бошқа қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ.

Корхоналар бирон-бир натижага эришмоқчи эканлар, улар ўз активларига таянган ҳолда ва реал иқтисодий муҳитда ҳаракат қилишга мажбур бўладилар. Бундай ҳаракатлар турли тасодифий омиллар таъсири остида бўлади. Демак, корхонанинг ўз активларидан фойдаланиш бўйича ҳар қандай ҳаракати таваккалчилик асосида амалга оширилади. А.П.Альгин изоҳича ҳам: «Риск – шундай умумлашган ҳодисаки у инсон цивилизация жараёни ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир»<sup>27</sup>.

10. Активлар таркибида шакллантириладиган моддий қадриятлар ликвидлик омили билан боғлиқ. Активлар ликвидлиги деганда, уларни реал бозор қийматида зудлик билан пул шаклига айлана олиш қобилияти тушунилади. Активларнинг бундай хусусияти ноқулай иқтисодий ҳолатларда активлар таркибининг мақсадга мувофиқ равишда реструктуризация қилиш имкониятини англатади. Турли активлар турли ликвидлик даражасига эга бўладилар. Активлар тури саналган пул маблағлари «абсолют ликвидликка» эга.

Юқорида айтиб ўтилганларга таҳлилий ёндашиб, активларнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагича аниқлашимиз мумкин:

Корхона активлари инвестиция қилинган капитал ҳисобига шакллантирилган ва у назорат қила оладиган иқтисодий ресурслардан таркиб топиб, детерминация қилинувчи қиймат, унумдорлик ва даромад келтириш қобилиятига эга бўлиб, фойдаланиш жараёнида уларнинг доимий айланиши вақт, риск ва ликвидлик омилларига боғлиқдир.

Активларни самарали бошқариш масаласи уларнинг унумдорлик жиҳати билан узвий равишда боғлиқдир. Активлар унумдорлиги деганда, уларнинг хўжалик фаолиятида ишлатилиши жараёнида вақт бирлигида маълум бир ҳажмдаги маҳсулот ишлаб-чиқариш қобилияти тушунилади. Активларнинг ўртача унумдорлиги қуйидагича ифодаланади:

$$A\ddot{U}U = MX / A\ddot{U}Q \quad (1)$$

<sup>27</sup> А.П.Альгин Риск и его роль в общественной жизни. – М: «Мысль», 1989, 188 с.

бу ерда: АЎУ – активлар ўртача унумдорлиги; МХ – ишлаб-чиқарилган маҳсулот ҳажми; АЎҚ - ишлатилаётган операцион активларнинг ўртача қиймати.




9.1-расм. Асосий белгилар бўйича корхона активлари классификацияси.

Активларнинг чегаравий унумдорлиги уларни бошқариш самарадорлиги ҳақида янада қизиқарли маълумот беради:

$$АЧУ = \Delta МХ / \Delta А \quad (2)$$

бу ерда: АЧУ – корхона операцион активларининг чегаравий унумдорлиги;  $\Delta МХ$  – операцион активлар қийматининг ўстирилиши ҳисобига махсулот ишлаб-чиқариш ҳажмининг ўсиши;  $\Delta А$  – фойдаланилаётган операцион активларнинг ўсиши.

Корхона активлари бир жинсли бўлмаган турли шаклга эга бўлиб, ишлатилиш мақсади ва бошқа жиҳатлари бўйича турланиши мумкин. Шу билан бирга, активларни маълум бир жиҳатларига қараб классификация қилиш ҳам мумкин (9.1-расм). Активларни бошқариш тизими корxonани бошқариш умумий тизими таркибига кириб ресурсларни бошқариш кичик тизимида ўз ўрнини топади (9.2-расм). Корxonанинг муваффақияти ўз қарамоғидаги ресурслардан ва ташқи шароит ўзгаришларидан оқилона фойдалана олиш қобилиятига асосланади. Ресурслардан фойдаланиш қобилияти эса корхона менежменти даражасига боғлиқ. Менежмент савияси иқтисодий омил сифатида микроиқтисодий ва макроиқтисодий аҳамиятга эга.



9.2 – Корxonанинг умумий бошқарув тизими.<sup>28</sup>

<sup>28</sup> Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бошқарув - менежмент деганда, унинг якуний натижа сифатида мақсадлар тизимига эришишга ва фойда олишга йўналтирилган, иқтисодиётнинг ихтиёрий соҳасида ва ихтиёрий фаолият соҳасида корпорация хўжалик фаолиятини бошқаришдан иборат касбий фаолиятдир<sup>29</sup>. Мос равишда, менежментнинг моҳияти, мақсадга йўналтирилган фаолият жараёнида у ёки бу бошқарув объектларига бошқарув субъекти томонидан маълум бир таъсир усулларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат бўлади<sup>30</sup>. Шунингдек, бошқаришга ташкилот мақсадларини ифодалаш ва унга эришиш учун зарур бўлган режалаштириш, ташкил қилиш, мотивациялаш ва назорат қилиш жараёни сифатида қарашимиз ҳам мумкин<sup>31</sup>.

Толлинг операциялари ёрдамида активлардан фойдаланиш самарадорлигига бағишлангани учун, аввало, бошқарув тизими самарадорлиги тушунчасига тўхталиб ўтайлик. Россия олими А.П.Егоршин «Бошқарув самарадорлиги – бошқарувнинг асосий баҳоланма кўрсаткичларидан бири бўлиб, натижа ва унга эришиш учун харажатларнинг таққосланиши воситасида топилади» деб ҳисоблайди<sup>32</sup>. Бу юқорида келтирилган 1 ва 2 формулалар кўринишига жуда мос келади. И.И.Мазур ва б.нинг машҳур китобида бу таъриф янада тўлиқроқ келтирилган: «Менежмент самарадорлиги – бошқарувнинг мақсадга мувофиқлиги ва сифати бўлиб<sup>33</sup>, у бошқарилаётган тизим – ташкилотнинг энг унумли фаолиятига, мақсад ва стратегияларнинг бажарилишига, муайян сифатий ва миқдорий, иқтисодий натижаларга эришиш мақсадига йўналтирилгандир». Яъни, кўзланган мақсадга эришиш қобилияти ташкилот бошқарувининг самарадорлигини белгилаб берар экан.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни жамлаб қуйидаги хулосага келиш мумкин экан:

<sup>29</sup> И.И.Мазур, В.Д.Шапиро, Н.Г. и др. Корпоративный менеджмент: Справочник для профессионалов. – М.: Высшая школа, 2003.-1077 с.

<sup>30</sup> Peter F.Drucker, "A New Discipline", Success! January-February 1987, p.18.

<sup>31</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер.с англ. – М.:Дело, 2002.-704 с.

<sup>32</sup> Егоршин А.П. Управление персоналом: Учебник для вузов. – 4-е изд., испр. – Н.Новгород: НИМБ, 2003.-720 с.

<sup>33</sup> И.И.Мазур, В.Д.Шапиро, Н.Г. и др. Корпоративный менеджмент: Справочник для профессионалов. – М.: Высшая школа, 2003.-1077 с.

Активларни бошқариш самарадорлиги – активларни ишлатишдан олинадиган натижа қийматининг активлар қийматига нисбатидир. Нисбатан камроқ қийматдаги активларни ишга солиш орқали нисбатан каттароқ қийматда натижа олинса, активларни бошқариш самарадорлиги юқорироқ бўлади. Бунда мақсадга қараб корхонанинг жами активларини бошқариш самарадорлиги ёки активларнинг маълум бир турини бошқариш самарадорлиги таҳлил қилиниши мумкин Масалан, активларнинг бир тури бўлган асосий фондлар унумдорлиги:

$$АФУ = МХ / АФ \quad (3)$$

бу ерда АФУ – асосий фондлар унумдорлиги, МХ – махсулот ҳажми, АФ – асосий фондлар қиймати. Кўриниб турибдики, махсулот ҳажми қанчалик катта бўлса ва/ёки уни ишлаб-чиқаришда қатнашган асосий фондлар қиймати қанчалик кичик бўлса, ишлатилган асосий фондлар унумдорлиги ортиқроқ бўлади.

Толлинг операциялари асосий фондларнинг унумдорлигини оширишда ўз ҳиссасини кўшади. Шу билан бирга, толлинг схемалари кўшимча тарзда соф фойда олиш имкониятини берса, толлинг операцияларидан олинадиган умумиқтисодий самара юқори бўлиши табиийдир.

## **10. Толлинг операцияларининг корхона фаолиятидаги рискларга таъсири**

Толлинг операциялари, корхонанинг амалий фаолияти ва иқтисодий ҳолатига таъсир қилиши натижасида корхонанинг молиявий ва техник рискларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун, толлинг операциялари билан боғлиқ равишда рисклар ва уларни бошқариш масаласини алоҳида ўрганишга тўғри келади.

Риск иқтисодий категория сифатида иқтисодий жараёнлар давомида, жумладан инвестицион лойиҳаларни бошқаришда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, фаолиятни таъминловчи зарур ахборотларнинг етарли эмаслиги, тасодифий, инвестицион муҳитнинг ўзгарувчанлиги ва бошқа қатор объектив ва субъектив

омиллар билан боғлиқ. Ҳозирги кунгача жаҳон олимлари томонидан фан оламига олиб кирилган жуда кўплаб риск тўғрисидаги тушунчалар уларни юзага келтирувчи омиларнинг олдини олиш, баҳолаш ва бошқариш усуллари ҳанузгача тўлиқ ишлаб чиқилмаган<sup>34</sup>.

Корхонада олиб борилаётган ҳар қандай фаолият рисклар таъсири остида бўлади ва шу билан бирга, ушбу фаолиятнинг ўзи рисклар даражасига таъсир этади. Натижада, корхона фаолиятининг ривожланиши, унинг фаолиятидаги рискларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ экан<sup>35</sup>.

Ишлаб чиқарувчи корхона ўз фаолиятида натижаси ноаниқ ситуатив ҳолатга тушиши мумкин бўлиб<sup>36</sup>, риск катталиги зарар кўриш ёки манфаатни кўлдан чиқариш натижасига боғлиқ ўлчам бўлиб юзага чиқади<sup>37</sup>. Аслида рискнинг турлича жабҳаларини инобатга олувчи жуда кўп таърифлар мавжуд бўлиб, тадқиқотимиз мақсадига кўпроқ Е.С.Стойнова таърифи мувофиқ келади: «Риск бу режалаштирилган вариантга нисбатан даромад олмаслик ёки зарар кўриш эҳтимолидир»<sup>38</sup>.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни жамлаб қуйидаги хулосага келиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Корхонада бошқарув тизимининг самарадорлиги – режалаштирилган кўрсаткичларга барқарор равишда эриша олиш қобилиятидир».

2. Корхона фаолиятидаги рисклар - режалаштирилган кўрсаткичларга эриша олиш ёки эриша олмаслик эҳтимолидир.

3. Демак, самарадорлик ва риск тушунчалари бир-бирига зиддиятли бўлиб, ёки самарали бошқарув рискни пасайтиради, ёки рисклар бошқарув самарадорлигини пасайтиради.

Бошқарув тизимини шакллантиришда асосан тўрт ёндашув маълум бўлиб, улар қуйидагилардан иборат<sup>39</sup>:

<sup>34</sup> Ф.И.Мирзаев Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. – Т: «Молия» нашриёти, 2006 й., 136 б.

<sup>35</sup> А.П.Альгин Риск и его роль в общественной жизни. – М: «Мысль», 1989, 188 с.

<sup>36</sup> В.Т.Севрук Банковские риски. – М: «Дело», 1995, 3 с.

<sup>37</sup> В.М.Усоскин Современный коммерческий банк.- М. 1994.

<sup>38</sup> Е.С.Стойнова Финансовый менеджмент. М., 1993.

<sup>39</sup> Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер.с англ. – М.:Дело, 2002.-704 с.

1. Турли мактабларни ажратиш асосидаги ёндашув.
2. Жараёний ёндашув.
3. Тизимий ёндашув.
4. Вазиятли ёндашув.

1. Турли мактабларни ажратиш асосида ёндашув амалда ўзида тўрт ёндашувни бирлаштиради. Бунда бошқарув тўрт нуқтаи назардан кўриб чиқилади: илмий бошқарув, маъмурий бошқарув, инсонлараро муносабатлар ва хулқ ҳақида илм, бошқарув илми ёки миқдорий усуллар.

2. Жараёзли ёндашув бошқарувни ўзаро боғланган бошқарувчилик функцияларининг узлуксиз серияси сифатида кўради.

3. Тизимли ёндашувда раҳбарлар ташкилотни, ўзгарувчан ташқи муҳит шароитида турли мақсадларга эришишга қаратилган, одамлар, тузилма, масалалар ва технология каби ўзаро боғланган элементлар мажмуаси сифатида қабул қилишлари кераклиги таъкидланади.

4. Вазиятли ёндашувда турли бошқарув усулларининг яроқлиги вазият билан аниқланишига диққатини кўпроқ қаратади. Ташкилотнинг ўзида ва атроф-муҳитда омилларнинг чекланмаган сонда мавжуд бўлиши сабабли ташкилотни бошқаришнинг ягона «энг зўр» усули мавжуд эмас. Аниқ бир вазиятда энг самарали усул – бу мазкур вазиятга энг кўп даражада мувофиқ келадиган усулдир.

Рисклар молиявий ва техник рискларга бўлинади. Молиявий рисклар маълум бир воқеалар натижасида корхона маблағининг йўқотилиши, даромади камайиши ёки харажатлари ортиб кетиши эҳтимолидир.

Молиявий рискларни бошқариш – бу рискларни манбасини аниқлай билиш, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, рискларни баҳолаш ва молиявий амалиётлар ўтказишда риск даражасини инобатга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш қобилиятидир. Бундан умумийроқ таърифга ўтиш мумкин: Рискни бошқариш самарадорлиги – негатив эҳтимоллиқни камайтириш қобилиятидир.

Рисклар икки турга бўлинади:

1. Ташқи рисклар:

1.1. Сиёсий (ҳуқуқий) рисклар

1.2. Иқтисодий (бозор) рисклари

1.3. Форс-мажор (мулкий) рисклар

2. Ички рисклар:

2.1. Молия рисклари

2.2. Техник рисклар.

Корхоналарда рискларнинг турли турлари мавжуд бўлиб, улар корхона энди ташкил қилинаётган даврда, ўсаётган ва тўлиқ қувват билан ишлаётган даврларида турли тузилмага ва миқдорларга эга бўлиши мумкин. Рисклар корхона ташкил қилиниши арафасида биринчи инвестициялар қилиниши билан пайдо бўла бошлайдилар. Бунда капитал қўйилмалар йўналишини танлашда инвестициявий таваккалликни баҳолаш зарур бўлади.

Бунда рисклар қуйидаги таҳдидлар билан боғлиқ бўлади<sup>40</sup>:

1. Ҳақиқий натижанинг кутилганига нисбатан оғиши (четланиши).

2. Тадбиркорлик ғоясининг пухта бўлмаслиги.

3. Лойиҳадаги пул оқимларининг режалаштирилган миқдорига нисбатан кам бўлиши.

4. Даромадлар ёки қўйилган капитал қайтишининг ноаниқлиги ёки ўзгарувчанлиги.

Таваккаллик(хатарлар) аниқ ёки ноаниқ молиявий йўқотиш сифатида қуйидагилар билан боғлиқ:

-қўйилган мақсаднинг нореаллиги;

-истикболли кўрсаткичларни ҳисоблашдаги ҳатоликлар;

-кутилаётган натижаларни баҳолашда субъектив ёндашув.

Корхона менежменти таваккал қилар экан юқори фойда олиш билан бир вақтда зарар ҳам кўриб қолиш имконини танлайди.

Масалан:

-Махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва у билан

---

<sup>40</sup> Суюнов Д.Х., Равшанов М.Н., Бутабаев М.Ш. Корпоративное управление хозяйствующих субъектов. - Т: Академия, 2007.

ишлаб чиқариш қувватларига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш орқали бозордаги улушини оширишга қаратилган агрессив сиёсат зарар кўриш таваккаллигини оширади. Бозордаги аҳволнинг ўзгаришига операцион ричаг таъсир этади;

-Ўз капитали рентабеллигини қўшимча кредитлар орқали оширишга интилиш молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Бунда молиявий ричаг таъсир этади;

-Қорхона товар-моддий захираларини минималлаштириш орқали юқори рентабелликка эришиши мумкин, лекин бунда операцион жараёнлардаги узилишлар ликвидликни йўқотиш таваккаллигини оширади;

-Ҳаддан зиёд товар-моддий ва ишлаб чиқариш захираларини ташкил этиш активларнинг айланувчанлиги ва рентабеллигини пасайишига олиб келиши мумкин;

Бундан ташқари, активларга қўйилмалардан кутилаётган даромадларни ололмаслик ҳавфи ҳам таваккаллик орқасидан тўғридан-тўғри йўқотиш ҳисобланади. Активлар (акция) баҳосининг ошиши ва уларни ишлатишдан олинадиган даромад фоизларининг (дивиденд) ошиши ҳисобига олинадиган даромад - ўз капитали рентабеллигининг пасайиши таваккаллигини оширади.

Мос равишда уларнинг ҳар бири ўзига хос молиявий ва бошқарувчилик рискларини юзага келтиради.

Таваккаллик (хатарлар) тизимли (систематик) ва тизимсиз (носистематик) турларига бўлинади.

Тизимли таваккаллик дунёда (мегоиқтисодий хатарлар) ва мамлакатда (макроиқтисодий) рўй бераётган умумиқтисодий ва сиёсий аҳвол, ресурслар баҳосининг ўсиши ва умумбозор миқёсида молиявий активлар баҳосининг пасайиши билан боғлиқ. Толлинг операцияларида айрим турдаги таваккалчилик пасайиши ёки кучайишини кўришимиз мумкин.

Тизимли таваккалликнинг алоҳида турларини қўйидагича таҳлил қилиш мумкин:

- мамлакатдаги (макроиқтисодий) таваккаллик деганда

иқтисодий беқарорлик ҳукм сураётган бирор бир давлат ёки унинг компаниялари қимматли қоғозларига маблағ қўйиш; дўстона муносабати бўлмаган давлатлар резидентларининг бир-бирига инвестицияси тушунилади:

- қонунчилик ўзгариши билан боғлиқ таваккалчиликлар - иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзгариши билан боғлиқ. Толлинг операцияларининг солиққа тортилиш режимида ўзгаришлар бунга ёрқин мисолдир;

- валюта таваккаллиги - миллий валюта курсининг ўзгариши билан боғлиқ таваккаллик. Бунда миллий валюта курсининг чет эл валютасига нисбатан ошиши толлингерни рағбатлантириши ёки толлинг операцияларининг қисқартиришга мажбур қилиши мумкин.

- инвестиция таваккаллиги - молиявий активлар қиймати ва аҳоли ҳарид қобилиятининг пасайиши, ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига, миллий пул бирликларининг девальвациясига, ссуда фоизларининг ошиши, дебиторлик қарзлари ва инкассация муддатларининг чўзилишига, энергетика, ҳом-ашё ва коммуникация бозорларининг монополия ёки олигополиялашувига олиб келади. Бунда толлинг битимининг молиявий шартлари ўзгариши мумкин.

- тармоқ таваккаллиги - алоҳида тармоқларига хос инқирозлар билан боғлиқ. Толлинг тармоқ таваккалчилигини пасайтиришга ёрдам беради.

Тизимсиз таваккалликлар (микроиқтисодий) конкрет фаолият турлари билан боғлиқ таваккалликлар бўлиб, қуйидагиларга бўлинади:

- кредит (қарз) хатари - корxonанинг маълум бир фаолияти орқали фойда(зарар кўриш) олиш ва асосий қарз, фоизларни тўлаш имконияти билан боғлиқ таваккалликдир. Толлинг корxonани бундай рискдан ҳоли қилиши мумкин;

- ликвидлик таваккаллиги – корxonа активлари сифатининг ўзгариши билан боғлиқ йўқотишлар бўлиб, толлинг операцияларига нисбатан бефарқдир;

- фоизлар таваккаллиги - кредит бозорида фоиз ставкаларининг ўзгариши билан корхона томонидан йўқотишлар эҳтимоллиги. Толлинг билан шуғулланиш учун қўшимча кредит жалб қилинмаганда, корхона ушбу рискдан холи бўлади.

- капитал таваккаллиги – корхона инвесторлари маблағ қўйишининг таваккаллиги. Толлинг фаолияти корхона ҳолатини барқарорлаштиради капитал таваккалчилиги пасаяди.

- селектив таваккаллик – буюртма портфелини шакллантиришда бажариладиган ишлар тўпламини нотўғри танлаш билан боғлиқ хатарлар, ёки уларнинг самарасини нотўғри баҳолаш;

- тайёр махсулотни етказиб беришдаги хатарлар – ишлаб-чиқарилган махсулотни буюртмачига ўз вақтида етказиб бера олинмаслиги билан боғлиқ хатарлар;

- операцион хатарлар - ахборотларни компьютерда қайта ишлашдаги носозликлар, менежерлар ва техник ходимлар малакасининг пастлиги, технологияларнинг бузилиши билан боғлиқ хатарлар.

Бевосита корхона жорий фаолиятини олганимизда режанинг бажарилишига ва ишнинг муваффақиятига ҳалал берувчи қуйидаги хатарлар мавжудлигини кўрамиз:

Иш вақтини йўқотишлар.	Тасодифий ва ноаниқ ҳолатларда иш вақти фондидаги йўқотишлар. Толлинг ушбу хатарни пасайтиради.
Молиявий йўқотишлар	Кўзда тутилмаган тўловлар, жарималар ва қўшимча солиқ тўловлари, пул маблағлари ва қимматли қоғозларни йўқотиш ҳамда режалаштирилган манбалардан маблағ ололмаслик билан боғлиқ молиявий йўқотишлар. Толлинг схемаси бўйича хорижий буюртмачига тайёр махсулотни ўз вақтида етказмаслик оқибатида жарима тўлаш хавфи бор.
Йўқотишларнинг алоҳида турлари	Инфляция, валюта курсининг ўзгариши, маблағларнинг олиб қўйилиши (маҳаллий ёки республика бюджетига қўшимча маблағлар) билан боғлиқ йўқотишлар. Инфляция толлингдан олинмаган хизмат ҳақида салбий таъсир кўрсатиши мумкин.
Вақтни бой бериш	Тадбиркорлик жараёнининг режалаштирилган вақтга

	нисбатан орқада қолиши. Толлинг операцияларининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги нафақат бевосита молиявий йўқотишларга (ортиқча харажат, жарима), балки келгусида толлингердан ҳам махрум бўлиб қолишга олиб келиши мумкин.
Ижтимоий йўқотишлар	Инсон ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит, корхона нуфузи ва иштирокчилар имиджига етказиладиган зарарлар. Айрим ҳолатларда хориж мамлакатлардаги экологик талаб уларда маълум бир ишлаб-чиқариш қийматини ошириши мумкин. Ушбу ҳолатда экологик зарар келтириши мумкин бўлган ишлаб-чиқариш операцияларини компаниялар хорижда толлинг асосида бажартиришга ҳаракат қилишлари мумкин. Шунинг учун, толлинг буюртмасини олишдан аввал унинг экологик шарт-шароитларини ўрганиш лозим.
Толлингни зарарсизлик билан амалга оширилишининг йўқолиши.	Толлингдан олиниши мўлжалланган даромадларнинг харажатларни қоплай олишига имкониятнинг йўқолиши.
Солиқ хатари	Толлингга солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши ёки солиқларнинг кучайиши.
Қарзларни тўлиқ уза олмаслик хатари.	Қисқа муддатда махсулотга (толлинг хизматига) бўлган талабнинг пасайиши ёки унинг баҳосини тушиши ҳисобига вақтинча даромадларнинг камайиши.
Йўқотиш ва хатарларни аниқловчи	Ўзининг миқдори ёки рўй бериш эҳтимоллиги жиҳатдан бошқаларидан устун турувчи йўқотиш ажратиб олинади ва рискларни миқдоран баҳолашда йўқотишнинг худди шу тури ҳисобга олинади.
Йўқотишларнинг тасодифий ва тизимли турлари.	Тизимли йўқотишлар толлингнинг барча босқичларини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинади. Хатарни аниқлашда иложсиз харажатлар сифатида тасодифий йўқотишлар башорат қилинади. Воқеаларнинг тасодифий ривожланиши харажатларнинг ошиб кетиши ёки қисқаришига олиб келиши мумкин. Таваккаллик таҳлил қилинганда омилларнинг йўқотишларга сабаб бўлувчи қисмигина эътиборга олинади .

10.1-жадвал. Корхона фаолиятидаги йўқотишлар ва хатар турлари.

Демак, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари фаолияти қатор рисклар таъсири остида бўлиб, уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш учун корхоналарда рискларни бошқариш тизимини шакллантириш зарур экан. Шу билан бирга, ҳар қандай корхона ўзига хос хусусиятларга (маълум бир тармоқга мансублиги, корхона ўлчамлари, ишлаб чиқариш қувватлари сифати ва ҳажми, бозорда тутган ўрни ва маҳсулот сотиш имкониятлари ва ҳ.) эга бўлгани учун. Ҳар бир алоҳида олинган корхона учун уникал тузилмали рискларни бошқариш тизимини қуриш лозим бўлади. Бунда бир неча тамойилга амал қилиниши керак.

Биринчи тамойилда толлинг буюртмасини бажаришдан олдин ушбу таваккалик ҳисобига мумкин бўлган энг катта зарар кўриш рискин баҳолаш ва зарар миқдорини жами топиладиган даромад ва бошқа иқтисодий самаралар миқдори билан таққослаб кўришлари керак. Кутилиши мумкин бўлган энг катта зарар миқдорининг корхона ўз молиявий ресурсларига нисбати, корхонани банкротликка олиб келиши мумкин бўлган таваккалчилик (хатар) даражасини белгилайди. Таваккалик даражаси риск коэффиценти билан ўлчанади:

$$\text{Риск коэффиценти} = \frac{\text{кўрилиши мумкин бўлган энг катта зарар миқдори}}{\text{ўз молиявий ресурслари ҳажми.}} \quad (4)$$

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, коэффицентнинг оптимал қиймати - 0,3га тенг бўлиб, 0,7 ва ундан катта бўлса корхонанинг банкротликга учраш хавфи юқори бўлади.

Иккинчи тамойилга кўра толлингер ёки ижрочи корхона кўриши мумкин бўлган зарарнинг энг катта миқдорини билиши ва унинг хатарини ўз зиммасига олиши ёки бошқаларга юклаши мумкин.

Учинчи тамойил асосан хатарни бошқа шахс зиммасига ўтказилаётганда қўлланилади. Бу ҳолатда толлингер ёки ижрочи корхона мувофиқ шартлар асосида ўз фаолиятини суғурталаши

лозим бўлади. Бунда суғурта бадали - бу суғурталанувчининг суғурталовчига суғурта rischi учун тўлови, суғурта пули - суғурталанган толлинг операцияси битими бўйича суғурталанган пул миқдоридир.

Молиявий ҳатарларни камайтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- диверсификация;
- танлаш ва натижалар тўғрисида қўшимча ахборотларни сотиб олиш;
- лимитлаш;
- суғурталаш ва бошқалар.

Диверсификация деганда корхона активларини турли хил бир-бирига боғлиқ бўлмаган фаолиятларга қўйиш тушунилади. Ишлаб чиқарилувчи махсулот турлари ассортиментини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш диверсификацияси амалга оширилади. Толлингнинг қўлланилиши эса ишлаб-чиқаришнинг диверсификацияси даражасини оширади.

Ахборотлар ёки маълумотлар ҳам керак бўлганда қимматбаҳо товар сифатида сотиб олинади. Тўлиқ маълумотларнинг баҳосига бирор бир сотиб олинаётган нарса баҳосининг кутилаётган баҳосидан фарқи сифатида қаралади. Толлинг схемалари ташқи иқтисодий фаолиятга боғлиқ бўлгани учун ахборотий таъминотнинг аҳамияти катта бўлади.

Лимитлаш - бу лимитни ўрнатиш, яъни фаолият кўрсаткичларини чегаралаш бўлиб, хўжалик субъектлари томонидан товарларни қарзга сотишда, жами фаолият ҳажмида толлинг саломоғини белгилашда фойдаланилади.

Суғурталашдан мақсад, толлинг операцияларини амалга ошириш riskдан қисман ёки бутунлай қочиш мақсадида ўз даромадининг бир қисмидан воз кечади. Riskни суғурталаш унинг даражасини пасайтиришнинг энг кенг тарқалган усулларидан ҳисобланади.

Riskли фаолиятнинг маълум бир услубиёт асосда жиловланмаслиги корхона учун оҳир-оқибатда инқироз ҳолатини

келтириб чиқаради. Ҳозирда жаҳонда кечаётган молиявий инқироз стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти толлинг хизматлари бозорига бевосита алоқадор бўлиб, уларнинг рисклар билан ишлаш фаолиятига талабчанлигини янада ошириш заруриятини кўрсатади.

## **11. Толлинг операцияларида бошқарув ҳисоби**

Толлинг операцияларини амалга оширишда ишлаб-чиқаришнинг рентабеллигини мақсадли локал тарзда назорат қилиб бориш лозим бўлади. Бунда турли ахборот манбалари зарур бўлади. Манфаатдор шахсларга иқтисодий ахборотлар бухгалтерлик ҳисоби тилида берилади. Улар орасида менежерлар, акция эгалари ва эҳтимолий инвесторлар, ёлланма ходимлар, кредиторлар ва давлат идоралари қатнашади. Қарор қабул қилиш, бошқарув фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишда кўмак берадиган ахборотлар, менежерлар учун жуда зарурдир. Бундай ахборотлар сирасига сотиш баҳолари, ишлаб-чиқариш харажатлари, талаб, рақобатбардошлик, корхона чиқараётган товарнинг рентабеллиги киради.

Толлинг операциясининг самарадорлиги ҳисобот даврида ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархига боғлиқ бўлади. Ишлаб-чиқилган махсулот заҳираларини баҳолаш учун махсулот таннарҳини ҳисоб-китоб қилишда фақат ишлаб-чиқариш харажатлари киритилиши керак. Шунинг учун ҳисобчилар: махсулот таннархига кирувчи харажатлар ва ҳисобот даври харажатларини турлайдилар. Заҳирани баҳолашда ҳисобга олинандиган харажатларга давр харажатларини қўшишга бўлган ҳар қандай уринишлар истисно қилиниши керак.

Ноишлаб-чиқариш харажатларини махсулот таннархига киритмайдилар, чунки:

1. Активлар ўзи билан потенциал фойдани билдиради, махсулотни ишлаб-чиқаришга қилинган харажатлар келажакда таннархдан юқорироқ даромад келтиради деб умид қилиш мумкин.

2. Ноишлаб-чиқариш харажатлари келажакда даромад олиб

келишига ишонч йўқ, чунки ушбу харажатлар махсулотга қўшимча қиймат қўшмайдилар. Шунинг учун, ноишлаб-чиқариш харажатлари захираларни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

Саноат корхоналарида ишлаб-чиқариш харажатларининг ташкил этувчилари сифатида таннархнинг ҳисоб-китобига уч элемент киритилади:

- асосий материаллар;
- асосий ишчиларнинг меҳнати;
- ишлаб-чиқариш устама харажатлари.

Толлинг операциялари хусусида қарор қабул қилиш ва режалаштириш учун харажатларнинг турланиши ва харажатлар динамикаси ўрганилади. Ишлаб-чиқариш фаолияти даражасининг ўзгаришида харажатлар ва даромадлар динамикаси ҳақидаги маълумотлар асосида қабул қилинадиган қарор қуйидаги саволларга жавоб топиш лозим бўлади:

- Келгуси йилга ишлаб-чиқаришнинг қандай ҳажми режалаштирилиши керак?

- Янги йилда толлинг операцияларининг жами ишлаб-чиқариш ҳажмидаги улуши қандай бўлиши самарали?

- Товар сотилишини кўтариш учун сотиш нарҳини тушириш керакми?

- Толлинг хизмат ҳақи ўзгартирилиши лозимми?

- Махсулотни сотиш билан машғул персоналнинг меҳнати қандай тақдирланиши керак, фақат ойлик, фақат комиссия ҳақи ёки уларнинг комбинациялари?

- Толлинг хизмати тарифини шакллантиришда иш ҳақи ва рағбатлантириш фонди салмоғи қандай бўлади?

- Махсулот ишлаб-чиқаришни, хусусан толлинг асосида кўпайтириш учун қўшимча ускуна сотиб олиш керакми?

Асосий ишлаб-чиқариш жараёнларида ўзгарувчан харажатлар биринчи навбатда ҳисоб-китоб қилиниши керак. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб-чиқариш фаолиятининг даражасига (ҳажми) тўғри пропорционал равишда ўлчанади. Яъни, ишлаб-чиқариш даражасининг икки мартта ошиши умумлашма ўзгарувчан

харажатларнинг икки марттага ошишига олиб келади. Демак, умумлашган ўзгарувчан харажатлар ишлаб-чиқариш ҳажмига чизиқий боғланишга эга, маҳсулот бирлигига эса ўзгарувчан харажатлар доимий катталиқ бўлиб қолади.

Шу билан бирга, толлинг операцияларини режалаштиришда қуйидаги олди олинадиган ва олди олинмайдиган харажатлар мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Олди олинадиган харажатлар – бу шундай харажатларки, бошқача йўл тутиш орқали олдини олиш мумкин бўлган харажатлардир. Олди олинмайдиган харажатлар – бу шундай харажатларки, бошқача йўл тутилганда ҳам қилиниши муқаррар харажатлардир. Айрим ҳолларда «олди олинадиган» ва «олди олинмайдиган» атамалари ўрнига ҳисобга олинадиган ва олинмайдиган харажатлар атамаларини ишлатишади. Ҳисобга олинадиган ва олинмайдиган харажатлар ва даромадлар мавжуд бўлиб, улар толлинг операциялари рентабеллигига таъсир қилади. Ҳисобга олинадиган харажатлар ва даромадлар бу – қабул қилинган қарор таъсир қилиши мумкин бўлган келажакдаги харажатлар ва даромадлардир.

Бошқарувчилик ҳисобида муҳим ўрин тутадиган яна бир харажат тури – бу қайтмас харажатлар ёки ўтган давр харажатларидир. Бу харажатлар тушунчасида харид қилиб бўлинган ресурслар тушуниладикки, ҳар қандай йўл тутилганда ҳам мазкур харажатлар суммаси ўзгаришсиз қолади. Бу илгари қабул қилинган қарорлар асосида қилинган харажатлар бўлиб, кейинги қарорлар уларни камайтира олмайди.

Юқорида санаб ўтилган бевосита харажатлар, сарфлар ва йўқотишлар билан биргаликда одатда харажат таркибига олиб кирилмайдиган йўқотилган имконият харажатлари мавжудки, улар шундай билвосита йўқотишки, унда бир йўл тутилганда бошқа йўл тутилишида қўлга киритилиши мумкин бўлган имкониятдан воз кечилади ва унинг ижобий натижасидан маҳрум бўлинади.

Кейинги босқичда материалларнинг ва ишчи кучининг ҳисобини ўрганиш лозим бўлиб, бундан мақсад:

- харажатлар жамғарилиши тизимида маълумотларни тўплашдан мақсад – икки асосий объектлар бўйича, махсулот (заҳира қийматини баҳолаш) ва жавобгарлик марказларида (харажатлар даражасини назорат қилиш учун) харажатлар катталигини аниқлаш;

- харажатлар жамғарилиши тизими – жавобгарлик марказларидаги харажатлар йиғиндисининг олинishi ва бу харажатларни ушбу марказлар ҳисоб-китоб бирликларига тақсим қилинишдир.

Ишлатиладиган ҳом-ашёнинг қийматини ҳисоблашда, хусусан материалларни ишлатишга беришдаги қийинчилик, уларни қайси нарҳда беришдадир. Айтиб туриш керакки, турли турдаги материаллар турли баҳоларда сотиб олинган бўлиши мумкин. Ҳақиқий қиймат бу ҳолда бир неча катталиққа эга бўлиши мумкин, шунинг учун ишлатишга берилаётган материаллар нарҳини аниқлашнинг бирон-бир ягона усулини танлаш керак.

Ишлатишга берилаётган материалларнинг нарҳини аниқлаш икки мақсадга хизмат қилади:

1. Материалларга харажатлар турли буюртмаларга ҳисоб қилинади, натижада улар заҳирани баҳолаш (сотилмаган махсулотлар учун) ва сотилган махсулотлар таннарҳининг қисмларини ташкил қилади.

2. Материалларга келгуси давр харажатлари қарор қабул қилиш ва махсулотга нарҳ белгилаш мақсадида ҳисоб-китоб қилинади.

Корхонадаги товар-моддий заҳираларни баҳолашнинг яна бир муҳим жиҳати бўлиб, унинг бир неча усули бор. Заҳираларни баҳолаш усулининг камчиликлари ва устунликлари қуйидагилардан иборатдир:

- FIFO устунлиги: товар-материаллар заҳирасини ҳаққоний баҳолайди. Камчилиги-эскирган ишлаб-чиқариш харажатларига олиб келади, натижада фойдани орттириб кўрсатади ва заҳиралар ҳисобини қийинлаштиради.

- LIFO устунлиги - ҳаққоний ишлаб-чиқариш харажатларига, ва шунинг учун фойданинг аниқроқ кўрсаткичларига олиб келади. Камчилиги- захираларнинг ҳақиқатдагидан паст даражадаги баҳоланишига олиб келади ва захиралар ҳисобини қийинлаштиради.

Ўртача олинган қиймат усулининг устунлиги- фойдаланишдаги соддалик, ҳисоб-китоблар миқдори жуда кам. Камчилиги-заҳира ва ишлаб-чиқариш харажатларининг ҳақиқатдан узоқ баҳоланишига олиб келади.

Тўлдириш харажатлари ва ҳар бир баҳолаш усулида ҳисобланган харажатлар орасидаги фарқ захираларнинг айланиш тезлигига жуда боғлиқдир. Захираларнинг айланиш тезлиги қанчалик катта бўлса, ҳом-ашё сотиб олишдан маҳсулот сотишгача бўлган давр шунча қисқа бўлади, демак ўтган давр харажатлари билан тўлдириш харажатлари шунчалик яқин бўлади.

Бошқарувчилик ҳисобида ашёлар ва ишчи кучи харажатларининг ҳисоби ҳам муҳим ўрин тутаяди. Ишчи кучига сарфларни ҳисоб қилишдан мақсад – фаолиятнинг ҳар бир тури учун барча ишчиларнинг ишлатган вақтини аниқлаш ва буюртма варағида ёки табелда қайд қилиш, ҳамда мос келувчи соатбай ҳақ тўлаш ставкасини қўллашдир.

Иш ҳақи харажатларини ўрганганимизда бевосита ва билвосита иш ҳақи тушунчасига келамиз. Бунда, ишлаб-чиқариш меҳнатига ҳақ тўлаш учун харажатлар, маҳсулот устидан ишлашда сарфланган соатларнинг қийматини ташкил қилиб, бевосита иш соатларига, маҳсулотни ишлаб-чиқаришга сарфланган соатлар ҳажми ҳисобланади, билвосита иш соатларига – маҳсулотни ишлаб-чиқаришга бевосита сарфланмаган, лекин ишлаб-чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолиятга сарфланган соатлар ҳажми киради.

Банд қилинмаган иш вақти ёки тўхтаб қолиш вақти – самарасиз, лекин сарфи тўланадиган вақтдир. Олди олинадиган тўхтаб қолишлар, яхшироқ режалаштирилганда олдини олса бўладиган вақтнинг сарфидир. Бундай тўхтаб қолиш бўйича

харажатлар махсулотнинг таннарҳига қўйилмасдан, фойда ва зарар ҳисобига олиниши керак. Олдини олса бўладиган тўхтаб қолишларга қуйидагилар киради:

- ишлаб-чиқариш жараёнининг тўхтаб қолиши (ускунанинг бузилиши, ашёларнинг етишмаслиги, самарасиз режалаштириш);

- бошқарувчилик қарорлари (махсулотнинг техник сифатларини ўзгартириш, омборда ашёларнинг тугаши, режаларнинг ўзгариши).

Олдини олиб бўлмайдиган тўхтаб қолишларга эса қуйидагилар киради:

- мазкур тўхтаб қолиш назорат қилиб бўлмайдиган ёки корхонани ноилож харажатиدير;

- олдини олиб бўлмайдиган тўхтаб қолиш қиймати, махсулот бирлигига тушадиган ҳаққоний харажатдир. Шунинг учун, махсулот таннарҳига ҳам ташкил этувчи сифатида киритилиши керак.

Ишлаб чиқариш амалиётида қўшимча иш вақти, яъни маълум бир давр учун белгиланган иш соатларидан ортиқ ишлаганлик учун (одатда қўшимча ҳақ асосида) тўланадиган иш вақти харажатларига дуч келиш мумкин. Асосий ишчилар учун қўшимча иш вақтнинг зарурияти қуйидаги икки сабабга кўра пайдо бўлиши мумкин:

- ишлаб-чиқаришда тўлиқ ишлатилмаган вақтни тўлдириш учун;

- олдин режалаштирилганидан кўпроқ махсулот ишлаб-чиқариш учун.

Қўшимча иш вақти бўйича олдини олиш мумкин бўлган харажатлар фойда ва зарарлар ҳисобига ўтказилиши керак. Муқаррар ёки зарур қўшимча иш вақтидаги ишларнинг қиймати – ишлаб-чиқилган махсулот бирлиги бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар ҳисобланади ва ушбу birlikнинг таннарҳига киритилиши керак.

Ишлаб-чиқариш фаолияти унумдорлигини оширишда кадрларни моддий рағбатлантириш масаласи етакчи ўринлардан бирида туради. Моддий стимулларнинг ишлатилишидан мақсад –

махсулот бирлигига тушадиган сарфларни камайтиришдир. Бунда такдирлаш усуллари кўйидагилардир:

- вақтбай ҳақ тўлаш – ишлаб-чиқилган махсулот ҳажмидан қатъий назар меҳнатга белгиланган соатбай, кунбай ёки ҳафтабай ҳақ тўлаш меъёрини билдиради;

- ишбай вақт тўлаш – ҳар бир махсулот бирлиги учун сарфланган вақтдан қатъий назар белгиланган ҳақ тўланади (Дифференциал ишбай ҳақ тўлаш);

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг мукофот тизимларидан иборат бўлади.

Толлинг операцияларини амалга ошириш нафақат бўш турган ишлаб-чиқариш воситалар мавжудлигини талаб қилади, шунингдек, ушбу воситаларни ишга сола оладиган малакали кадрлар билан таъминланганлик даражасига ҳам жиддий талабларни кўяди. Барқарор ишлаб-ишлаб чиқариш фаолиятига ишчи кучининг кўнимсизлиги салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, ишдан кетган ходимнинг ўрнига одам кўйишда компания кўйидаги харажатларга дуч келади:

- бўш ўрин ҳақида эълон бериш ва танловни ўтқазтиш;
- ишдан кетишни ва алмаштиришни ташкил қилиш;
- ўргатиш ва тайёрлаш;
- янги ишчи керакли малакага эришгунга қадар ишлаб-чиқаришнинг пасайишига.

Демак, ходимнинг ишдан кетиш сабабларини таҳлил қилиш зарур бўлиб, бунда икки гуруҳдаги сабабларни алоҳида ўрганиш керак бўлади:

#### 1. Олдини олса бўладиган ҳолатлар:

- паст иш ҳақи;
- иш шароитининг ёмонлиги;
- ўқишга имкониятнинг етишмаслиги;
- лавозим бўйича кўтарилиш истиқболининг йўқлиги.

#### 2. Олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар:

- нафақага чиқиш;
- касаллик/ўлим;

- оилавий сабаблар (оғироёқлик);
- турар жойнинг ўзгариши.

Кўп ташкилотларда иш ҳақи харажатларнинг сезиларли қисмини ташкил қилади, шунинг учун, даврий равишда ўлчанган меҳнат унумдорлигини режалаштирилганига солиштириб бориш керак. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш учун, «меъёрий соатлар»ни ишлатиб олдиндан аниқланган катталиқ(ёки бюджет)га ҳақиқий унумдорликни солиштириш керак. Бунда «Меъёрий соат» тушунчаси қўлланилиб, бу тажрибали ишчи томонидан бир соат давомида ишлаб-чиқилиши лозим бўлган маҳсулот бирликларининг миқдорини англатади.

Толлинг операциялари ўзини оқлаши учун кам деганда зарарсиз фаолият юритилишини таъминлаши керак. Бунда, толлингнинг ҳажмига қараб зарарсизликка эришиш ёки эришмаслик мумкин. Демак, толинг операцияларини амалга оширишни иқтисодий асослаш учун фаолиятнинг зарарсизлик нуқтасини топиш керак. Зарарсизлик нуқтасини таҳлил қилишнинг мақсади - ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг маълум даражада ўзгариши ҳисобига молиявий натижаларнинг ўзгаришини аниқлаш. Зарарсизлик нуқтасининг таҳлили, корхона ихтиёридаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари имкониятида чегараланган миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга олган ҳолда, қисқа муддатда маҳсулот сотишдан тушган тушум, харажатлар ва фойданинг ўзаро боғлиқлигига асосланади.

Бухгалтерия диаграммалари ишлаб чиқаришнинг барча поғоналаридаги ялпи харажатлар ва даромадлар тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди. Шунинг учун фирманинг келажакда мўлжаллаган ишлаб чиқариш даражасида ялпи харажатлар ва даромадларнинг ўзгаришини кўриб чиқиш зарурати туғилади. Зарарсизлик нуқтасини таҳлил қилишда математик ёндашувдан фойдаланиш катта самара беради. Математик ёндашув – график усулдан фарқи ўлароқ, керакли маълумотларни олиш, хусусан компьютерлаштирилган молиявий андозаларга маълумотларни киритишда қулай ҳисобланади. Бунда,

бир бирлик махсулотнинг сотиш баҳоси ва унга кетадиган ўзгарувчан харажатлар доимий деб қабул қилинади, махсулот бирлигига сарфланувчи доимий харажатлар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ равишда ўзгаради. Масалан, маълум вақт оралиғида доимий харажатлар 10 000\$ ни ва ишлаб чиқарилган махсулотлар 10 000 бирликни ташкил этса, ҳар бир махсулотга тўғри келадиган доимий харажатлар 1\$ ни ташкил этади. Агарда, ишлаб чиқарилган махсулотлар 5000 бирликни ташкил этса, унда ҳар бир махсулотга тўғри келадиган доимий харажатлар 2 \$ га тенг бўлади. Яъни ишлаб чиқариш ҳажми турлича бўлганда махсулот бирлигига тўғри келувчи фойда ҳам турлича бўлади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва фойда ҳақидаги маълумотлар асосида сарфланган харажатлар тўғрисида хулоса чиқариш учун махсулот бирлигига тўғри келадиган доимий харажатларни ҳисоблаш нотўғридир.

Соф фойданинг ўзгарувчан ва доимий харажатларга боғлиқлигини куйидаги математик формула орқали ифодалаш мумкин:

$$NP = Px - (a + bx) \quad (5)$$

бу ерда:

NP- соф фойда;

x- сотилган махсулот миқдори, бирлик;

P- бир бирлик махсулотнинг сотиш баҳоси;

b- махсулот бирлигига тўғри келувчи ўзгарувчан харажатлар;

a- жами доимий харажатлар.

Зарарсиз фаолиятни таъминлашда хавфсизлик маржаси тушунчасидан фойдаланилади. Хавфсизлик маржаси компания томонидан зарарсиз фаолият кўрсатган ҳолда махсулот сотиш ҳажмини қай даражагача пасайтириш мумкинлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Шунингдек, хавфсизлик нуқтаси даражасини фоизлар орқали ҳам куйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$\text{хавфсизлик маржаси} = \frac{\text{кутилаётган сотиш ҳажми - зарарсиз сотиш ҳажми}}{\text{кутилаётган сотиш ҳажми}}$$

Ишлаб чиқаришнинг зарарсизлик нуқтаси таҳлил қилинаётганда қуйидаги чекланишлар ҳисобга олинади:

1. Барча бошқа ўзгарувчилар доимий ҳисобланади.
2. Махсулот турининг ягоналиги ёки номенклатурасининг доимийлиги.
3. Фойда ўзгарувчан харажатлар бўйича ҳисобланади.
4. Жами харажатлар ва ялпи даромад ишлаб чиқариш ҳажмининг чизиқли функцияси бўлиб хизмат қилади.
5. Таҳлил фақат мумкин бўлган ишлаб чиқариш ҳажми диапазонида амалга оширилади.
6. Харажатларни аниқлик билан доимий ва ўзгарувчан ташкил этувчиларга бўлиш мумкин.

## **12. Толлинг операцияларида ишлаб-чиқариш режасини тузиш**

Олдинги бўлимларда толлинг операциялари доимо самара бермаслиги ва ушбу операцияларни амалга оширишдан олдин пухта таҳлил ва ҳисоб-китоб талаб қилиниши тўғрисида сўз юритган эдик. Мазкур таҳлил ва ҳисоб-китобларнинг мантиқий давоми - ушбу натижаларни умумлаштириш орқали корхона бизнес-режасининг муҳим бўлими бўлган ишлаб-чиқариш режасини тузишдир.

Ушбу бўлимда ишлаб-чиқариш жараёнининг танланиши ва асосланиши ҳамда корхона техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган бўлиши керак. Мазкур бўлимда ишлаб чиқариш ва ишларни ташкил қилиш жараёнининг изчил тавсифи берилиши керак, бунда махсулот таннархига, етказиб бериш манбаларига ва бирон бир ресурсга боғлиқлик даражасига, яъни малакали ишчи кучи ёки ҳом-ашёнинг бирон бир турига таъсир қилувчи барча омилларни баҳолашга эътибор қилиниши керак. Ишлаб чиқариш режасининг баёни уни ўқийдиганлар учун тушунарли бўлиши керак. Ишлаб-чиқариш режасини ўқийдиганларга қуйидагича маълумотлар бериш лозим:

1. Корхона ишлаб чиқариш дастури. Унда ишлаб чиқариладиган махсулот ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади: махсулотнинг асосий тури ва ассортименти; қийматий ва натурал ифодаланишда ишлаб чиқариш ҳажмлари; махсулот бирлигининг сотилиш нархи; махсулотни сотишдан келадиган тушум. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш дастурида махсулот ишлаб чиқариладиган давр, қўшимча махсулот ҳамда ҳом-ашё ва материаллар қолдиқларининг ишлатилиши ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

2. Ишлаб чиқариш технологияси ва ташкил қилинишининг тавсифи. Махсулот қандай ишлаб чиқарилиши, қандай технологиялар қўлланилиши, ишлаб чиқариш жараёни қандай кечиши тавсифланади? Ҳали ишлов берилаётган муҳим жараёнларга ва ишлаб-чиқаришнинг муаммо туғдириши мумкин бўлган нозик босқичларига эътибор қаратиш керак бўлади.

3. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг миқдорий ва сифатий таркиби, асбоб-ускунани етказиб берувчилар, ускунани етказиб бериш ва ижарага олиш шартларини ўз ичига олади. Ускуналар ҳақида етарли маълумотларни, унга бўлган молиявий талаблар берилади, зарур ускунанинг ижарага олиниши ёки сотиб олиниши масаласи ҳал қилинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, шунингдек, уларнинг эскириш меъёрлари, керакли бўладиган бинолар, улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш майдонларининг тури, катталиги, қиймати, кенгайтириш имкониятлари тавсифланади. Мавжуд ускуналарнинг ишлатилиш даражаси кўрсатилади, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати аниқланади. Ускунага техник хизмат қилиш ва ушлаб туриш учун харажатлар ҳисоби аниқланади.

4. Ҳом-ашё ва материалларнинг етказиб берувчилари, уларнинг тахминий нархлари кўрсатилади. Режалаштирилаётган ишлаб чиқариш ҳажмлари учун зарур бўлган ҳом-ашё ва материалларни етказиб берувчилари, етказиб бериш шартлари, сотиб олиш нархлари ва б. ҳақида маълумот берилади.

5. Ишловчиларнинг сони ва ишлаб чиқаришга алоқадор

харажатларда ишлаб-чиқариш циклининг ҳар бир босқичида ишчиларнинг сони ва асосий ишлаб чиқаришда бўлмаган ишчилар сонини ҳисоблаб чиқилади. Ишлаб-чиқаришга алоқадор харажатларга ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ барча харажатлар киритилади.

6. Махсулот бирлигининг таннархи ва барча тайёр махсулотни чиқариш учун кетадиган харажатларга, махсулот таннархига кирувчи ва уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобланиши керак. Ҳисоб-китоблар ҳисобланиш кунига мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг охириги фармонлари ва қарорлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

7. Капитал қўйилмалар ҳажми ва инвестицион лойиҳа (агар қўлланилаётган бўлса) умумий қийматининг ҳисоб-китобида, ишлаб- чиқариш қандай босқичда тургани, лойиҳа, тажриба намунаси ёки ишлаб чиқаришга тайёргарлиги тавсифланади. Лойиҳанинг ўзини оқлаш муддати аниқланади.

8. Техник ва экологик ҳавфсизлик шартлари. Техник ҳавфсизлик қоидалари ва меъёрларига риоя қилиш ишлаб-чиқариш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, улар меҳнат қилишнинг зарур шароитларини таъминлайди. Экология масалалари ҳам четда қолмаслиги керак. Ҳозирги кунда бу энг долзарб масалалардан бири бўлиб, жамоатчилик ишлаб чиқаришнинг экологик тоза бўлишидан манфаатдордир.

Бизнес турига қараб ишлаб-чиқариш режасида (савдо режасида, юк ташиш режасида ва ҳ.) махсулотни ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш технологиясининг қисқача тавсифи берилади. Ишлаб-чиқариш режаси маркетинг-режага биноан ишлаб-чиқариладиган махсулотларни сотиш режаси ва корхонанинг лойиҳалаштирилаётган ишлаб-чиқариш қувватлари асосида шакллантирилади. Умуман технологик жараён (ишлаб-чиқариш жараёни) – бу бошланғич ҳом-ашё ва материалларни талаб қилинувчи сифатга эга бўлган ҳамда шахсий ва ишлаб-чиқариш истеъмолига ярайдиган махсулотга мақсадли равишда

айлантирилишидир. Корхоналарда икки турдаги ишлаб-чиқариш жараёнларини фарқлайдилар:

- асосий – меҳнат қилиш буюмининг (ҳом-ашё) тайёр маҳсулотга айлантириш билан бевосита боғлиқ (унни нон маҳсулотларига, жунни – матога в.б.);

- ёрдамчи – асосий жараёнларда бевосита иштирок қилмайди ва фақат уларнинг бажарилишига кўмак беради (таъмирлаш, меҳнат буюмларини силжитиш в.б.).

Ҳар қандай ишлаб-чиқариш жараёни бир қатор технологик операциялар – қисмлардан, меҳнат предметини ўзгартириш бўйича элементар ҳаракатлар ва кутилган натижани олишдан иборат. Операциялар қўл, машина, машина-қўл ва аппарат операцияларига турланади. Ишлаб-чиқаришнинг иш жойлари бўйича муфассал режалаштиришда қуйидагилар назарда тутилиши керак бўлади:

- операцияларни бажариш кетма-кетлиги;
- зарур ускуналар ва мосламалар;
- бошланғич ҳом-ашё ва материал тури;
- маҳсулотни қайта ишлаш режими;
- тайёр маҳсулот компонентларининг дозалари;
- ҳар бир операциянинг бажарилиши вақти;
- ишлаб-чиқарилаётган маҳсулот нимага аталганлиги;
- барча операцияларни бажариш ва маҳсулотга кетадиган тўла харажатлар;
- етказиб бериш муддатлари ва маҳсулот таннархи.

Ишлаб-чиқариш режаси корхона қувватига – маълум бир даврда ишлаб-чиқарилиши мумкин бўлган иш ҳажми ёки маҳсулот бирлигига мувофиқ бўлиши керак. Номинал қувватга нормал иш шароитида эришилади. Бунда ўрнатилган ускуналар, ишдаги танаффуслар, тўхтаб қолишлар, байрам кунлари, ускунага техник хизмат кўрсатиш вақтлари ва сменалар сони ҳисобга олинади.

Максимал қувват – ўрнатилган ускуналар унумдорлигига мувофиқ келадиган техник эришиб бўладиган қувват ҳисобланади. Режа бўйича талаб қилинадиган корхона қувватига ички резервлар

ҳисобига ёки қуйидаги йўл билан қўшимча фондларни ишга солиш ёрдамида эришса бўлади:

- реконструкция натижасида ишлаб-чиқариш қувватларини ишга тушириш;

- реконструкция натижасида ишлаб-чиқариш қувватларини ўстириш;

- ишлаб турган цехларни кенгайтириш ва янги цехларни қуриш.

Корхонанинг зарур бўлган қувватини аниқлаш техник-иқтисодий асосланма тайёрлаш давомида қуйидагиларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади:

- ишлаб-чиқарилаётган маҳсулотга талаб ва бозорга кира олиш даражасини прогноз қилиш;

- зарур ресурслар, ҳом-ашё ва материалларнинг мавжудлиги;

- ишлаб-чиқариш тури – донали, серияли ва оммавийлиги;

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматларнинг хусусияти;

- қўлланиладиган технология;

- мазкур турдаги ишлаб-чиқаришнинг ўзини-ўзи қоплайдиган энг кичик ҳажми;

- мувофиқ ускуналар мавжудлиги (машина, станоклар ва б. иш/чиқ. воситалари).

Маҳсулот ишлаб-чиқаришнинг (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) аниқ ҳажмлари потенциал шароитлар ва корхона имкониятларига мос равишда қуйидагиларни ҳисобга олиб режалаштирилади:

- узок муддатли стратегия мақсадларини;

- ишлаб-чиқариш қувватларининг ҳолати ва салоҳиятини;

- профессионал кадрларнинг мавжудлиги ва уларни ўқитиш режасини;

- зарур ҳом-ашё, электроэнергия, ёқилғи ва бошқа компонентлар билан ишлаб-чиқаришнинг ҳақиқатда таъминланишини;

- ишлаб-чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш, янгисини ўзлаштириш;

- экологик ҳолат ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ташқи муҳитга таъсирини.

Бундан ташқари янги энергия тежовчи технологияларнинг қўлланилишини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Ишлаб-чиқариш ҳажмини режалаштиришда тавсия этилаётган дастур бўлиб, унда маҳсулот ҳажми ва унинг турлари кўриб чиқилган (12.1 жадвал).

12.1 жадвал

**Корхона ишлаб-чиқариш режаси – маҳсулот ишлаб-чиқариш ҳажми, натурал бирликларда**

Маҳсулот	Йил ойлари											
	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июнь	Июль	Авг.	Сен.	Окт.	Нояб.	Дек.
А маҳсулот	100	100	200	200	250	150	100	50	50	50	100	100
В маҳсулот	300	200	200	100	100	100	50	50	50	100	200	250
С маҳсулот	200	200	200	200	200	200	200	200	200	200	200	200
Д маҳсулот	-	-	-	300	300	300	300	300	300	-	-	-

Қувватлар ва ишлаб-чиқариш дастурини аниқлагандан кейин корхонанинг моддий ресурсларга эҳтиёжи ҳисобланади. Бундай ҳисоб-китоблар улардан фойдаланиш самарадорлигини, ҳамда уларни сотиб олиш ва молиялаштиришнинг эҳтимолий манбаларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Моддий ресурсларга ишлаб-чиқаришнинг эҳтиёжларини ҳисоблашда бошланғич маълумот сифатида маҳсулот ишлаб-чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг режалаштирилган ҳажмлари, ҳамда маҳсулот бирлигига моддий ресурсларнинг харажат меъёрлари олинади. Моддий ресурсларга эҳтиёж тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади, яъни материаллар харажати меъёрини мувофиқ ҳажм кўрсаткичларига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Ушбу эҳтиёж барча ресурслар бўйича натурал ва қийматий ифодаланиш орқали аниқланади. (12.2 жадвал).

Ишлаб-чиқариш захираларининг ҳажми, йил давомида бир суткада ишлатиладиган материал миқдорининг меъёр сифатида олинини билан аниқланади ва йил охирига ўтувчи захира сифатида

ҳисоб-китоб қилинади.  $i$ -чи материал бўйича ўтувчи захира миқдори (кунларда):

$$T = Q_i M_i / K_n, \quad (6)$$

Бу ерда,  $Q_i$  –  $i$ -чи материалга бўлган эҳтиёж;

$M_i$  –  $i$ -чи материалнинг ўтувчи захираси;

$D_n$  – бир йилда кунлар сони (режалаштирилаётган даврда)

Ўтувчи захира меъёри ўртача, жорий ва суғурта захиралари йиғиндиси билан аниқланади.

12.2 жадвал

Ишлаб-чиқариш дастурини амалга ошириш учун ресурсларга бўлган талабнинг ҳисобланиши (ҳом-ашё ва материаллар)

Ресурслар номланиши	Йил						
	0				1	...	n
	Натурал бирликларда миқдори	Ресурс бирлиги нархи, сўм	Жами қиймати, сўм	Ўтувчи захира қиймати, сўм			
1. ҲОМ-АШЁ ВА МАТЕРИАЛЛАР							
2. СОТИБ ОЛИНАДИГАН ВА БУТЛОВЧИ МАХСУЛОТЛАР							
3. ЁҚИЛҒИ							
4. ЭНЕРГИЯ							
5. Жами							

Саноат корхоналарида махсулот ишлаб-чиқариш ҳажмини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири – уларнинг зарур миқдорда асосий воситалар билан таъминланганлиги ва уларнинг самарали ишлатилишидир.

Ахборот манбаи: 1-сон шакл «Корхона баланси», 2-сон шакл «Асосий воситалар ҳақида ҳисобот», асосий воситаларни қайта баҳолаш тўғрисида маълумотлар, асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкалари, лойиҳа-смета ва техник ҳужжатлардир.

Асосий воситалар ҳаракати ва техник ҳолатининг таҳлили бухгалтерия ҳисоботида акс этирилган бўлиб, катта аҳамиятга эга.

Ишлатилиш муддати ва маънавий эскиришини тавсифлаш учун асосий воситаларни фойдаланиш муддатлари бўйича гуруҳлайдилар (5 йилгача, 5-10, 10-20 йил ва 20 йилдан ортиқроқ), ускунанинг ўртача фойдаланиш муддатини ҳисоблайдилар.

Асосий ишлаб-чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги ва интенсивлигини умумий тавсифлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

- фонд рентабеллиги (соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати);

- фондлар унумдорлиги (ишлаб-чиқарилган маҳсулот қийматининг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати);

- асосий ишлаб-чиқариш фондларининг актив қисмининг унумдорлиги (ишлаб-чиқарилган маҳсулот қийматининг асосий воситалар актив қисмининг ўртача йиллик қийматига нисбати);

- фонд сифими (ҳисобот даврида ишлаб-чиқарилган маҳсулот қийматининг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати).

Таҳлил давомида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар динамикаси ва улар даражаси бўйича режанинг бажарилиши ўрганилади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги умумлашма кўрсаткичи таҳлил қилинганидан кейин корхона ишлаб-чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ўрганилади, яъни техника, технология ва ишлаб-чиқаришни ташкил қилиш эришилган ёки режалаштирилган даражасида маҳсулот ишлаб-чиқаришнинг максимал эришиб бўладиган ҳажми.

Ускуналарга экстенсив юклама даражасини тавсифлаш учун унинг ишлаш вақти баланси ўрганилади:

- тақвимий вақт фонди – ускуналарни ишлатишнинг максимал мумкин бўлган вақти (ҳисобот давридаги календар кунлари 24га ва ўрнатилган ускуналар birlikлари сонига кўпайтирилади);

- режимли (номинал) вақт фонди (ўрнатилган ускуналар birlikлари сони ҳисобот даври иш кунлари сонига ва ҳар кунлик

иш соатлари миқдорига кўпайтирилади, смена ишлатилиши коэффициентлари ҳисобга олинган ҳолда);

- режали фонд – режа бўйича ускуналарнинг ишлаш вақти, режимли вақтдан фарқи шундаки, ускуналарнинг режали таъмирланишда бўлиш ва модернизациялаш вақтлари ҳам ҳисобга олинади;

- ҳақиқатда иш бажарилган вақт фонди (ҳисоб юритиш маълумотларига биноан).

Бинолар, қурилмалар, машиналар ва ускуналарга бўлган эҳтиёж ишлаб-чиқариш қувватлари, қабул қилинган технология, тармоқ хусусияти ва ҳар бир турдаги ускуна унумдорлиги асосида аниқланади. Режали ҳисоб-китоблар натижалари 12.3жадвалда жамланади.

12.3 жадвал

Асосий фондларга эҳтиёж

Асосий воситалар фонди, сўм	Йил					
	0			1	...	n
	Ишлаб турганлари, сўм	Умумий эҳтиёж, сўм	Асосий фондлар ўсиши, сўм			
1. Ишлаб-чиқариш бинолари, иншоатлари						
2. Ишчи машиналари ва ускуналар						
3. Транспорт воситалари						
4. Бошқалар						
5. Жами						

Изоҳ: Асосий фондларга эҳтиёжни ҳисоблаш ишлаб-чиқариш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда асосий воситаларнинг ҳар бир тури бўйича амалга оширилади.

Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлигига қараб бажариладиган ишлар ҳажми ва ўз вақтида амалга оширилиши, ускуна, машина ва механизмлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида маҳсулот ишлаб-чиқариш ҳажмлари, унинг таннархи, фойдаси ва қатор иқтисодий кўрсаткичларига таъсир қилади.

Ахборот манбаига: меҳнат режаси, «Меҳнат бўйича ҳисобот» статистик ҳисоботи, табел ҳисоби ва кадрлар бўлими маълумотлари киради.

Корхонанинг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ишчиларнинг тойифалар ва касблар бўйича ҳақиқий сонини режада талаб қилинган сонига солиштириш йўли билан аниқланади. Энг муҳим касбларга эгалик қилган кадрлар билан корхонанинг таъминланганлик даражасини таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилади.

Персоналдан фойдаланиш даражасини таҳлил қилинаётган даврда бир ишчи меҳнат қилган соатлар ва кунлар сонига, ҳамда иш вақти фондининг ишлатилиш даражасига қараб баҳолаш мумкин. Бундай таҳлил ходимларларнинг ҳар бир тойифаси, ҳар бир ишлаб-чиқариш бўлинмаси ва бутун корхона бўйича ўтказилади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини, меҳнат унумдорлигининг таҳлилин, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ равишда ўтказиш керак. Иш ҳақи фондининг ишлатилишини таҳлил қилишда ходимларнинг ўртача иш ҳақиси, унинг ўзгариши ва унинг даражасини белгилайдиган омиллар ҳақида маълумотларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун, корхона, ишлаб-чиқариш турлари, бўлинмалар, тойифалар ва касблар бўйича ходимлар ўртача иш ҳақиси даражасининг ўзгариш сабабаларини таҳлил қилиш керак.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг самарадорлигини баҳолаш учун ойлик иш ҳақининг бир сўмига тўғри келадиган амалдаги нархларда маҳсулот ишлаб-чиқариш ҳажми, тушум миқдори ва соф фойда каби кўрсаткичларни қабул қилиш керак.

Меҳнат ресурсларини режалаштириш тойифалар бўйича ишчилар, МТХ(муҳандис техник ходимлар) ва хизматчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Ушбу мақсадда ишчилар ва хизматчиларга алоҳида штатлар жадвали тузилади (12.4 ва 12.5 жадваллар).

## Штатлар жадвали (ишчилар)

№ т/р	Лавозим	Смена	Сони	
1.	Цех №1	1		
2.		2		
3.		3		
1.	Цех № 2			
2.				.
3.				.
				n
	Жами			

Асосий ишлаб-чиқариш персоналига бўлган талабни аниқлашнинг яна бир йўли – ишлаб-чиқариш дастурига биноан ишлаб-чиқариш ҳажмлари даражасига қараб ҳисоблашдир. Ходимлар сонини ҳисоблашда, авваламбор, вақт фонди ва ишлаб-чиқариш меъёрларини ҳисобга олган ҳолда тахминий ҳисоб-китоб қилинади. Бунда асосий, ёрдамчи ва бошқа турдаги ишчилар алоҳида ҳисобланади. Мухандислик-техник ходимлар, хизматчилар ва бошқарув персоналининг бошқа тойифалари штатлар жадвалига биноан аниқланади.

## Штатлар жадвали – МТХ ва хизматчилар

Корхона бўлинмалари	МТХ ва хизматчилар сони
Лавозим	
1. Бухгалтер	
2. Менежер	
Жами МТХ ва хизматчилар сони	

Ишчиларга, МТХ ва хизматчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, корхонанинг бўлинмалари ва ходимлар тойифалари бўйича иш ҳақи фондини ҳисоблаш имконини беради.

### 13. Ўзбекистон иқтисодиётида толлинг операцияларини амалга оширишнинг зарурияти

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакат бўлиб, миллий иқтисодиётда хўжалик юритишнинг турли усуллари самарали қўлланилиб келинмоқда. Ҳозирда республика корхоналаридаги ишлаб-чиқариш қувватлари инновацион лойиҳалар асосида модернизация, техник-технологик янгилаш асосида реконструкция қилинмоқда. Шунинг учун, Ўзбекистон қудратли саноат ишлаб-чиқариш потенциалига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, замон талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб-чиқаришга имкон берадиган ишлаб-чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишнинг уйдасидан чиқиш қийин бўлмоқда. Бунга сабаб, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жаҳон бозоридаги ишлаб-чиқарувчилар орасидаги кескин рақобатдир. Ушбу вазиятда толлинг операцияларининг қўлланилиши ушбу қувватлардан унумли фойдаланиш усулларида бири бўлмоғи мумкин.



13.1-расм. Ўзбекистон Республикасидаги нефт ва газ захиралари дислокацияси<sup>41</sup>.

<sup>41</sup> www.ung.uz

Шунинг учун, қуйида миллий иқтисодиётимиз реал секторининг етакчи тармоқларидан бири бўлган нефт-газ ишлаб-чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида толлинг операцияларининг истиқболини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси бошқа табиий бойликлар қатори нефт ва газ ҳом-ашёсининг катта захирасига эга бўлиб, мамлакат ҳудудининг ярмисидан кўпи углеводород ҳом-ашёсини қазиб чиқариш учун салоҳиятлидир. Шунинг учун, XIX-асрнинг охириги ўн йилликларидан бошлаб нефт-газ ҳом-ашёси қазиб чиқариш саноати ривожлана бошланди.

Истиқлол йилларида нефт-газ саноати янада шиддат билан ривожлана бошланиб, республика ички эҳтиёжларидан ошириб экспортга ҳам маҳсулот чиқара бошлади. Нефт-газ саноатининг ривожланиши ички ва ташқи омиллар таъсирида, ҳалқаро глобаллашув шароитида ҳамда миллий бозор иқтисодиёти шаклланиши талаблари остида қайта қурилиши лозим бўлиб қолгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-2154-сон Фармони билан 1998 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий нефт-газ холдинг компанияси ташкил қилинди<sup>42</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилдаги қарори билан янги тузилган миллий холдинг компанияси ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш йўналишлари белгиланди<sup>43</sup>.

«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси (МХК) углеводород ҳом-ашёси қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва нефт-газ маҳсулоти ишлаб чиқарадиган яҳлит саноат комплекси сифатида, ўз олдига қўйилган муҳим вазифаларни муваффақият билан ҳал қилиши учун мураккаб ташкилий тузилмага эга (13.2-расм). МХК тизимида 200га яқин корхона ва ташкилот фаолият кўрсатиб, XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида чуқур ички интеграциялашган йирик корпоратив тузилмани ташкил қила бошлади.

---

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.1998 йилдаги ПФ-2154-сон «Ўзбекнефтегаз» нефт ва газ саноати миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қайта ташкил этиш» Фармони.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиши тўғрисида» 10.11.2001 йилдаги 523-сон Қарори.



Холдинг компанияси нафақат ички бозорни нефт-газ махсулотлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилибгина қолмасдан, балки самарали ташқи иқтисодий фаолиятда ҳам катта ютуқларга эришди. Буни охириги йиллардаги унинг экспорт ва импорт операциялари кўламида ҳам кўришимиз мумкин (13.3-жадвал). Ҳозирда компания устав фонди 617,6 млрд. сўмга етказилиб, даврий равишда унинг катталиги ошириб борилмоқда<sup>44</sup>.

13.3-жадвал.

«Ўзбекнефтогаз» МХК экспорт-импорт фаолияти кўрсаткичлари<sup>45</sup>.

N	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2006	2007	2008	2009
1	Товар махсулотини и/ч ҳажми	млрд.сўм	2478,9	3226,2	4510,5	4954,5
2	Махс. иш/чиқ. учун ҳом-ашё ва бошқ. ҳажми	млрд.сўм	102,2	130,6	167,1	213,5
3	Экспорт, жами тармоқ бўйича	млн.долл.	1038,4	1901,1	2747,5	5195,7
4	Импорт, жами тармоқ бўйича	млн.долл.	506,0	502,1	490,6	482,5
	ш.ж. технологик ускуна ва эҳтиёт қисм	млн.долл.	105,6	102,4	105,4	113,5
	и/ч учун бутловчи қисмлар, ҳом-ашё ва материаллар	млн.долл.	365,7	378,7	365,2	349,9
	ноиш/чиқ. мақсадида тайер махсулот ва материаллар	млн.долл.	0,6	2,2	1,4	1,3
	хизматлар	млн.долл.	34,1	18,8	18,6	17,8
5	И/чган товар махсулотда импорт улуши	%	24,9	19,7	14,4	12,9
6	Илгари импорт қилинган махсулотни маҳаллий и/чиқарувчилардан сотиб олиш	млрд.сўм	5,599	22,225	138,05	158,80

Шу билан бирга, МХК молия бозорида ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда, бу унга самарали тарзда инвестициялар жалб қилиш имкониятини бермоқда<sup>46</sup>. Масалан, 2009 йил учун тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича 3 млрд. 950 млн. АҚШ доллариға эквивалент маблағдаги инвестициялар ўзлаштирилган.


Яқин йиллар учун республика нефт-газ мажмуаси бўйича янги қурилишлар бўйича 18,5 млрд. АҚШ доллари ва модернизация қилиш бўйича 6 млрд АҚШ доллари миқдори ҳажмида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Ўз маблағлари

<sup>44</sup> Маълумотлар [www.ung.uz](http://www.ung.uz) сайтидан олинган.

<sup>45</sup> Маълумотлар «Ўзбекнефтогаз» МХКдан олинган.

<sup>46</sup> Рыжановская Л. Повышение роли финансового рынка в мобилизации и эффективном использовании инвестиционных ресурсов. -М.: Финансы и кредит, №6, 2002.С.19.

ҳисобидан 8,2 млрд.доллар, Ўзбекистон реконструкция ва ривожланиш фонди ҳисобидан 2,5 млрд. доллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан 13,5 млрд.доллар маблағ жалб қилинади. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишидан 10,4 млрд. долларлик қўшимча маҳсулот ишлаб-чиқарилишига, йиллик экспортнинг 6,5 млрд. долларга оширишга имкон яратиши кутилмоқда.




13.4-расм. 2010 йилда Ўзбекистоннинг экспорт таркибида энергия манбалари салмоғи<sup>47</sup>.

«Ўзбекнефтвергаз» МХК тизимида турли хўжалик юритиш бўғинлари мавжуд бўлиб, тадқиқот мавзуси бағишланган толлинг операциялари унинг тайёр маҳсулот ишлаб-чиқариладиган бўлинмаларида қўлланилиши мумкин. Масалан, «Ўзнефтвермаҳсулот» АК унда нефтвергаз ҳом ашёсини қайта ишлаш ва нефтвермаҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланиб, айнан шундай корхонага мисол бўлиши мумкин. «Ўзнефтвермаҳсулот» АК бошқарув ташкилий тузилмаси (13.5-расм) унга юклатилган барча функцияларни бажариш учун йўналтирилганини кўрамиз. Ушбу тузилмада нефтвергаз ҳом-ашёсини қайта ишлаш, сақлаш, сотиш тизимида тақсимлаш ва якуний

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси статистик тўплами.


истеъмолчига етказиб бериш вазифаларини амалга оширишга масъул бўлган бўлинмалар мавжуд бўлиб, ички бозор эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган.



13.5-расм. «Ўзнефтвахсулот» акциядорлик компаниясининг бошқарув ва ташкилий тузилмаси.<sup>48</sup>

Корхона бошқарув-ижроия аппарати (13.6-расм) корхонага юклатилган вазифаларни самарали бажаришга мўлжалланган бўлиб, молия-хўжалик фаолиятини безарар юритилишини таъминлайди. Шу билан бирга, ушбу акциядорлик жамиятига қарашли ишлаб-чиқариш корхоналарида ишлаб-чиқариш қувватлари тўлиқ ишга солинмаган бўлиб, мазкур соҳада толлинг операцияларини қўллаш зарурияти ва имконияти бор. Шунинг учун, ҳозирда тизимга қарашли корхоналар безарар фаолият юритишларини таъминлаш ва қўшимча даромад олиш учун толлинг операциялари қўлланила бошланди.

<sup>48</sup> «Ўзнефтвахсулот» АК 28.11.2006 йилдаги 137-сон буйруғи 1-Иловаси билан тасдиқланган.



13.6-расм. “Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси ижроия аппарати тузилмаси.<sup>50</sup>

<sup>50</sup> «Ўзнефтмаҳсулот» АК 28.11.2006 йилдаги 157-сон буйруқи 2-Иловаси билан тасдиқланган.

## **14. Республика нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг операцияларини ташкил этиш амалиёти**

Ўзбекистон нефт-газ комплексида толлинг операцияларини амалга ошириш амалиётини ўрганиш учун, қуйида мисол тариқасида “Ўзнефтмахсулот” акциядорлик компаниясига қарашли Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи фаолияти таҳлил қилинди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (ФНҚИЗ) “Ўзбекнефтгаз” холдинг компаниясига қарашли “Ўзнефтмахсулот” акциядорлик компаниясининг унитар шуъба корхонаси (УШК) ҳисобланади. ФНҚИЗ 1959 йилда фойдаланишга топширилган. Заводнинг асосий мақсади таъминладиган углеводород ҳом-ашёсидан юқори сифатли нефт махсулотларини ишлаб чиқаришдир. ФНҚИЗ 60 дан ортиқ турдаги махсулот ишлаб-чиқаради, бензинлар, авиация керосини, дизел ёқилғиси, суртма ёғлар, мазут, қуюлтирилган газ ва бошқалар.

Завод махсулотининг асосий буюртмачиси – “Ўзнефтмахсулоти” АК ва бевосита истеъмолчилари – “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК, Мудофаа вазирлиги, Ўзбекэнерго, “Ўзбекнефтегаз” МХК корхоналари ҳисобланади.

ФНҚИЗ лойиҳавий ишлаб-чиқариш қувватлари йилига 6450 минг тн углеводород ҳом-ашёсини қайта ишлаш ташкил қилади. Ҳозирги пайтда ФНҚИЗнинг ишлаб-чиқариш қувватлари тўлиқ ишлатилмаяпти. 2009 йилда ишлаб-чиқариш қувватлари 50,7 фоизга ишлатилган бўлса, 2010 йилда 40,3 фоизни ташкил қилди.

Агар республика божхона худудида 250 минг тн ҳом-ашёни қайта ишлаш йўлга қўйилса, 2011 йил 10 ойининг ўзида завод ишлаб-чиқариш қувватларининг ишга солиниши даражаси 4,65 фоизга ортар экан.

Божхона худудида қайта ишлаш учун ФНҚИЗга етказиладиган углеводород ҳом-ашёси сифатида «KanInterOil» компанияси таъминлайдиган Қозоғистон Республикасида ишлаб-чиқарилган суюқ ёқилғи хизмат қилади.

Углеводород ҳом-ашёсини қайта ишлаш учун маълум бир ёрдамчи материаллардан фойдаланиш зарур бўлади (14.1-жадвал).

14.1-жадвал

1 тонна ҳом-ашёни қайта ишлаш жараёнида қуйидаги ёрдамчи материаллари ишлатилади

т/р	Материаллар номланиши	Ўлчов бирлиги	Харажат меъёри
1	Каустик сода	тн.	0,00005
2	Фенол	тн.	0,00035
3	МЭК	тн.	0,00022
4	Толуол концентрати	тн.	0,00051
5	Аммиак	тн.	0,00008
6	Пропан	тн.	0,00033
7	Буғ	Гкал	0,19985
8	Эл.энергия	кВт/час	53,09914
9	Сув	М <sup>3</sup>	32,63341
10	Сиқилган ҳаво	М <sup>3</sup>	19,91649

ФНҚИЗнинг асосий ҳом-ашё ресурсини ўзбек конларининг ҳом-ашёлари ташкил қилади. Бироқ, нефт қудуқлари дебитининг тобора камайиб бориш тенденцияси сабабли асосий углеводород ҳом-ашёси етишмаяпти. Бу эса ишлаб-чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасига таъсир қилмоқда. Бунда ишлаб-чиқариш жараёнида импорт ҳом-ашёсининг улуши 19,7 фоизни ташкил қилмоқда. Бироқ, ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқроқ ишга солиш учун ҳом-ашёни импорт қилиш ва уни қайта ишлаш орқали ишлаб-чиқарилган маҳсулотни ички бозорда сотиш бутун ишлаб-чиқариш цикли харажатларини қопламас экан (14.2-жадвал).

Юзага келган вазиятдан қутилиш учун углеводород ҳом-ашёсини толлинг асосида божхона худудида қайта ишланишини йўлга қўйиш зарур бўлади.

**1 тонна импорт хом-ашёсиши (Қозғоғистоп Республикасида) қайта ишлаб Республика ички бозорида тайёр  
махсулотни сотишиниң самардорлигини баҳолаш**

т/р	Помланши	Ўл. бдр.	Микд.	1 ттг. пархи, долл.	21.02.2011 й. нашота курси	Пархи сўм/тн	Сумма сўм
	<b>Харажатлар</b>						
1	Хом-ашё киймати	тн	1	477,63	1660,7	793 200	793 200
2	Қайта ишлаш харажатлари	тн	1	18	1660,7	29 893	29 893
3	Сотилш харажатлари	тн	0,93			41 382	38 485
	<i>Шу жумладан п/й кодлари</i>		0,93	11,37	1660,7	18 882	17 560
	<b>Жами харажатлар</b>						<b>861 578</b>
	<b>Ташиш харажатлари билан сотишлар даромад</b>						
т/р	Помланши	Ўл. бдр.	Микд.			Улгужа пархи сўм/тн	Сумма сўм
4	Автомобил бегзини	тн	0,154			730 500,00	112 497
5	Техник керосин	тн	0,090			300 000,00	27 000
6	Дизель ёқилғиси	тн	0,281			730 950,00	205 397
7	Печка ёқилғиси	тн	0,050			300 000,00	15 000
8	Саноат ёқлари	тн	0,090			400 000	36 000
9	Суюқ йўл битуми	тн	0,050			160 000	8 000
10	Кокс, жами	тн	0,030			54 000	1 620
11	Мазут	тн	0,185			123 500	22 848
12	Ташиш харажатлари					22 500	22 500
	<b>Жами даромад</b>		<b>0,930</b>				<b>450 861</b>
13				Молиявий ялғизжа		<b>Фойла</b>	
14	<b>Жами хажм учун</b>	<b>тн</b>	<b>250 000</b>			<b>Зарар</b>	<b>-410 717</b>
						<b>Зарар</b>	<b>-102 679 174 718</b>

Бир тонна углеводород ҳом-ашёсини қайта ишлаш қиймати 18 АҚШ долларини ташкил қилади. Қайта ишлаш учун хизмат ҳақи АҚШ долларларида ҳар бир етказилган маҳсулот партияси ҳисобидан 100 фоиз олдиндан тўлов асосида амалга оширилади. Ишлаб-чиқарилган маҳсулот буюртмачига ФНҚИЗ лабораториясида таҳлилдан ўтказилганидан кейин етказиб берилади. Толлинг асосида қайта ишланган ҳом-ашёдан қуйидаги нефт маҳсулотлари олинади:

14.3-жадвал

«KanInterOil» компанияси (Қозоғистон Республикаси) таъминлайдиган суюқ ёқилғидан олинандиган нефт маҳсулотлари турлари

<b>Нефт маҳсулотларининг номланиши</b>	<b>Чикиш, %</b>
Автомобил бензини	15,4
Техник керосин	9,0
Дизель ёқилғиси	28,1
<b>Оч ранг ёқилғи миқдориси</b>	<b>52,5</b>
Печка ёқилғиси	5,0
Саноат ёғлари И-12А, И-20А	9,0
Суюқ йўл битуми	5,0
Кокс, жами	3,0
Мазут	18,5
Ёқилғи гази	4,0
Йўқотишлар	3,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>100,0</b>

Мазкур ҳом-ашёнинг бир тоннасини қайта ишлашда қуйидаги харажатлар сарф қилинади:

- тўғридан-тўғри (ўзгарувчан) харажатлар 12 888 сўм (7,76 долл.);
- билвосита (доимий) харажатлар 2221 сўм (1,34 долл.);
- ишлаб-чиқаришга йўналтирилган устама харажатлар 3400 сўм (2,05 долл.);
- амортизация 1596 сўм (0,96 долл.);
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари 1173 сўм (0,71 долл.);

- хизматларнинг ишлаб-чиқариш таннархи 21278 сўм (12,81 долл.);

- давр харажатлари маҳсулот таннархининг 27,72 фоизи – 5898 сўм (3,55 долл.);

- рентабеллик 10 фоиз – 2718 сўм (1,64 долл.);

- 1 тонна ҳом-ашёни қайта ишлаш учун умумий харажатлар 29894 сўмни ташкил қилади (18 долл.);

- 250 минг тонна суюқ ёқилғини қайта ишлаш умумий харажатлари 7473150 минг сўмни ташкил қилади (4500000 долл.);

Қўшимча маъмурий харажатлар йўқ.

Толлинг асосида маҳсулотни қайта ишлаш ФНҚИЗнинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсир кўрсатмайди ва бошқа маҳсулотларни ишлаб-чиқаришга ҳалал бермайди.

Нефт қолдиқларини қайта ишлаш харажатлари 14.4-жадвалда келтирилганидек бўлади.

#### 14.4-жадвал

##### ФНҚИЗда 1 тонна нефт қолдиғини қайта ишлаш харажатлари

	Номланиши	Ўл. бирлиги	Миқ- дор	Нарх сўм	Сўмларда	Харажат АҚШ долл.	
<b>Ўзгарувчан харажатлар (ҳом-ашё қийматини қўшмаганида)</b>							
<b>Шу жумладан: жами</b>					<b>12 888</b>	<b>7,76</b>	
<i>Импорт реагентлари</i>							
<b>1</b>	1	Каустик сода	тн.	0,00005	1 045 138	57,00	0,03
	2	фенол	тн.	0,00035	4 037 900	1407,00	0,85
	3	МЭК	тн.	0,00022	4 112 317	907,00	0,55
	<i>Маҳаллий реагентлар</i>						
	1	толуол концентрати	тн.	0,00051	699 138	357,00	0,21
	2	аммиак	тн.	0,00008	308 510	26,00	0,02
	3	пропан	тн.	0,00033	926 657	310,00	0,19
<i>Энергия ресурслари жами (маҳаллий)</i>							
<b>2</b>	1	Буг	Гкал	0,19985	18 129,47	3623,20	2,18
			кВт /соа				
	2	эл.энергия	т	53,09914	68,89	3658,00	2,20
	3	сув	м3	32,63341	69,15	2256,60	1,36
	4	сиқилган ҳаво	м3	19,91649	14,37	286,20	0,17
	5	ёқилғи газид*	тн.	0,04		0	

<b>Доимий харажатлар</b>					
<b>Шу жумладан: Жами</b>			<b>8 390</b>	<b>5,05</b>	
<b>3</b>	1	<i>Меҳнатга тўғри харажатлар</i>	1173	0,71	
	2	<i>Билвосита харажатлар ( завод ичида хайдаш)</i>	2 221	1,34	
	3	<i>Ишлаб-чиқаришга йўналтирилган устама харажатлар</i>	3 400	2,05	
	4	<i>Амортизация</i>	1 596	0,96	
<b>4</b>	<b>Ишлаб-чиқариш тан нархи (ёқилги гази ҳисобланмаганда)</b>		<b>21 278</b>	<b>12,81</b>	
<b>Давр харажатлари 27,72 фоиз (2010 й. 9 ойида)</b>			<b>5 898</b>	<b>3,55</b>	
<b>5</b>	1	<i>ш.ж. Маъмурий харажатлар</i>	465	0,28	
	2	<i>Сотиш харажатлари</i>	1 873	1,13	
	3	<i>Бошқа харажатлари</i>		3 560	2,14
		<i>ш.ж. йўл фондига ажратма 1,4%</i>		419	0,25
		<i>Нафақа фондига ажратма 1,6%</i>		478	0,29
		<i>Мактаб фондига ажратма 0,5%</i>		149	0,09
<b>6</b>	<b>Солиқ тўлангунга қадар фойда</b>		<b>2 718</b>	<b>1,64</b>	
<b>7</b>	<b>Фойда солиғи 9%</b>		<b>245</b>	<b>0,15</b>	
<b>8</b>	<b>Инфратузилма солиғи</b>		<b>198</b>	<b>0,12</b>	
<b>9</b>	<b>Соф фойда</b>		<b>2 275</b>	<b>1,37</b>	

14.5-жадвал

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 2006-2010 й. учун айрим асосий молиявий кўрсаткичлари<sup>49</sup>, минг сўмда.

<b>Курсаткичларнинг номи</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>	<b>2010</b>
Асосий воситалар қолдик қиймати	178010560	164100612	195708763	204108582	216532484
Дебиторлар	191252715	311633633	330210805	341320876	350127087
Пул маблағлари	33295915	17177106	12628460	39677287	102389464
Қиска муддатли молиявий қўйилмалар	0	45840	0	0	3148968
Жами жорий активлар	288109502	388163541	431724761	470475635	719235336
Баланс бўйича жами активлар	476810667	567623314	645423788	772518446	1050961983
Устав капитали	120858282	120667190	120667190	120667190	120667190
Жами ўзлик активлари	240057020	359606630	376972563	439632040	350634781
Жорий мажбуриятлар	151309263	208016684	268451225	332886406	700327202
Махсулотларни сотишдан соф тушум	631815842	941887513	1143273241	1237904054	1145669106
Соф фойда	21053185	155207024	73983799	108238922	-46893899

<sup>49</sup> Маълумотлар корхона молиявий ҳисоботларидан олинган.

Юқорида санаб ўтилган шароит мавжуд бўлганида толлинг схемасини кенгайтириш заруриятини асосли деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиб кўрайлик (14.5-жадвал).

Бундан ташқари иқтисодий таҳлил тўлиқ бўлиши учун молиявий таҳлил коэффициентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин (16.6-жадвал). Қуйида корхонанинг молиявий кўрсаткичлари билан биргаликда молиявий таҳлил коэффициентлари ҳам таҳлил қилинган.


Корхона фаолиятини умумий иқтисодий таҳлил қилганимизда унинг асосий кўрсаткичлари, сотишдан тушум ва соф фойда динамикасини ўрганишимиз керак бўлади. 17.7-расмдан кўришиб турибдики, корхона бутун беш йил давомида нисбатан барқарор ўсган, ҳамда маҳсулот сотишдан тушум асосан ўсиш тенденциясини кўрсатган. Бироқ, соф фойда пасайиб борган бу эса рентабеллик кўрсаткичларининг тушиб кетишига сабаб бўлган (2.3.8-расм).

14.6-жадвал


Корхонанинг 2006-2010 йиллар учун молиявий таҳлил коэффициентлари<sup>50</sup>

<b>Кўрсаткичларнинг номи</b>	<b>2006</b>	<b>2007</b>	<b>2008</b>	<b>2009</b>	<b>2010</b>
Сотиш рентабеллиги	0,0333	0,1648	0,0647	0,0874	-0,0409
Активлар рентабеллиги	0,0442	0,2734	0,1146	0,1401	-0,0446
Хусусий капитал рентабеллиги	0,0877	0,4316	0,1963	0,2462	-0,1337
Асосий воситалар рентабеллиги	1,3251	1,6594	1,7714	1,6024	1,0901
Активларнинг айланувчанлиги	3,5493	5,7397	5,8417	6,0649	5,2910
Асосий воситаларнинг айланувчанлиги	0,3027	0,3309	0,2888	0,2757	0,3056
Дебитор қарзларининг айланувчанлиги	0,4560	0,4121	0,3776	0,3801	0,6278
Айланма маблаларнинг айланувчанлиги	1,9041	1,8660	1,6082	1,4133	1,0270
Жорий коплаш коэффициенти	1,4840	1,5809	1,2771	1,1445	0,6506
Қиска муддатли ликвидлик коэффициенти	0,2201	0,0828	0,0470	0,1192	0,1507
Абсолют ликвидлик коэффициенти	1,9862	1,5785	1,7121	1,7572	2,9973
Молиявий қарамлик коэффициенти	0,0333	0,1648	0,0647	0,0874	-0,0409

<sup>50</sup> Кўрсаткичлар 2.1.2-жадвал асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.



14.7-расм. Корхонанинг 2006-2010 йилларда сотишдан соф тушум ва соф фойда динамикаси<sup>51</sup>, минг сўмларда.



14.8-расм. Корхонанинг 2006-2010 йилларда рентабеллик кўрсаткичлари динамикаси.<sup>52</sup>

Рентабеллик кўрсаткичлари (2.3.9-расм) асосий фаолият самарадорлигига боғлиқ бўлади. Демак, фойда нормаси юқорироқ бўлган фаолият тури ҳажми қисқарган бўлиши мумкин.

<sup>51</sup> Тадқиқот муаллифлари томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>52</sup> Муаллифлар томонидан тайёрланган.


Дарҳақиқат, «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» УШКда охириги йилларда толлинг операцияларининг тобора қисқариб борганини кузатишимиз мумкин:

14.9-жадвал

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» УШКда толлинг асосида углеводородли хом ашёлар қайта ишлаш ҳажмлари, минг АҚШ доллари<sup>53</sup>

2008	2009	2010	2011 й. 7 ойда
1553	1930	185,4	43

Таҳлил натижасида жорий активлар айланувчанлиги ошиб бораётганини ёки барқарор яхши даражада қолаётганини кўришимиз мумкин (14.10-расм). Масалан, 2006 йилда дебиторлик қарздорлигининг айланувчанлиги 0,3 йил бўлган бўлса, 2010 йилда ҳам ошмаган. Яъни дебитор қарздорлигини ундириш ўртача вақти ошиб кетмаган.




14.10-расм. Корхона дебитор қарздорлиги ва айланма маблағлари айланувчанлиги динамикаси.<sup>54</sup>

<sup>53</sup> Кўрсаткичлар 2.1.2-жадвал асосида муаллифлар томонидан ҳисоблаб чиқилган.

<sup>54</sup> Муаллифлар томонидан тайёрланган.

Шу билан бирга, корхона тўлов қобилияти йилдан-йилга тушиб бормоқда. Буни айрим ликвидлик кўрсаткичлари динамикасида кўришимиз мумкин (14.11-расм). Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мазкур корхонада толлинг операцияларини амалга оширишнинг шароити ва зарурияти мавжуд экан.



14.11-расм. Корхонанинг айрим ликвидлик коэффицентлари динамикаси.<sup>55</sup>

Юқоридагиларга хулоса қилиб қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги республика корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятида толлинг схемаларини самарали равишда кенг қўллашининг институционал асосларини ташкил қилади ва унинг афзалликларидан фойдаланишга имкон беради;

- Ўзбекистон нефт-газ комплекси республикадаги барча нефт конларидаги ҳом-ашёни тайёр маҳсулот қилиб, қайта ишлаб-чиқаришга техник ва ташкилий ресурслари билан ошиғи билан таъминланган. Бунда, қайта ишлаш қувватлари тўлиқ ҳажмда ишга

<sup>55</sup> Муаллифлар томонидан тайёрланган.

солинмай қолмоқда. Шунинг учун, толлинг операциялари улардан фойдаланиш унумдорлигини оширишнинг мақбул усулидир;

- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш учун маҳаллий ҳом-ашё етишмаслиги сабабли толлинг операцияларидан муваффақият билан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, завод қувватлари фақат ярмисига ишлатилиб келинмоқда. Бундан кўриниб турибдики хали толлинг операциясини амалга оширишнинг имкониятлари кўпдир.

## **15. Республикада толлинг операциялари самарадорлигини оширишнинг умумий масалалари**

Миллий иқтисодиётда толлинг операциялари самарадорлигини ошириш масаласини кўрганимизда ушбу вазифанинг кўлами ва сифатини назарда тутувчи икки жиҳат кўз олдимизда гавдаланади. Яъни толлинг операцияларини экстенсив ва интенсив ривожлантириш йўлларида уйғунликда фойдаланиш имкониятларини излашимиз керак бўлади.

Биринчи йўналиш бўйича толлинг операцияларини нафақат бир тармоқдаги ҳажмларини ошириш, балки толлинг битимларининг қўлланилиш соҳаларини кенгайтириш ҳам керакдир. Шунинг учун, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида толлинг операцияларининг самарали қўлланилиш имкониятларини муҳокама қилайлик. Бунда МДХ мамлакатлари тажрибасини эсга оламиз.

### **1. Толлинг металлургия саноатида.**

Толлинг операциялари Россияда авваламбор алюминий саноатига боғлаб эсга олинади. Бироқ, толлинг операциялари бошқа металлургия корхоналарида ҳам муваффақият билан ишлатилмоқда. Бунга сабаб, уларнинг ўзлик ҳом-ашё билан таъминланганлик даражаси ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солишга имкон бермаётганидир. Республикамиз металлургия комбинатлари ишлаб-чиқариш қувватлари ҳам тўлиқ ишга солинган деб айта олмаймиз. Шу билан бирга, толлинг операциялари маълум бир жиҳатдан корхона жорий ҳолатини

барқарор сақлаб туришга жуда қўл келмоқда. Масалан, Олмалик тоғ-металлургия комбинати ҳам<sup>56</sup> руҳ концентрати ва мисс концентратини қайта ишлаш бўйича толлинг операцияларини амалга оширишга тайёр эканлигини кўриш мумкин. Бу эса мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, иш билан бандликни, хусусан қимматли кадрларни иш жойда сақлаб қолишга имкон бермоқда. Республикамизда энг йирик саноат корхонаси ҳисобланувчи ва дунё металлургия комбинатлари ичида етакчи ўринлардан бирига эга бўлган Навоий тоғ-металлургия комбинатининг ишлаб-чиқариш базаси янада каттароқ бўлиб, ҳажм ва сифат жиҳатидан толлинг операцияларини янада кенгроқ қўллаши мумкин. Бекобод металлургия комбинати юқорида эслаб ўтилган корхоналардан кичикроқ, бироқ қора металлдан прокат ишлаб-чиқариш бўйича республикада етакчи ўрин тутиб, унинг ўзига хос ишлаб-чиқариш базасида ҳам толлинг операцияларини муваффақият билан қўллаш мумкин. Демак, республика металлургия комбинатларида толлинг операцияларини қўллаш амалиётини кенгайтириш мумкин ва зарурдир.

## 2. Толлинг қандолатчилик саноатида.

Ўзбекистоннинг ички бозорида қандолат махсулотларига бўлган талабни қондиришда импорт махсулотлари ананавий равишда жуда катта салмоққа эга. Бунга бир неча сабаб мавжуд:

- хорижий ишлаб-чиқарувчиларнинг қандолатчиликдаги махсулот инновациялари ҳаттоки истеъмол эҳтиёжидан юқори бўлиб, ассортимент таклифи, талабга нисбатан ўзувчи суръатлар билан ўсмоқда;

- қандолатчилик махсулотларининг аксарият қисми, айниқса конфет ишлаб-чиқаришда, хорижий ҳом-ашё асосида ишлаб чиқариладики, уларнинг катта қисмини маҳаллийлаштириш асосида республикада ишлаб-чиқариш мумкин эмас (маслан, кофе, какао, тропик ўсимликлари, кокос ва ҳоказо);

---

<sup>56</sup> [www.agmk.uz](http://www.agmk.uz)

- хорижий ишлаб-чиқарувчилар технологик стандартларининг юқори бўлиши ва махсулот сифат назорати савияси доимо ошиб бориши.

Ҳозирда ўзбек қандолатчиларининг хорижий қандолатчилар билан рақобат қилиши шаклланмоқда. Бундан ташқари, қандолатчилик махсулотлари субъектив равишда шаклланадиган инсонлар дидига кучли боғлиқ бўлгани учун ушбу соҳада катта инвестициялар киритиш кучли рисклар билан боғлиқдир. Республикада ишлаб чиқариладиган айрим ҳом-ашёнинг хорижий аналоглари маҳаллийлардан сезиларли равишда арзон бўлмоқда (шакар, сарёғ, ўсимлик ёғлари ва б.). Бу ҳолатда янада хорижий ҳом-ашёга боғланиб қолиш мумкин. Шунинг учун, арзон хорижий ҳом-ашёга эга бўлган хорижий ишлаб-чиқарувчиларни келгусида Ўзбекистон бозорида сотиш истиқболи билан қандолат махсулотларини ишлаб-чиқаришда толлинг операцияларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Масалан, Украина шакари 15-20 фоиз арзонроқ бўлгани учун, жаҳон бозорида донг таратган етакчи украин қандолатчи компанияларини (масалан, Roshen компанияси) толлингер бўлишга жалб қилиш мумкин. Бунинг учун, республикада қандолатчилик саноатини ривожлантириш зарурдир. Гарчи ҳозирда янги қандолатчилик корхоналари очилганда ўз бозорларига эга бўлишлари қийин бўлсада, хорижий ҳамкорлар кўмагида янги технологияларни олиб кириш ва толлинг операцияларини амалга ошириш ёрдамида бошланғич даврда уларнинг оёққа туриб олишлари анча осон кечар эди. Кейинчалик улар қандолатчилик бозорида мустақил «ўйинчи» бўлишлари ҳам мумкин.

### 3. Толлинг текстил саноатида.

Ўзбекистоннинг текстил саноати республикада етакчи саноат тармоқларидан бири бўлиб, унинг ишлаб-чиқариш қувватлари жуда каттадир. Шу билан бирга, маҳаллий ҳом-ашё унинг барча эҳтиёжларини қондириши мумкин. Бироқ, айланма маблағлари етишмаслиги ва маҳаллий махсулотнинг хорижий бозорда рақобат қилиши жуда қийин бўлгани учун, уларнинг ишлаб-чиқариш

қувватлари доимо тўлиқ ишлатилмаётибди. Ана шу ҳолатда ҳам толлинг операцияларидан унумли фойдаланиш масаласини қўйишимиз мумкин. Масалан, Россия лён қайта ишлаш корхоналари ишлаб-чиқариш қувватларининг 40 фоизи толлинг схемалари бўйича ишлаб келмоқда. Ўзбекистон текстил корхоналари ҳалқаро тан олинган брендларига эга бўлганларида, эҳтимол толлинг операцияларига эҳтиёж қолмас эди. Бироқ, унгача текстил саноатимиз жаҳон бозорида мустаҳкам етакчи ўринларга чиққунигача ишлаб-чиқаришни модернизациялаш бўйича узок давомли давр талаб қилиниб, яқин истиқбол учун толлинг операциялари корхоналаримиз учун фойда келтириши мумкин.

#### 4. Толлинг қишлоқ хўжалигида.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган бўлиб, жаҳон озиқ-овқат бозорида жуда харидогир маҳсулотлар етиштириб чиқарилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон жаҳон денгиз ҳавзаларидан икки мартаба узоқлашган давлатлардан бири бўлиб, энг арзон ва қулай транспорт ҳисобланган сув транспортдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум. Бу эса тез бузиладиган сабзавот ва айниқса меваларни экспорт қилиш имкониятини торайтиради. Бошқа томондан, собиқ совет тузуми даврида республика асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган ҳудуд бўлиб, озиқ-овқатни қайта ишлаш тармоғи жуда заиф ривожлантирилган эди. Шунга кўра, юқори технологияли қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқариш қувватлари ҳом-ашё базасига нисбатан анча кам. Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар ёзги мавсум даврида айланма маблағларига муҳтож бўлиб қолмоқдалар. Масалан, помидор пишиқчилиги даврида томат пастаси ишлаб-чиқарувчи корхоналар ҳом-ашё сотиб олишга маблағи етишмай қолган ҳолатлар кўп учрамоқда. Айрим ҳолатларда, совутгич камералари ва омборхоналарига эга бўлмаган корхоналар тез бузилувчи мева ва сабзавотлар ҳосилини тўлиқ қайта ишлашга улгурмай қолмоқдалар. Шароит яратиш учун ҳам катта капитал қуйилмалар талаб қилиниб, айланма маблағи

етишмаётган корхоналар учун бу эришиб бўлмас мақсадга айланиши мумкин.

Юқорида билдирилган фикрлардан кўришиб турибдики, маблағ етишмаслиги ва технологик қолоқликдан қутулиш учун маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини республикани ўзида қайта ишлаб, хорижга экспорт қилишга ва маҳаллий бозорни тўлдиришга тайёр бўлган хорижий толлингларни кенг кўламда жалб қилиш катта имкониятларга эга экан. Албатта, Ўзбекистон мева ва сабзавотига талаб юқорилигигача қолади. Шу билан бирга, уникал табиий шароитда етиштирилган маҳаллий ҳом-ашёдан тайёрланган маҳсулотлар ва ярим фабрикатлар, консерва ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар жаҳон бозорида ўз ўринларини эгаллашлари мумкин ва аниқдир.

5. Толлинг операцияларига турдош бўлган фаолият турларини кенгайтириш.

Толлинг схемаси асосан йирик бизнесда қўлланилиб, кичик бизнесда унга оҳангдош бўлган иқтисодий муносабатлар – касаначилиқдир. Касаначилиқ тўғрисидаги конвенцияга<sup>57</sup> биноан, "касаначилиқ" атамаси касаначи деб эътироф этиладиган шахс томонидан қўйидагиларни кўзда тутган ҳолда бажариладиган ишни англатади:

- унинг уйида ёки у танлаган, лекин иш берувчининг ишхонасидан бошқа жойда жойлашган бинода;

- ҳақ олиш учун;

- ускуналар, материаллар ёки бошқа харажатларнинг ким томонидан таъминланишидан қатъи назар, маҳсулот чиқаришда ёки хизмат кўрсатишда натижалари иш берувчи томонидан белгиланадиган равишда. Агар ушбу шахс миллий қонун ҳужжатлари ёки суд қарорларига мувофиқ мустақил меҳнаткашга зарур деб ҳисобланадиган автоном ва иқтисодий мустақиллик даражага эга бўлмаса.

---

<sup>57</sup> «Касаначилиқ тўғрисидаги 177-Конвенция. Женева, 1996 йил 20 июнь. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 83-сессиясида қабул қилинган.

Уйда ишлаш, оилавий бизнес, касаначилик, хизматлар кўрсатиш ва чорва боқиш каби аҳоли бандлигининг ноананавий турлари миллий иқтисодиёт ривожланишининг қўшимча йўналишлари бўлиб, улар ЯИМда ўз салмоғига эга бўлишлари мумкин. Айнан шунинг учун, охириги йилларда меҳнат бандлигининг янги ноананавий турларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Хусусан, республика меҳнат ресурслари ва кичик бизнеснинг ишлаб-чиқариш қувватларидан имкони қадар унумлироқ фойдаланиш учун касаначиликнинг турли шакллари, шу жумладан уни саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтириш масаласи устуворликка эга бўла бошлади.

Касаначилар ва корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оилавий бюджет даромадларини ошириш, аҳолининг меҳнат билан банд бўлмаган қисмини кескин камайтириб ва аҳолининг энг фаол қисмини ишлаб-чиқариш соҳасига жалб қилиш каби муҳим муаммонинг ечилишига ёрдам беради. Шу вақтнинг ўзида, даромад солиғи ҳисобига давлат бюджетига тушум ҳам ортади.

Саноат корхоналари томонидан касаначиларни зарур ҳом-ашё ва материаллар билан таъминланиши асосида оилавий пудратнинг ривожлантирилиши фуқароларга шахсий вақтларидан унумли фойдаланишга, ва шу билан бирга уй шароитида рентабелли ва кўп меҳнат талаб қиладиган махсулотларни ишлаб-чиқарилишини йўлга қўйишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида йирик корхоналар меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр махсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида 2006 йилда<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-

---

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни

сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, унга кўра қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисобланиши белгиланган:

- меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

- саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

- корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан ҳом-ашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган махсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

Ушбу Фармонда касаначилик фаолиятини амалга оширишнинг қуйидаги ҳолатлари белгиланган берилган:

- корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

- корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

- касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

- меҳнат шартномасида ишларни бажариш учун зарур ускуналар етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатиш

тизимини ташкил этиш, асбоблар, жиҳозлар, материаллар ва яримфабрикатлар билан таъминлаш, касаначиларни мажбурий тарзда техника хавфсизлигига ўқитиш ҳамда буюртмачи талаб қилган сифат стандартлари асосида ишлаб чиқарилган махсулотларни ташиб кетиш, бажарилган иш учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича корхоналарнинг касаначилар олдидаги кафолат ва мажбуриятлари кўзда тутилади.

Шунингдек, касаначилик фаолиятини комплекс қўллаб-қувватлаш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 2014 йилнинг 1 январигача, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилиниши ҳақида қарор қилинган.

Ушбу Фармонда кўзга тутилган чора-тадбирларни изчил равишда амалга ошириш ва ривожлантириш мақсадида 2006 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 4-сон Қарори<sup>59</sup> билан Касаначилик тўғрисидаги низом қабул қилинган(1-илова). Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасида касаначиликни ташкил этиш шартларини, шу жумладан, касаначилар билан меҳнат шартномаларини тузиш тартибини, уларга хом ашё ва материаллар бериш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва муҳофаза қилиш, касаначиларни ижтимоий суғурта қилиш тартибини ҳамда касаначилар меҳнатидан фойдаланаётган иш берувчилар учун белгиланган солиқ имтиёзлари қўлланилиши устидан назорат қилиш механизмини белгилаб, "касаначилик" тушунчаси тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ жисмоний шахс - касаначининг яшаш жойи бўйича ёки унга ёки унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биноларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича касаначи томонидан амалга оширилаётган ишни аниқлаштириши аниқланган.

---

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 05.01.2006 й. ПФ-3706-сонли Фармони амалга ошириш ҳақида» 11.01.2006 й. 4-сон Қарори

Иш берувчи - касаначи билан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначи учун ишлаб чиқариш биносини белгилайдиган, уни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, материаллар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлайдиган, бажарилган ишни қабул қилиб оладиган ва унга ҳақ тўлайдиган юридик шахс.

Касаначилик технология жараёни ва бошқа шарт-шароитлар уй шароитларида бутловчи буюмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш имконини берадиган саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида корхоналар билан корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда маҳсулотлар ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади.

Иш берувчи касаначига меҳнат шартномасида назарда тутилган ишлар (хизматлар)ни бажариш учун тегишли сифатга эга бўлган хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар тақдим этади (беради).

Шунингдек, касаначилик фаолиятини қувватлаш учун иш берувчининг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажариш учун касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан озод қилинган.

Касаначиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида биринчи йилнинг ўзидаёқ 700 корхонада 60 минг қўшимча иш ўринлари яратилган эди. Кейинги 2007 йилда эса яна 76,5 минг ишчи ўрни яратилди. 2008 йилга келиб касаначилик фаолияти натижасида 190 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди<sup>60</sup>. Шунингдек, касаначилик фаолиятини ривожлантиришнинг худудий дастурлари<sup>61</sup> ҳам ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 01.07.2008 й. 146-сон Қарори.

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида» 01.07.2008 й. 146-сон Қарори.

Касаначилик тўлиқ равишда толлинг схемасини англатмасада, ўз иқтисодий салоҳиятини ишга солиши муаммоли бўлган шахсларга имконият бериши жиҳатидан толлинг операцияларига ўхшашиб кетади. Шунинг учун, ушбу масалага комплекс қаралганда мазкур йўналиш ҳам ривожлантирилиши жоиз бўлади. Шу билан бирга шуни кўришимиз мумкинки, мавжуд норматив негиз асосан маҳаллий корхоналарда касаначилик алоқаларини назарда тутати ва тартибга солади. Солиқлардан имтиёзлар ва преференциялар ҳам ушбу соҳадаги хўжалик алоқаларини қувватлашга йўналтирилган. Яъни, касаначиликнинг ташқи иқтисодий фаолиятда ҳаракат қилишининг меъёрий-ҳуқуқчилик асослари ривожлантирилмаган. Катта эҳтимоллик билан шуни кутиш мумкинки, хорижий буюртмачилар билан маҳаллий касаначилар ўртасидаги хўжалик алоқаларини самарали равишда (яъни икки томон учун имкони қадар даромадли тарзда йўлга қўйишга имкон берадиган тарзда) ҳуқуқий тартибга солиниш базаси яратилса ва хорижий буюртмачилар ҳам салмоқли имтиёзларга эга бўлсалар, республикамиздаги касаначилик фаолиятини ривожлантириш иши сифатан янги савияга кўтарилишини кутиш мумкин албатта.

## **16. Республика нефтни қайта ишлаш соҳасида толлинг амалиётини такомиллаштириш йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси нефтни қайта ишлаш тармоғида толлинг операциялари самарадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ қилар эканмиз, амалий тавсиялар маълум бир вазиятли ҳолатга нисбатан мақсадли ишлаб чиқилиши кераклигини тан олишимиз керак. Яъни алоҳида олинган тармоқ ёки корхонада толлинг хусусиятлари индивидуал равишда инобатга олинмоғи лозим бўлади. Шунинг учун, олдинги бўлимларда фаолияти таҳлил қилинган корхона мисолида ушбу имкониятлар қуйида тадқиқ қилинади.

Республикада толлинг амалиётини такомиллаштириш йўналишлари Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида толлинг амалиётини янада ривожлантириш масаласини кўрганимизда у ерда қўлланилаётган толлинг схемаларининг самарадорлиги мезонлари хусусида сўз юритмоқ жоиз бўлади. Толлинг амалларини асосли тарзда қўллаш учун қуйидаги шароитлар мавжуд бўлиши керак:

- корхонанинг асосий ишлаб-чиқариши жараёни рентабелли бўлиши керак;

- корхонанинг айланма маблағлари етарли бўлмаслиги ёки ишлаб-чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланилмаётган бўлиши керак;

- етарли маблағга эга бўлган буюртмачи компания мавжуд бўлиши керак.

Толлинг схемаларини ташкил қилишда қуйидаги кўрсаткичларни инобатга олиш муҳимдир:

- толлинг схемасини амалга оширишдан қоладиган рентабелли фоиз ёки устама соф даромаднинг қайта ишлаш, хизмат ҳақи калкуляциясида ҳисобга олиниши;

- ҳом-ашё олиб кириш шартлари (муддати, етказиб бериш ҳажмлари, қабул қилиб олиш шартлари);

- ҳом-ашё сифати параметрлари;

- ҳом-ашёни сақлаш шароитлари (қайта ишловчи ўзлик ҳом-ашёси билан толлингер ҳом-ашёсини омборхонада алоҳида сақлаши шартми ёки улар фақат бухгалтерия ҳисоби доирасидагина алоҳида ҳисобда юритиладими;

- ҳом-ашё йўқотилиши ёки унинг сифати ёмонлашиши ҳолларида қоплаб бериш ёки суғурталаниши;

- қайта ишловчи корхонада толлингер ҳом-ашёсининг сақланиш харажати;

- ўзаро ҳисоблашишлар шакли;


- қайта ишлаш меъёрлари (шуни назарда тутиш керакки, одатда шартномада толлингер олиши керак бўлган тайёр маҳсулот ҳажми кўрсатилган бўлади, яъни ҳом-ашё қайта ишланишидан меъёрда назарда тutilган миқдордан кўпроқ маҳсулот олинса,

ортиқча махсулот қайта ишловчи фойдасига қолади, агар махсулот чиқиши камроқ бўлса, етишмайдиган миқдор қайта-ишловчи томонидан қоплаб берилади);

- ишлаб-чиқарилган махсулот сифати кўрсаткичлари;
- тайёр махсулот сифати кўрсаткичлари;
- тайёр махсулот қайта ишлаш ва ишлаб-чиқариш муддатлари;
- ҳом-ашёни қайтариб бериш ва тайёр махсулотни корхонадан олиб чиқиш шартлари;
- қайта ишлаш жараёнида олинадиган қўшимча махсулотга ким эгалик қилиши;
- ўзаро баҳсларни ҳал қилиш тартиби;
- шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жарима санкциялари.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида толлинг операцияларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш, корхона умумий фаолияти самарадорлигини ошириш масаласига узвий равишда боғлиқ бўлгани учун, биринчи ўринда корхонадаги умумий бошқарув тизимининг самарадорлиги масаласини кўриб чиқишимиз керак. Бунда биз кўраётган корхона, авваламбор, очик акциядорлик жамияти шубба корхонаси эканлигини ва иқтисодий фаолиятни бошқариш соҳаси корпоратив бошқарув тизими ишлайдиган соҳага таалуқли эканлигини ёдда тутмоғимиз зарур.

Толлинг операциялари схемалари корхонанинг умумий рақобатбардошлик стратегиясининг ажралмас қисми сифатида ишлаб чиқиши керак. Миллий иқтисодиётнинг манфаатларидан келиб чиқиб нефт ва газга бўлган юқори нархлар шароитида ўсувчи экспорт салоҳиятидан мувофиқ равишда фойдаланган ҳолда, нефтгаз тармоғининг ўзида кенгайтирилган ишлаб-чиқаришни йўлга қўйилишини молиялаштириш керак бўлади. Иқтисодиётнинг энг йирик сектори бўлгани ҳолда, у инвестиция ресурсларига катта талаб қўяди. Бироқ ҳозирги пайтда барча излаб топилган захираларни ўзлаштириш учун мамлакат зарур ресурсга эга эмас. Республикадаги қазилма бойликларни ишлаб-чиқарувчиларнинг



16.1-расм. Ўзбекистон Республикасида углеводород ҳом-ашёсини қазиб чиқариш динамикаси, млн.тонна шартли ёқилғида<sup>62</sup>.

инвестиция имкониятлари ўта чегараланган. Шундай бўлса ҳам республикамизда углеводород ҳом-ашёсининг ишлаб чиқилиши йилдан-йилга ошиб бормоқда (16.1-расм). Бироқ, унинг ҳажми барча нефтгаз қайта ишлаш корхоналари, хусусан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг барча қувватларини ишга солишга етмайди. Демак толлинг операциялари кўламини кенггайтириш бўйича узок истиқболга йўналтирилган стратегик режалаштиришни амалга ошириш зарур бўлади.

Ўзбекистон нефт-газ комплексида акциядорлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришнинг марказий бўғини сифатида хусусийлаштирилган корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги реструктуризация муаммоси майдонга чиқди. Чунки усиз корхоналарнинг бундан кейинги барқарор ривожланиши улар чиқарадиган маҳсулот рақобатбардошлигининг ошиши, ҳамда самарали дивиденд сиёсатини амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Ушбу шароитни инобатга олганда, республика корхоналарининг хусусийлаштиришдан кейинги реструктуризациясининг эгилувчан иқтисодий механизмларини шакллантириш лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу механизм мазкур жараённи барча босқичлари ва муҳим

<sup>62</sup> www.ung.uz

бўғинларини қамраб олиб, хорижий ҳамкорлар иштирокини рағбатлантирувчи стимуллари тўғдириши керак.

Корхона хўжалик фаолияти ўзи билан узоқ давом этадиган жараёни ташкил қилиб, маълум бир истиқбол назарда тутилган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Бунда маълум бир инвестиция стратегияси ишлаб чиқилади ва қўлланилади<sup>63</sup>. Ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилишида корхона миссияси, яъни стратегик ёндашув танланади ва аниқ мақсадлар аниқланади. Мақсадлар корхона эришиши лозим бўлган натижалардан иборат бўлиб, маълум бир ўзоқ ёки қисқа муддатга мўлжалланиши мумкин. Мураккаб тузилмага эга бўлган ташкилотларда ушбу мақсадлар кичик бўлинмалар бажарадиган вазифаларга тақсимланиши мумкин.

Яхши ишлаб чиқилган мақсадлар қатор қўйидаги сифатларга эга бўлади:

1. Мақсадларга эришиш имконияти мавжуд.
2. Мақсадлар эгилувчан бўлиши – ўзгартириш имкониятига эга.
3. Мақсадлар аниқ ўлчовга эга.
4. Мақсадлар аниқ, яъни эришиш муддатлари ва усуллари қайд қилинган бўлади.
5. Мақсадлар ўзаро уйғун бўлади – бирига эришиш иккинчисини истисно қилмайди.

Узоқ муддатли асосий мақсадларни аниқлаш стратегиянинг ўзагидир<sup>64</sup>. Ривожланиш стратегиясининг шаклланиши узоқ давом этадиган ижодий жараён бўлиб бир неча босқичлардан иборат. Бланк И.А. ушбу масалада ўз тавсиясини берган<sup>65</sup>. Бироқ биз у таклиф қилган алгоритмни толлинг схемаларига қўллаб қўйидагича ишлатиш мумкин деб ўйлаймиз (16.2-расм). Албатта толлинг схемаларининг қўлланилиши давлатни ҚҚС каби солиқ тушумларидан маҳрум қилиб қўйиши мумкин. Бироқ, гап шундоқ

<sup>63</sup> Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент – Киев, «ИТЕМ» ЛТД, 1995, с.114

<sup>64</sup> Chandler A.D. Strategy and Structure: A Chapter in the History of Industrial Enterprises. Cambridge, Mass, MIT Press, 1962 – с 217

<sup>65</sup> Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент – Киев, «ИТЕМ» ЛТД, 1995, с.117

ҳам ишлатилмай қолаётган ишлаб-чиқариш қувватлари ҳақида кетаётганини инобатга олсак, ушбу операциялардан воз кечиш миллий иқтисодиётни буюртмалар ва инвестицияларнинг муҳим бир қисмидан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкинлигини кўрамиз.



16.2-расм. Толлинг стратегияси шаклланишининг асосий босқичлари<sup>66</sup>

Яна бир ҳолатни ҳам инобатга олиш керак, агар миллий иқтисодиёт толлинг схемаларидан воз кечса, унинг яқин хориждаги рақобатчилари толлингерларнинг талабини қондиришлари ва ишлаб-чиқарувчи сифатида бозордаги позицияларини анча кучайтириб олишлари мумкин. Толлингерлар ижрочилардан тежамкор ва сифатли ишлаб-чиқаришни кутадилар. Демак, толлинг операциялари натижасида корхона доимо ўз рақобатбардошлиги,

<sup>66</sup> Муаллифлар томонидан тузилган.

ресурс тежамкорлиги ва сифат назорати устида ишлашга мажбур бўладилар. Толлингерлар ижрочиларга заиф боғланган, улар исталган пайтда бошқа ижрочиларга мурожаат қилишлари мумкин. Шунинг учун, барқарор буюртмага эга бўлмоқчи бўлган толлинг ижрочилари доимо инновация ва модернизация фаолиятини олиб боришга мажбур бўладилар. Шу билан бирга, ушбу фаолият буюртмаларга ҳақ тўлаш орқали толлингерлар томонидан молиялаштирилади ҳам. Ҳалқаро иқтисодий фаолиятни олиб бориш ва кенгайтиришни ихтиёр этган ўзбек корхоналари, жаҳон бозорида кенг тарқалаётган унинг шаклларида, шу жумладан толлинг схемаларидан, четда қолмасликлари, ва глобализация шароитида ҳалқаро иқтисодий конъюнктурасида пайдо бўлаётган ҳар қандай эҳтиёжни қондиришга шай бўлишлари лозимдир. Айниқса жаҳон моливий-иқтисодий инқирозининг оқибатлари ўзбек корхоналаридан хўжалик юритиш шакллари кўллашда катта эгилувчанликни талаб қилмоқда.

Мазкур ўқув қўлланма мавзуси доирасида саноатнинг стратегик тармоқларида, хусусан Ўзбекистон нефтгаз комплексида толлинг операцияларини ташкил этиш ва самарали бошқариш муаммосини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида олинган умумий хулосалар қуйидагилардир:

1. Толлинг замонавий жаҳон иқтисодиётида ишлаб-чиқариш ва ҳалқаро кооперациясининг муҳим турига айланиб бормоқдаки, унда ҳом-ашё эгаси уни қайта ишловчи корхонага беради ва тайёр маҳсулот кўринишида қабул қилиб олади ва қайта ишловчи корхонага хизмат ҳақини тўлайди. Ҳозирги пайтда толлинг операцияларини амалга ошириш бўйича бой ҳалқаро тажриба мавжуд бўлиб, йилдан-йилга толлинг операциялари доирасига тобора кўпроқ давлатлар тортилмоқда. Ўзбекистонда ҳам толлинг операциялари қўлланила бошланган.

2. Жаҳон моливий-иқтисодий инқирози ва кескинлашган рақобатчилик муҳитида, айланма маблағларининг етишмаслиги оқибатида ўз ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконияти кам бўлган корхоналар учун толлинг операциялари

кўшимча имкониятлар яратади. Жаҳон амалиёти толлинг операцияларининг толлингер ва қайта ишловчи корхоналар учун ўзаро фойдали шаклдаги ҳамкор эканлигини исботламоқда. Бунга толлинг операциялари иқтисодий ва ижтимоий соҳада очиб бераётган кенг имкониятлар сабаб бўлмоқда.

3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги республика корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятида толлинг схемаларини самарали равишда кенг қўллашининг институционал асосларини ташкил қилади ва унинг афзалликларидан фойдаланишга имкон беради. Шу билан бирга, толлинг операцияларини ҳуқуқчилик соҳасида қўллаб-қўвватлаш бўйича бой амалиётини ўрганиш ва миллий иқтисодиёт манфаатларига мувофиқ келувчи томонларини жорий қилиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмаяпти.

4. Ўзбекистон нефт-газ комплекси республикадаги барча нефт конларидаги ҳам-ашёни тайёр маҳсулот қилиб, қайта ишлаб-чиқаришга техник ва ташкилий ресурслар ёрдамида ошиғи билан таъминланган. Бунда, қайта ишлаш қувватлари тўлиқ ҳажмда ишга солинмай қолмоқда. Шунинг учун, толлинг операциялари улардан фойдаланиш унумдорлигини оширишнинг мақбул усулидир. Шу билан бирга, транспорт соҳасидаги айрим муаммолар сабабли республика амалиётига толлинг операциялари кўламини кенгайтириш имкони бўлмаётир.

5. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ишлаб-чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш учун маҳаллий ҳам-ашё етишмаслиги сабабли толлинг операцияларидан муваффақият билан фойдаланмоқдалар. Шу билан бирга, завод қувватлари фақат ярмисига ишлатилиб келинмоқда. Охириги йилларда толлинг операциялари ҳажмининг қисққариб бориши корхона соф фойдасига ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятида толлинг операцияларини самарали ташкил қилиш учун қуйидаги чоратadbирлар мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

1. Миллий иқтисодиётда толлинг операциялари самарадорлигини экстенсив ва интензив ривожлантириш йўллари уйғунлигида ошириш керак. Толлинг операцияларини нафақат бир тармоқда ҳажмларини ошириш, балки қўлланилиш соҳаларини ва тармоқларини ҳам кенгайтириш керак. Бунинг учун биринчи ўринда турли соҳаларда толлинг операцияларини самарали амалга ошириш услубиётини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб борилиши керак.

2. Ҳалқаро иқтисодий фаолиятни кенгайтириш учун корхоналар, толлинг каби ҳалқаро ҳамкорлик шаклларида четда қолмасликлари, ва глобализация шароитида ҳалқаро иқтисодий конъюнктурасида пайдо бўлаётган толлинг каби ҳар қандай эҳтиёжни қондиришга шай бўлишлари лозимдир.

3. Толлинг схемаси асосан йирик бизнесда қўлланилиб, кичик бизнесда унга оҳангдош бўлган иқтисодий муносабатлар – касаначилиқдир. Республикамиз йирик корхоналари ишлаб-чиқариш қувватларини толлинг операцияларига жалб қилиш самарасиз бўлган ҳолларида, касаначи бажарувчилар билан уларнинг кооперацияси ижобий натижа бериши мумкин. Бунда маҳаллий ишлаб-чиқарувчилар қатор ижобий омиллар таъсири остида бўладилар: барқарор ва йирик буюртмаларга эга бўладилар, ўз технологик-техник савияси устидан ишлашга мажбур бўладилар.

4. Касаначилиқнинг ташқи иқтисодий фаолиятда ҳаракат қилишининг меъёрий-ҳуқуқчилик асосларини ривожлантириш зарур. Хорижий буюртмачилар маҳаллий касаначилар билан ишлашдан ҳам салмоқли давлат имтиёзларига эга бўлсалар, ушбу фаолиятни ривожлантириш иши сифатан янги савияга кўтарилишини кутиш мумкин. Бу масала биринчи ўринда, толлинг операцияларини амалга оширишнинг божхона режимида таалуқлидир.

5. Хорижий буюртмачилар маҳаллий касаначилар билан ишлашини рағбатлантириш учун қўшимча равишда солиқдан имтиёзлар ва преференциялар бериш керак. Ушбу имтиёзлар ички толлингга ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

6. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида толлинг операцияларини амалга ошириш самарадорлигини ошириш учун корхонада корпоратив бошқарув ва менежмент даражасини ошириш лозимдир. Бунда маркетинг фаолиятини тубдан қайта қуриш талаб қилинади. Чунки ананавий фаолиятда маркетинг фаолиятига ҳожат бўлмаган эди.

7. Толлинг операцияларини самарали режалаштириш учун муаллиф таклиф қилгани каби рақобатбардош толлинг стратегиясини ишлаб чиқиш керак. Мазкур стратегияни ишлаб-чиқиш ва амалга ошириш учун корхона иқтисодий хизматлари, хусусан, режалаштириш бўлими ўз фаолиятини қайта қуриши талаб қилинади.

8. Ўзбекистон корхоналари ишлаб-чиқариш қувватлари ишга солиниш даражасини инвентаризация қилиш, улардан экспорт салоҳиятига эга бўлганлари асосида республика иқтисослаштирилган ресурс марказида маълумотлар базасини шакллантириш ва толлинг хизматлари ярмарка-кўргазмаларини даврий равишда уюштириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар

### 1. Қонунлар, ҳуқуқий ва сиёсий ҳужжатлар.

1. «Касаначилик тўғрисидаги» 177-Конвенция. Женева, 1996 йил 20 июнь. Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 83-сессиясида қабул қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, 25.12.2007 йилда тасдиқланган, 215-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси, 26.12.1997 йилда тасдиқланган, 30-модда.

4. "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонун.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 05.01.2006 й. ПФ-3706-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.1998 йилдаги ПФ-2154-сон «Ўзбекнефтегаз» нефт ва газ саноати миллий корпорациясини «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига қайта ташкил этиш» Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 05.01.2006 й. ПФ-3706-сонли Фармонини амалга ошириш ҳақида» 11.01.2006 й. 4-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.08.2004 йилдаги 398-сон Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 01.07.2008 й. 146-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш дастури тўғрисида» 01.07.2008 й. 146-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида» 20.10.2005 йилдаги 5-сон баённомаси.

12. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (Толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом», Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 987-сон билан 29.11.2000 йилда рўйхатга олинган.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиши тўғрисида» 10.11.2001 йилдаги 523-сон Қарори.

## **2. Китоблар ва рисоалар.**

14. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Т.: Ўзбекистон. 2007 йил.

15. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир. — Т: «Ўзбекистон» НМИУ, 2010, 78 б.

17. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов.-Тошкент:”Ўзбекистон”, 2010.-56б.-Б.ц.

18. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент – Киев, «ИТЕМ» ЛТД, 1995, с.114.

19. Гиляровская Л.Т. А.А.Вехорева. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. - СПб.:Питер. 2003.

20. Ефимова О. В. Финансовый анализ.- М.: "Бухгалтерский учёт". 2002.

21. Ламбен Ж.-Ж. Стратегический маркетинг. Европейская перспектива. Пер. с франц. СПб.: Наука, 1996. - 604 с.

22. Пястолов С.М. Анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия.- М.:Издательский центр <<Академия>>. 2002.

23. Райзбер Б. А., Лозовский, Л. Ш. и Стародубцева, Е. Б. Современный экономический словарь. — М.: ИНФРА-М, 2005 г. 4-е изд., перераб. и доп., стр. 480.

24. Суюнов Д.Х., Равшанов М.Н., Бутабаев М.Ш. Корпоративное управление хозяйствующих субъектов. - Т: Академия, 2007. - 409 с.

### **3. Рўзнома ва журналлардаги мақолалар.**

24. Белова И.А. Толлинг как экономическое явление. //Менеджмент в России и за рубежом. №3, 2000.

25. Иванов Н., Белкин Д. Толлинговая атака на правительство//Коммерсантъ. — 1999. — № 192.

26. Сысоев А. Кому мешает толлинг. // Журнал «Металлы Евразии», № 6,1999 г.

27. Любин А. То ли толлинг, то ли грабёж. // Газета «Труд», 23.09.99 г.

28. Сапожников П., Лихина О. Толлинг — это не Чубайс. // Журнал «Коммерсантъ деньги», № 38, 29.09.99 г.

29. Оганесян Т. Канонада алюминиевых войн. // Журнал «Эксперт», № 47, 13.12.99 г.

30. Онуфриев А, Сиваков Д. Люди бьются за металл. // Журнал «Эксперт», № 40, 25.10.99 г.

31. Иванов Н. Грабить можно на 15% меньше. // Газета «Коммерсантъ», № 212, 17.11.99 г.

32. Рыжановская Л. Повышение роли финансового рынка в мобилизации и эффективном использовании инвестиционных ресурсов. - М.: Финансы и кредит, №6, 2002.С.19.

33. Орлов Д. Прощание с TWG.// Журнал «Новое время», № 50,1997 г.

34. Dieckheuer, G. und Langenfurth, M. Passive Lohnveredelung: Faktor des Wirtschaftswachstums in Osteuropa? — Muenster: Institut fuer industriegwirtschaftliche Forschung, Beitrag Nr. 208, 1995.

35. Werner, Klaus-Juergen. Analyse der internationalen Lohnveredelung anhand von Fallstudien in Malaysia und Singapur. — Bad Honnef: Bock und Herchen, 1982.

36. Wolfgang Koenig, Joachim Peters, Wolfgang Ullrich. Betriebliche Kooperation mit den Entwicklungslaendern. Moeglichkeiten und Grenzen des Mittelstandes. — Tuebingen: J.C.B.Mohr (Paul Siebeck), 1987.

37. Chandler A.D. Strategy and Structure: A Chapter in the History of Industrial Enterprises. Cambridge,Mass, MIT Press, 1962 – с 217

#### **4. Статистик тўплamlар ва бошқалар.**

40. Ўзбекистон Республикаси статистик тўплamlари.

41. «Ўзбекнефтгаз» МХК маълумотлари.

42. «Тошкент» РФБ маълумотлари.

43. «Ўзнефтмахсулот» АК 28.11.2006 йилдаги 137-сон буйруғи.

#### **5. Интернет сайтлари.**

44. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

45. [www.tolling.ru](http://www.tolling.ru)

46. [www.agmk.uz](http://www.agmk.uz)

47. [www.ung.uz](http://www.ung.uz)

48. [www.wikipedia.ru](http://www.wikipedia.ru)

**Суюнов Дилмурод Холмурадович**

**Қаландаров Аълохон Қосимжонович**

**Толлинг операцияларини ташкил этиш ва  
уни бошқариш**

**Ўқув қўлланма**

**“Akademiya”**

**Тошкент-2012**

Муҳаррир *М.Абдуллаева*

Мусахҳих *Г.Абдуллаева*

Рассом *Л.Туйчиев*

Техник муҳаррир *К.Хакимов*

Теришга берилди 20.02.12.Босишга рухсат этилди 22.02.12.

Офсет босма.Шартли босма табоғи 8.25. Адади 700 дона.

“Akademiya” нашриётида чоп этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.

## Суёнов Дилмурод Холмурадович

Иқтисод фанлари доктори, Бельгия давлатининг Антверпен университети, Ўзбекистон-Америка академияси, АҚШнинг Нью-Йорк, Баъфло университетлари ва Германиянинг “Менежмент” академиясида ўз малакасини оширган. Голландия давлати “Маастрих” университетининг МВА (Бизнес бошқарув магистри) дипломини олган.

Ҳозирги кунда 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва ўқув-услубий ишлар, шунингдек, “Кичик бизнес хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш муаммолари”, “Ўзбекистонда корпоратив бошқарув муаммолари”, “Хизмат кўрсатиш соҳасида корпоратив муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари”, “Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар” илмий монографиялар ҳамда “Корпоративное управление в хозяйствующих субъектах” ва “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув” номли ўқув қўлланмаларининг ҳаммуаллифи.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби директорининг иқтисодий ва ташқи алоқалар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

## Қаландаров Аълохон Қосимжонович

“Минтақашунослик”- яқин ва ўрта шарқ мамлакатлари минтақашунослиги ва иқтисодиёти магистри, Олий бизнес мактабининг “Умумий менежмент” ихтисослиги бўйича “Бизнес бошқарув магистри”, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг “Ўзбекнефтмахсулот” АК “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” унитар шубҳа корхонаси директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда. Германиянинг “Менежмент” академиясида ўз малакасини оширган.











